

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**А К А Д Е М И Я**

**Р.М.МАХМУДОВ, Б. Н. СИРЛИЕВ**

**ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ**

*Маърузалар курси*

**ТОШКЕНТ 2011**

**Махмудов Р.М., Сирлиев Б.Н.** Педагогик психология: Маърузалар курси – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 151 б.

Ушбу маърузалар курсида ички ишлар идоралари бўлғуси раҳбар ходимлари касбий фаолиятининг хусусиятлари психологик таҳлил нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Ички ишлар тизимида устоз-шогирд муносабати, таълим-тарбия жараёнида ходимлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий психологик қонуниятлари очиб берилган ҳамда уларга таъсир этишнинг психолого-педагогик йўллари ва усуллари баён этилган.

ИИВ Олий академик курслари тингловчиларига, ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

ББК.....

**Тақризчилар:** психология фанлари номзоди, доцент

**А.И. Расулов;**

психология фанлари номзоди, доцент в/б

**Р. Х. Душанов**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, жамиятни ривожлантиришнинг демократик йўли танланиши, унда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланиши, қонун, адолат устуворлигидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизими фаолиятини қайта кўриб чиқиш уни ислоҳ қилиш имконияти пайдо бўлди. Бунда кўзда тутилган мақсадлардан бири – ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг психологик билимларини халқаро меъёр ва андозаларга мувофиқлаштиришдан иборат.

Маълумки, раҳбар ходимнинг дунёқараши, билим савияси, зиёлилик даражаси, маданияти, шахс психологиясини билиш қобилиятига боғлиқ. Шу боис, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш, қонунчилиқни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатнинг қарор топишида раҳбар шахснинг роли ва унинг муаммони қанчалик оқилона ҳал қилиши муҳим ўрин тутди.

Раҳбар ходимларнинг дунёқараши, психологик қобилиятини ўстириш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси қошидаги “Олий академик курс” (ОАК) да педагогик психология фани ўқитилади. Ушбу фаннинг жамият ҳаётида нечоғлиқ муҳим ўрин эгаллашини, раҳбар ходимлар учун қанчалик муҳим эканлигини Президентимизнинг қуйидаги сўзларидан билса бўлади: “Психология фани – биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганишингиз керак”<sup>1</sup>.

Ушбу маърузалар курси ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб бунда ички ишлар органлари учун раҳбарлар таркибини тайёрлаш бўйича олий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш – бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. Т.14. – Т., 2006. – 121-122-б.

академик курсларининг ўқув аудиторияси ҳамда ОАК тингловчиларининг раҳбарликка хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Ушбу маърузалар курсини тўлдириш, такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, бажонидил қабул қиламиз.

## **1-мавзу. Педагогик психологиянинг предмети. Унинг ички ишлар идораларида педагогик жараёни такомиллаштиришдаги имкониятлари**

### **1-§ Педагогик психологиянинг предмети ва илмий тадқиқот методлари**

Педагогик психология-тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланиши, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади. Педагогик психологиянинг мақсадга ўқитишнинг оқилона ривожлантирувчи таъсирини, шарт-шароит ва бршқа психологик факторлардан келиб чиққан ҳолда кучайтиришдир. Педагогик психология XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий тараққиётнинг таъсири натижасида вужудга келган. Экспериментал психология тадқиқотчилари педагогик психология ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Бундан ташқари, педагогик психологиянинг фан сифатида тарақий этишда ўша даврда юзага келган психологик йўналишлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказган. Бихевиористик психология йўналиши педагогик психология учун асос қилиб тарбиячи ва ўқитувчига восита қилиб ташқи муҳит таъсирини олади. Ташқи муҳит қанчалик ижобий таъсир қилувчи омил бўлса, яъни қулай шарт-шароит вужудга келса, демак шахснинг тарбияланиши шунчалик ижобий кечади.

Ҳозирги замон педагогик психология ривожланиши натижасида инсоннинг индивидуал психологик фарқлари ижтимоий-тарихий тажрибалар таъсириҳамда бошқа одамлар ўртасидаги мулоқот, муомала

таъсири борлигини, шунингдек, яна бир қанча факторларни ҳисобга олган ҳолда шахсни ривожлантирувчи таълим орқали ўқитиш ва тарбиялаш ётади. Педагогик психологияни шартли равишда бир неча турга ажратиш мумкин: а) таълим психологияси; б) тарбия психологияси; в) ўқитувчи психологияси; г) олий мактаб психологияси кабилар.

Педагогик психологиянинг объектини шахс ва унинг хатти-харакати ташкил этади. Педагогик психология икки фаннинг ўзаро ҳамкорлиги асосида юзага келган. Педагогик психологиянинг предмети инсон психик ривожланишининг қонуниятларини шахс таълим жараёнида ўрганади. Педагогик психологиянинг предмети, мақсади ва вазифасини аввало муомала жараёни, яъни шахслараро муносабат, ҳамкорликдаги фаолият ташкил қилади. Муомала эса бир қанча фанлар, масалан педагогика, социология, физиология, тиббиёт, бошқариш назарияси, умумий психология, ижтимоий психология, ёш даврлар психологияси ва педагогик психологияларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Педагогик психологиянинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- таълим олаётган ва тарбияланаётган шахсларга таъсир этиш механизмини очиб бериш;
- таълим олаётганлар томонидан ижтимоий маданий тажрибаларни ўзлаштириш;
- таълим олаётганларда турли вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини ўргатиш;
- педагогик фаолиятнинг ўзига хослигини ўрганиш.
- ўқитишнинг қонуниятларини, механизмларини ўргатиш ва ҳоказо.

Тарбия жараёни бир мақсадга қаратилган ижтимоий жараён бўлиб, қуйидаги тўрт қисмга бўлинади.

- биринчиси, тарбиялаш таълим жараёнида олиб борилади ва унинг барча шакл ва усуллари, мазмунини ёритишга ҳаракат қилади.

С.Л.Рубинштейнинг фикрига кўра “Биз ўқитиш орқали тарбиялаймиз, тарбиялаш орқали ўқитамиз”;

– иккинчиси, таълим маълум бир муассаса, ташкилотда олиб борилади ҳамда тарбиянинг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга хизмат қилади;

– учинчиси, тарбия таълим жараёнидан ташқарида – оила, меҳнат жамоаси, гуруҳ ва жамоат муассасаларида амалга оширилади;

– тўртинчиси, тарбия жараёни клублар, маданият уйлари, ҳар хил тўғаракларда, таълимнинг эпизодик жиҳатларига асосланган ҳолда олиб борилади.

Педагогик психологияни анъанавий жиҳатдан таҳлил қилганда учта бўлимнинг, яъни таълим психологияси, тарбия психологияси ва ўқитувчи психологияси таркибида кўриб чиқилади.

Биз педагогик психологияни таълим ва тарбия жараёнининг ҳамкорликдаги фаолият натижаси сифатида ўрганамиз ва таҳлил қиламиз. Бунда биринчидан, педагогик психологияда “таълим” деган тушунчаси мавжуд ва унинг асосида икки томонлама жараён, яъни ўқитиш ҳамда билим олиш тушунчаси ётганлигини англаш мумкин.


Иккинчидан, таълим билан тарбиядаги ўзаро мослик ва ҳамкорлик муҳим ҳисобланади. Ўқитиш фаол бир мақсадга қаратилган ижтимоий жараён бўлиб, бунда кишиларнинг ўзларидан олдинги авлодлар қолдирган ахлоқ нормалари, билимлари, анъаналарининг энг яхши томонларини ўзларида мужассамлаштириши ва ҳаётга тадбиқ этиши тушунилади.

Педагогик психология тузилишига кўра қуйидагиларни ўз ичига олади: таълим фаолияти психологияси; ўқув фаолияти психологияси; психологик ва педагогик фаолият, яъни ўқиётган ва тарбияланаётганларга ўзаро ҳамкорликда таъсир этиш; педагогик жараёнда ҳамкорлик психологияси ва мулоқот.

Ушбу тузилма педагогик психологиянинг ўрганиш доирасини кенгайтиради.

Педагогик психология фани инсонни ўрганишда психология фанининг илмий-тадқиқот методларидан фойдаланади.

## Педагогик психологиянинг методлари қуйидагича:



3. Сухбат.
4. Анкета.
5. Социометрия.
6. Фаолият натижаларини ўрганиш.
7. Тест.
8. Биографик.

*Кузатув* агар у ташқи ҳодисаларни тасвирлаш билан чекланибгина қолмасдан, балки ушбу ҳодисаларнинг психологик табиатини изохлаб бериш даражасига кўтарилса, психик тадқиқот методи бўла олади. Илмий психологик кузатув турмушдаги кузатувдан фарқли ўлароқ, хулқ-атвор ва фаолиятнинг кузатиладган фактини тасвирлашдан унинг ички психологик моҳиятини тушунтириб беришга муқаррар ўтилишини тақозо этади. Психологик кузатувларнинг жиддий муҳим талаблари аниқ режанинг бўлиши ва шунингдек олинган натижаларнинг махсус кундаликда қайд этилишидан иборат.

Янги психологик фактларга эга бўлишнинг ва объектив тарзда илмий билишнинг асосий воситаси - эксперимент методидир.

*Эксперимент* методининг икки асосий тури фарқланади: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент.

Лаборатория экспериментининг ўзига хос белгиси фақат унинг лаборатория шароитларида махсус психологик асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказишларида ва синалувчиларнинг хатти-ҳаракатлари йўл-йўриққа биноан

содир бўлиши билангина эмас, балки синалаётганини биладиган синалувчи (гарчи одатда, синалаётган киши экспериментнинг мохияти нималардан иборатлигини, конкрет нимани ва нима мақсадда тадқиқ қилишаётганини билмаса ҳам) кишининг муносабати билан ҳам белгиланади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг хоссаларини, идрок ва хотира, сезги чегараларини ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш мумкин.

Табиий эксперимент (биринчи марта 1910 йилда А.Ф.Лазурский таклиф этган) йўналишига кўра, эксперимент ўтказилаётганини биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишга йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги, табиий шароитларга (дарс, суҳбат, ўйин, уй вазифаларини бажариш ва бошқалар) кўчириши лозим.

*Суҳбат методи* ёрдамида шахсни ўрганишда суҳбатнинг мақсади ва вазифасини белгилаш, суҳбат мавзусининг объекти ва субъектини танлаш, муддати ва вақтини аниқлаш, уни индивидуал, гуруҳий ва жамоа шаклида ўтказиш, мавзуга боғлиқ савол-жавоб тизимини тайёрлаш кабилар кўзда тутилади.

*Анкета методи* ёрдамида жамоанинг муҳитга бўлган муносабати ўрганилади. Бунда очик (легал) ва ёпиқ (нолегал) анкета методларидан фойдаланилади. Очик (легал) анкета методида шахс ўзи ҳақида барча маълумотларни саволномада кўрсатади ва таклифлар беради. Ёпиқ (нолегал) анкета методида шахс ўзи ҳақида барча маълумотларни саволномада сир сақлайди, яъни жавоблар фақатгина “ + ” ва “ - ” ишоралар орқали бериледи.

*Социометрия методи* Америкалик психолог Ж.Морено томонидан биринчи марта фанга киритилган. Бунда у гуруҳларда шахслараро афзал кўринишларни аниқлаш усулини ва ҳиссий афзал кўринишларни қайд қилиш техникасини таклиф этади. Буни у **СОЦИОМЕТРИЯ** деб атади. Социометрия ёрдамида шахслараро биргаликдаги ҳаракат жараёнида гуруҳ аъзоларида намоён бўладиган афзал кўришларнинг, бефарқлик ёки хуш кўрмасликнинг миқдорий меъёрини аниқлаш мумкин. Социометрия гуруҳ аъзоларининг бир-



бирини хуш кўриши ёки хуш кўрмаслигини аниқлашда кенг қўлланилади. Гуруҳ аъзоларининг ўзлари бундай муносабатларни англаб ола олмасликлари ва уларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ўзларига ҳисоб бермасликлари мумкин.

Социометрик усулининг негизида “Сен ким билан бирга бўлишни хоҳлайсан” деган тўғридан-тўғри савол туради. У кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хоҳлаган жабҳасига тадбиқан қўйилиши мумкин. Қоида тариқасида танлашнинг икки йўналиши-биргаликда меҳнат қилиш соҳасидаги ва вақтичоғлик қилиш соҳасидаги йўналишлари тавсия қилинади. Бу ўринда танлашнинг мақбуллиги даражасига (бениҳоя истак борлиги, бажонудиллиги, бефарқлиги, унчалик исталмаётганлиги, сира ҳам истак йўқлиги) аниқлик киритилиши ва танлаш учун тавсия қилинадиган шахслар сони чекланган бўлиши ҳам мумкин, танлашларнинг танлаш матричасига тушириш чоғида янада таҳлил этиш ўзаро хуш кўриш ва хуш кўрмасликларнинг мураккаб тарзда чатишиб кетганлигини ва қарама-қарши томонлар ўртасидаги оралик бўғинларнинг бутун иерархиясини кўрсатиб беради.

Шундай савол туғилади: гуруҳдаги ўзаро муносабатларнинг социометрия методи учун яширин бўлиб қоладиган, лекин бу муносабатларнинг фақат ташқи жиҳатини оддий кузатувга қараганда анча тез ва аниқроқ кўрсатиб бера оладиган ҳақиқий ички ривожланишни қандай аниқлаш мумкин? Гуруҳ ичидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг ташқи манзараси гуруҳ аъзолари ўртасидаги теран муносабатларнинг оқибати сифатида қаралиши мумкин, лекин социометрия афзал кўриш ва яққаланиб қолишнинг сабабларини аниқламайди.

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва статусининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, энг орқада эса нореферент ва социометрик жиҳатдан суриб чиқарилган индивидлар туришади. Музкур иерархия зинапоясининг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади.

*Фаолият натижаларини ўрганиш методи* ёрдамида ўрганилаётган шахсни илмий психологик қонуниятлар асосида баҳолаш мумкин, чунончи:

1. Шахснинг фазилатлари, характерологик хислатлари.
2. Хиссий жабҳалари ва иродавий сифатлари.
3. Инсоннинг когнитив ва регулятив имкониятлари.
4. Эҳтиёжи, мотиви, мотивацияси, мотивировкаси.
5. Касбий майли, қизиқиши, лаёқати.
6. Профессиограмма талабларига мослиги, касбий яроғлиги.
7. Иқтидори (истеъдоди), қобилияти, салоҳияти.
8. Касбий билимлари, кўникмалари, малакалари, маҳорати.
9. Умумий савияси, дунёқараши, маслаги (эътиқоди).
10. Саломатлиги, жинсий хусусиятлари, ёши.
11. Изланувчанлиги, ижодий имкониятлари, инновацияга нисбатан муносабати.
12. Ижтимоий етуклиги, ташкилотчилик қобилияти.
13. Экстравертлиги ва интровертлиги.
14. Юксак инсоний туйғуларга (ахлоқий, ақлий, нафосат, праксик) эгаллиги.
15. Фидоийлик, альтруистик, ватанпарварлик фазилатлари устуворлиги ва бошқалар.

*Тест методи* психология фанида тахминан 1905 йилдан бошлаб (А.Бинэ томонидан киритилган) ўрганилади. Тест инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш маъносини англатади. Шахснинг ақлий тараққиёти ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган стандарт масалалар ва топшириқлар тест деб қабул қилинган.

*Биографик метод* ёрдамида шахс хақида бара (жинсий, оилавий, ижтимоий, сиёсий) маълумотлар олинади.

“Психология тадқиқот методи” конкрет илмий психологик муаммони ҳал этишнинг махсус методикаси маъносида ҳам ишлатилади.

*Тадқиқот тўрт босқичга ажратилади:*

биринчи босқич - тайёргарлик босқичи;

иккинчи босқич - экспериментал босқич;

учинчи босқич - тадқиқот маълумотларини сифат жихатдан қайта ишлаш;

тўртинчи босқич - олинган маълумотларни шарҳлаб бериш.

Тайёргарлик босқичида ҳар хил воситалар, материаллар ўрганилади ва дастлабки маълумотлар тўпланади.

Экспериментал босқичда, тадқиқотнинг аниқ методикаси амал қилади ва ўз навбатида, бу босқич бирин-кетин қўлланиладиган қатор бўғинларга – эксперимент серияларга бўлинади.

Тадқиқотнинг учинчи босқичи – тадқиқот маълумотларини сифат жиҳатдан қайта ишлашда психологиянинг математик аппаратини – дастлаб илгари сурилган фаразларнинг тасдиғи тарзида олинган хулосаларнинг ҳаққонийлиги ҳақида ҳукм чиқариш имконини берадиган турли хил статистик усуллар ва эҳтимоллик назариясининг асосий қоидаларини қўлланишини тақозо этади.

Тадқиқотнинг тўртинчи босқичи – олинган маълумотларни изоҳлаб бериш, уларни психологик назария асосида талқин қилиш, фаразнинг тўғри ёки нотўғрилигини узил-кесил аниқлашдан иборат.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, психологик муаммоларнинг илмий жиҳатдан ҳал этилиши зарурат туғилганда тегишли конкрет психологик методикани қўллай билишни талаб қилади (ана шундай бир қатор категориялар, принциплар ва методикалар умумий психология курсининг асосий бўлинмаларини баён қилиш жараёнида кўриб чиқилади). Психологик тадқиқотнинг объектив методларидан кенг фойдаланилиши, турли хилдаги конкрет методикаларнинг қўлланилиши ҳозирги замон психологиясида тадқиқотларнинг юксак даражада олиб борилишини таъминлайди.

Педагогик психология фанининг методологик ва назарий муаммолари хаддан ташқари кўп бўлиб, уларни муваққат илмий жамоалар тузиш орқали ўзаро ҳамкорликда илмий фаолият негизида ҳал қилиш мумкин. Муайян даражада эмпирик материаллар тўплаш, уларни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, маълум илмий мезон асосида амалий маълумотларни тартибга келтириш, аниқ хулосаларга келиш фан олдида турган улкан вазифаларни самарали ҳал қилиш имконини яратади.

## 2-§. Педагогик жараёнга психологик тавсиф

ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларида педагогик жараён махсус ташкил этилган, бошқариладиган ва ўзаро ҳамжихатлик асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва битирувчи шахсининг маънавий бой фазилатларини шакллантиришга қаратилган фаолият таълим олувчи ва таълим берувчилар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Юридик олий таълим муассасаларида педагогик жараён куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- аниқ кенг йўналиш бўйича таълим олаётган тингловчиларни таълим ва тарбиявий мақсад ҳамда вазифаларни қўшган ҳолда касбга тайёрлаш;
- ўзига хос таълим объектлари: тингловчиларнинг ёшга оид, махсус, психологик, физиологик ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиш;
- таълим жараёнининг ўзига хос томонларини назарда тутиш;
- мутахассислар тайёрлашда назарий таълимнинг амалий ишлар билан бирга қўшиб борилиши;
- бўлғуси мутахассисларни ўқитишда кўп қиррали, аниқ мақсадли самарали услуб ва усуллардан фойдаланиш;
- тингловчиларнинг дастур материалларини ўзлаштиришларида мустақиллигига эътибор бериш (ўқитувчи раҳбарлигида мустақил ишда кенг қамровли усуллардан фойдаланиш);
- тингловчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ва баҳолашнинг ўзига хослиги (жорий, оралик ва якуний назорат турларидан фойдаланган ҳолда);
- тингловчилар характерини касбий сифатлар, тарбия жараёнининг ўзига хос томонлари асосида шакллантириш.

Ушбу ўзига хослик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хизмат мажбуриятлари ва жамоат тартибини сақлашда шахсий жавобгарликни чуқур ҳис этишларида педагогик жараённинг шундай сифатларни шакллантиришга йўналганлиги билан белгиланади.

Педагогик жараёнларнинг ривожланиши биринчи навбатда, таълим ва тарбия соҳасини қамраб олади.

Умумий педагогик қонуниятлар қуйидагилардан иборат:

- жамият аҳамиятига эга бўлган таълим ва тарбиявий қонунлар;
- жамиятнинг ижтимоий буюртмасига кўра таълим ва тарбиявий қонунларнинг мувофиқлиги;
- таълим-тарбиянинг ҳамжихатлик қонуни.

Педагогик жараённинг умумий қонунлари билан бир қаторда қуйидаги психологик омиллар ҳам асосий роль ўйнайди:

- шахснинг ривожланишида ижтимоий мослашишни ҳисобга олиш;
- таълим олаётганларнинг муваффақиятли ўқишлари ва самарали тарбияланишларида ёшга оид ва психологик ўзига хос боғлиқликни ҳисобга олиш;
- тарбиячининг фаолиятида унинг маҳорати ва мавқеидан педагогик таъсир этишда самарали фойдаланиш;
- таълим ва тарбия тарбияланувчининг психологик жиҳатдан тайёргарлик даражасига мос келишини ҳисобга олиш.

Турли тоифадаги шахслар бир-бирларидан ўзига хос қизиқишлари, характер сифатлари, қараш ва эътиқодлари билан фарқ қиладилар, бу эса тарбиявий таъсир этишда уларни қуршаб турган ташқи муҳитнинг айрим жиҳатларини идрок этишда намоён бўлади. Таълим берувчи томонидан танланган таъсир этиш усул ва воситалари таълим жараёнига мос келса, унда мақсадга эришиш шунчалик муваффақиятли бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «...таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо..... Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак»<sup>1</sup>. Маълумки, агар обрўли тарбиячи таълим олувчини рағбатлантирса, бу ўз навбатида, уни руҳлантиради, унда ижобий кечинмалар ҳосил қилади. Таълим олувчи обрўсиз

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.– Т.,1998. – 7-бет.

тарбиячи томонидан рағбатлантирилса, кинояли кулги ёки норозилик ҳисси билан қабул қилинади, жазолаш эса, одатда, педагогик таъсир этишга нисбатан ички қарама-қаршиликни келтириб чиқаради.


Бу билан педагогик жараёнга асосланган умумий қонун ва қонуниятлар рўйхати тугамайди.

Қонун ва қонуниятларни билиш муайян принциплар шаклида педагогик жараённи онгли бошқаришни илмий асосда амалга оширишда ақс этади. Таълим ва тарбия принципларини амалга ошириш маълум усул ва қоидаларда намоён бўлади.

Таълим берувчининг асосий мақсади таълим олувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш бўлган педагогик жамоа билан боғлиқ амалий фаолияти аввало унинг педагогик таъсир этишнинг қонун ва қонуниятларини амалга ошириш механизми ва ундан фойдалана олиш қобилияти билан белгиланади.

Педагогик жараённинг барча элементлари бир-бири билан боғланган. Ўқитувчи томонидан таълим ва тарбиявий таъсир этишда ҳамкорликдаги фаолият компонентларидан фойдаланилади.

### Педагогик жараённинг мазмуни ва тузилиши



## Педагогик жараёнга таъсир этувчи омил ва шароитлар

→ Ўқув-материал билан таъминлаш (ЎТВ, ЭҲМ ва бошқалар)

→ Махсус хоналар, лабораториялар, полигонлар, спорт базалари, дам олиш зоналари ва бошқа объектларни жиҳозлар билан таъминлаш;

→ Педагогик жараёндан ўтадиган шароитлар ва уни ўраб турувчи муҳит.

### 3. Педагогик психологиянинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишдаги аҳамияти

Мамлакатимизда мустақил ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, унинг ўзлигини англаш йўлидаги имкониятларини рўёбга чиқаришга ва маънавий баркамол, интеллектуал, ақлий-амалий жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш борасида фаол ҳаракатнинг бошланганлиги, Президентимизнинг ҳар бир нутқи, асарларида болалар, ёшлар муаммоларига алоҳида ўрин берилиши мустақил Ўзбекистонда баркамол фуқаро шахсини шакллантириш, шахс тузилмасида маънавий компонентларнинг ўрни қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Зеро, бозор муносабатларига ўтишда содир бўлиши мумкин бўлган маънавий таназзулнинг олдини олиш, юзага келиши эҳтимоли бўлган бўшлиқнинг ўрнини соғлом ғоялар, илмий асосланган билимлар, тушунчалар ва дунёқараш билан тўлдириш ҳар томонлама етук инсон шахсини шакллантиришдаги муҳим вазифадир.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурияти ва долзарблиги ҳақида сўз юритар экан “инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим

вазифаларни кўймоқда,” деб таъкидлайди<sup>1</sup>. Демак, ёшларимизни илк болалигиданок, миллий анъаналаримизга нисбатан хурмат руҳида тарбиялашни аҳолининг турмуш ва тафаккур тарзи билан, миллий ва маданий қадриятларимиз, халқ анъаналари, расм-русмлари ва урф-одатлари билан боғлиқ тарзда олиб бориш ҳаёт тақозосидир.

Машҳур файласуф олим Т.Элист ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлган миллий маданиятни парваришталаб дарахтга қиёслаб, уни қуриш мумкин эмас, фақат экиб, парваришлаш ва етилишини кутиш мумкин холос, деган эди. Бу эса юқори маданиятли, юксак маънавият соҳиби бўлган инсонни тарбиялаш мураккаб, айти пайтда кўп вақт ва меҳнат талаб қилишини тасдиқловчи исботдир.

Маълумки, инсон эркин фуқаролик жамиятини шакллантирувчи асосий куч бўлиб хизмат қилади, шу боис психологияда шахс био-ижтимоий мавжудод сифатида ўрганилади. Шахс эса ижтимоий муносабатлар майдонида шаклланувчи ва камол топувчи ҳосила ҳисобланади. Шахсдаги бузилиш ҳоллари тўғридан-тўғри унинг ижтимоийлашувининг номувофиқлашуви ва хулқ-атворидаги четга чиқишлар билан белгиланади. Шахсдаги бундай ўзгаришларнинг замирида анотомо-физиологик ва ижтимоий тизимларнинг қайсидир жиҳатлари “ишламаётгани” тахмин қилинади. Шу боис ҳам ёшлар маънавий тасаввурларининг фуқаролик жамиятига мос равишда шаклланишининг био-ижтимоий асосларини тушуниш ва уларни етарли даражада таҳлил этиш зарур. Бу, биринчи навбатда, ёшларнинг физиологик жиҳатдан бир маромда ривожланиши, ташқи ижтимоий таъсирларни тўғри қабул қилиши, дунёқарашининг таркиб топганлиги, шахслараро муносабат меъёрларини ўзлаштирганлиги, ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атвори ахлоқ нормаларига мувофиқлаштирилганлиги, жамиятдаги ўзгаришларга муносабат билдира олиши, ўз фаолиятини ўзи таҳлил қилишга мойиллиги ва бошқа қатор жиҳатлари билан белгиланади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий мафкура ҳақида.– Т.,2000. – 24-б.



Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос миллий дорилфунун яратган. Ҳатто ҳозирги ўзбек халқи яшаб турган заминда зардуштийлик дини кенг ёйилган даврда ҳам педагогик мафкура ҳукм сурган. Педагогик ғоялар зардуштийлик динининг муқаддас китоби-“Авесто” нинг бизгача етиб келган айрим саҳифаларида ўз ифодасини топган. Лекин исломгача давр тарбияшунослик, фан ва маданият тарихини ёритиш имкони кам бўлган. Чунки, Қутайба ибн Муслим бошчилигида раҳбарлигида араб истилочилари олиб борган турли жангу-жадаллар туфайли ўша даврга тегишли деярли барча асарлар, ёзма манбалар ёқиб, кўмиб юборилган. Лекин исломдан кейинги мавжуд педагогик қарашларни, миллий таълим-тарбияга оид анъаналарни, кадриятларни халқ педагогикасини илмий ўрганиш, пухта таҳлил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб муоммалардан биридир.

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тарақиёти тарихини асосан шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

- октябрь тўнтарилишига қадар бўлган давр;
- шўро тузуми даври;
- 1991 йилдан кейинги Мустақиллик даври;

Биринчи давр, аввал қайд этганимиздек, ислом динининг кириб келиши, кенг тарқалиши унинг халқ томонидан қабул қилиниши билан изоҳланади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириб ўтиш лозимки, бирор динга нисбатан эътиқодни кенг халқ оммасига мажбуран сингдириш қийин. Тарғиб қиланаётган дин халқ руҳига мос тушса, унинг ўтмишидаги эътиқоди, кадрияти, ахлоқ-одоби ҳамда тарбия анъаналарига монанд бўлсагина, қабул қилиниши мумкин. Шунинг учун зўрлаб киритилган дин, зўрлаб тарбияланаётган шахсларда салбий хислатлар кўпроқ шаклланади.

Таъкидлаганимиздек, халқнинг педагогик қарашлари узоқ асрлар давомида вужудга келган ва улар бизга алоҳида қўлланма-дастур ва ёхуд дарсликлар шаклида етиб келмай, асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрларда сақланиб қолган. Демак, халқ педагогикасининг ҳозиргача

яшовчанлигини унинг оғиздан-оғизга ўтиб, у ҳар бир авлод унга ўз тажрибаси, қарашлари, фазилатларини қўшган ҳолда бизгача етиб келганлигидан билиш мумкин.

Ҳар қайси шахс хулқ-атворининг яхши ёки ёмон жиҳатдан шаклланиши тарбиядан, даставвал ота-она, оила, маҳалла-қуй, қишлоқ-овул, қолаверса, жамиятдаги муҳитга боғлиқ.. Бунда аجدодлар қолдирган ота мерос оилавий педагогика, халқ педагогикаси, шунингдек кадршунослик, элшунослик анъаналари, жамиятнинг бу соҳадаги саъи-ҳаракатлари хал қилувчи ўрин тутди.

Шунинг учун ҳам, халқ педагогикасида тарбиянинг катта-кичиги, яъни бирламчи-иккиламчи соҳаси бўлмай, бунда ҳамма нарса бирдек ҳисобга олиниши керак, айтиш чоғда тарбиянинг ниҳоятда нозик, инжик, мураккаб томонларини ҳам эътиборга олган ҳолда, “етти ўлчаб бир кесиш”га амал қилинади. Халқ педагогикасининг ўзига хос томони бугуни ва эртасини ўйлаб иш тутилади, бундан ташқари тарбияни унинг ўтмишини унутмасдан бугунги куннинг қадрига етиш, келажакка умид асосида олиб боради.

Халқ педагогикасининг яна бир ибратли жиҳати бор. Бу – ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа ҳодиса предметлар, манзаралар, қисқаси барча жонли-жонсиз нарсалардан унумли фойдаланишдир.

Шу билан бирга халқ педагогикасида ишонтириш, исботлаш, таъсир этиш, ибрат намунаси, тажриба натижалари, тасдиқлаш ҳам алоҳида ўрин тутишини айтиб ўтиш зарур.

Халқ педагогикасида яхши сўз, дуо-олқишнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устворлиги, иймон-этикод бутунлигига алоҳида аҳамият берилади.

Халқ педагогикасида улуғ донишмандлар томонидан қоғозга тушириб, сақланиб қолган (масалан, Ал-Бухорийнинг ҳадислари) дурдона асарлар таълим-тарбияда муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, халқ педагогикасининг бунчалик таъсир кучи, аҳамияти нимада?

Биринчидан, унинг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, серқирра, сермаънолиги; иккинчидан, унинг мавжуд ҳаёт жараёнида жонли анъаналар шаклида бевосита халқ томонидан яратилиши, ҳаёт ва инсон муаммоларини қамраб олиши, тарбиянинг энг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилгани; учинчидан, умуминсоний йўналишга, умумбашарий ғоя ва мақсадларига қаратилганлигидир. Ша боис ҳам, халқ педагогикаси мураккаб ҳаёт синовларидан эсон-омон ўтиб бугунги кунгача етиб келган.

Ҳар қандай бойликнинг умри қисқа, йиллар ўтиши билан бинолар қулаши, сулолалар келиб-кетиши, авлодлар кетидан янгилари келиши табиий, аммо халқ педагогикаси хайқириб оқувчи дарёдек уйғоқ, қуёш тафтидек иссиқ, ой нуридай нурафшондир.

Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш бевосита таълим ва тарбия билан боғлиқ, бу усуллар турли шакллар орқали амалга оширилади ва қуйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

– таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига хос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;

– кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш.<sup>1</sup>

Бу дастурни амалга оширишда ички ишлар органлари ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Ички ишлар органлари ходимларининг узлуксиз таълим тизими бошқа соҳа ходимларининг узлуксиз таълим тизимидан тубдан фарқ қилмайди, балки бу таълим тизимларининг мазмунини бойитади ва ўзида мужассамлаштиради.

Таълим – ислохатларнинг равнақ топишида қудратли воситадир. Лекин у ҳуқуқий таълим, маорифнинг яхлит тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур жараён уч вазифани адо этади. Булар:

---

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000. – 62-б.

а) мутахассис ҳуқуқшуносларнинг махсус тайёргарлиги, ҳуқуқий билимлар билан таъминланиши;

б) ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, қонунга итоатгўйликни ошириш;

в) жамиятда ҳуқуқий билимларни оммалаштиришдан иборат.

Давлат ва жамият, мутахассис ҳуқуқшунослар тайёрлашга таълим тизимига юксак талаблар қўймоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда Республикамизда ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган махсус, умумтаълим ва оммабоп ҳуқуқий адабиётлар етарли даражада эмас.

Ҳуқуқшунослар эгаллаши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқиш ҳам мазкур муаммони ечишнинг имкониятларидан биридир.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқий таълимнинг принциплари асл маънода, турли соҳада ҳуқуқшунос-мутахассислар тайёрлашнинг асосий йўналишларини белгилайди.

– биринчидан, халқаро умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари, конституция ва қонунларнинг устворлигидан келиб чиқиб, юридик таълимни маълум бир мақсадга йўналтириш ва илмийлаштириш;

– иккинчидан, юридик таълимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва унинг қонунчилигига асосланганлиги;

– учинчидан, юридик таълим ўзбек давлатчилигининг илғор ҳуқуқий анъаналарига ва ҳозирги замон ўзбек давлати ва ҳуқуқий эҳтиёжларига таяниши;

– тўртинчидан, юридик таълимда жаҳондаги илғор тажрибалардан фойдаланилиши;

– бешинчидан, юридик таълимни халқаро андозаларга яқинлаштириш.

Мазкур принциплар мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимлари учун юридик таълимнинг юқори сифатини таъминлайди ва ҳозирги замон ҳуқуқий таълимнинг асосий вазифаларини белгилайди.

Ички ишлар органлари ходимларининг узлуксиз таълим тизимидаги ўзига хос томонлари шундаки, улар педагогик фаолият билан шуғулланишлари мумкин, яъни тегишли маълумотги, касб тайёргарлигига ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғилланиш ҳуқуқига эгадирлар. Педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғилланишига йўл қўйилмайди<sup>1</sup>.

Педагогик фаолият бир соатлик, бир кунлик ёки бир ойлик фаолият эмас, балки бу педагогик маҳорат ва кўп вақт талаб қилинадиган ўзига хос педагогик жараён ҳисобланади. Узлуксиз таълим замон талабидан келиб чикқанда, долзарб муаммо ҳисобланади. Профилактика ноziри ўз ҳудудида яшаётган ўсмирлар, улар ота-оналарининг фарзандларига бўлган муносабатини билиши керак.

Оиладаги фарзанднинг кимлар билан муносабати, ўзаро алоқасини билиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг барча фаолияти, касбий педагогика билан бевосита боғлиқ. Педагогик таълим тизимида ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб бориладиган тарбиянинг мақсади, аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, ҳуқуқий тарғибот олиб бориш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат. Улар зиммасига ҳуқуқбузарликни олдини олиш жиноятларнинг сонини камайтириш ва аҳолини қонунга риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат вазифалар юклатилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни Т. 1997. Олий мажлис Ахборотномаси 10-19 бетлар.

#### **4-§ Педагогик психологиянинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси**

Ҳозирги замон психология фани шаклланишининг турли босқичларида амалиётнинг ҳар хил соҳалари билан боғлиқ илмий фанларнинг кенг тармоқли тизими психика ва онг фаолиятида ривожланиш принципи асосида қарор топади. Шунга асосан психология тармоқларини тасниф қилиш учун қуйидаги психологик жиҳатлар асос қилиб олиниши мумкин.

*Ҳозирги замон психологиясинининг тузилиши:*

Киши фаолиятига кўра:

1) меҳнат психологияси; 2) муҳандислик психологияси; 3) педагогик психология; 4) тиббиёт психологияси; 5) юридик психология; 6) ҳарбий психология; 7) спорт психологияси; 8) савдо психологияси.

Агар психологиянинг шаҳобчаларини тасниф қилишда ривожланишнинг психологик жиҳатлари асос қилиб олинадиган бўлса, у ҳолда биз унинг ривожланиш принципи амал қиладиган қатор соҳаларига дуч келамиз:

ёш психологияси;

аномал (нотўғри) тараққиёт психологияси;

қиёсий психология.

Шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларига кўра:

социал психология;

меҳнат психологияси (киши меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш (МИТ) нинг психологик жиҳатларини ўрганади).

*Муҳандислик психологияси* автоматлаштирилган бошқарув тизимларини, операторларнинг фаолиятини ўрганадиган, одам билан машина ўртасида вазифаларни тақсимлаш ва мувофиқлаштириш ҳамда шу каби бошқа муаммоларни ҳал этишни ўрганади;

*Авиация психологияси* кишининг учишини ўрганиш ва учиш жараёнидаги фаолиятнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилади;

*Космик психология* (вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмга жуда кўп ортиқча тассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган асабий-рухий зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қилади);

*Педагогик психология* кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади ва бир нечта груҳларга бўлинади:

– таълим психологияси (дидактиканинг, хусусий методикаларнинг, программалаштирилган ўқитишнинг, ақлий ҳаракатларини шакллантиришнинг психологик асослари ва бошқалар) ни ўрганади;

– тарбия психологиясини (тарбиянинг психологик асосларини, ўқувчилар жамоаси, ахлоқ тузатиш – меҳнат педагогикасининг психологик асосларини) ўрганади.

– ўқитувчи психологияси, ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш психологияси педагогик психологиясининг бўлимлари ёки тор соҳалари ҳисобланади.

*Тиббиёт психологияси* врач фаолияти ва бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади. У психик ҳодисалар билан миядаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганадиган нейропсихологияга, доривор моддаларнинг кишининг психик фаолиятига таъсирини ўрганадиган психофармакологияга, беморни даволаш учун психик таъсир воситаларини ўрганувчи ва қўлланувчи психотерапияга, одамларнинг психик жиҳатдан саломатлигини таъминлаш чора-тадбирларининг тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи психопрофилактика ва психогигиенага бўлинади.

*Юридик психология* ҳуқуқ тизимининг амал қилиши билан боғлиқ психологик масалаларни ўрганади, у жиноят процесси иштирокчилари хулқ-атворининг психик хусусиятларини (гувоҳлик кўрсатмалари психологияси, айбланувчи хулқ-атворининг хусусиятлари, терговга қўйиладиган психологик талаблар ва шу кабиларни) тадқиқ қилувчи суд психологияси; жиноятчининг

хулқ-атвори, шахнинг шаклланишига доир психологик муаммолар, жиноятнинг мотивлари ва шу кабилар билан шуғулнувчи криминал психологияга; жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумлар психологияси, ишонтириш ва мажбурлаш методлари билан тарбиялашнинг психологик муаммолари ва шу каби масалаларни ўрганадиган пенитенциар ёки жазони ижро этиш муассасаси психологиясига бўлинади.

*Ҳарбий психология* кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқ-атворини, бошлиқлар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик жиҳатларини, психологик ташвиқот ва ташвиқотга қарши методларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммолари ва шу каби бошқа масалаларни тадқиқ қилади.

*Спорт психологияси* спортчилар шахси ва фаолиятининг психологик хусусиятларини, уларни психологик жиҳатдан тайёрлашнинг шарт-шароитлари ва воситаларини, спортчининг жисмоний чиниққанлиги ва сафарбарликка тайёрлигининг психологик мезонларини, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади.

*Савдо психологияси*, асосан, тижорат таъсирининг психологик шарт-шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси, реклама ва бошқа масалаларни тадқиқ қилади.

Кейинги вақтларда илмий ижодиёт психологияси масалаларини (ижодкор шахнинг хусусиятлари, ижодий фаолиқни рағбатлантирувчи омиллар, илмий кашфиётлар қилишда ички сезги хиссининг роли ва бошқалар) ўрганиш бошланади. Илмий ижодиёт психологиясининг ўзига хос бўлимини *эвристика* ташкил этадики, унинг вазифаси фақат ижодий (эвристик) фаолиятнинг қонуниятларини тадқиқ қилишдан эмас, балки эвристик жараёнларини бошқариш методларини ишлаб чиқишдан ҳам иборатдир.

*Бадиий ижодиёт* (адабиёт ва санъат соҳасида) ва эстетик идрок (шуҳбасиз ахамиятга эга бўлган, лекин ҳали суёт ўрганилган соҳа) *психологияси* ҳам мавжуд.



Агар психологияниг шахобчаларини тасниф қилишда ривожланишнинг психологик жиҳатлари асос қилиб олинадиган бўлса, у холда биз унинг ривожланиш принципи амал қиладиган қатор соҳаларга дуч келамиз. *Ёш психологияси* турли хил психологик жараёнларнинг онтогенезини ва ривожланаётган киши шахсининг психологик фазилатларини ўрганади. У болалар психологиясига, ўсмирлар психологиясига, ёшлик психологиясига, катта ёшдаги одам психологиясига, герантопсихологияга бўлинади. Ёш психологияси психик жараёнларнинг ёшга оид хусусиятларини, билимларни ўзлаштиришнинг ёшга боғлиқ имкониятларини, шахс камолотининг омиллари ва бошқа масалаларни тадқиқ қилади.

Ёш психологияси ўрганадиган асосий масалалардан бири – ўқитиш ва ақлий жиҳатдан камол топтириш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси бўлиб, у психологлар ўртасида кенг баҳс-мунозаралар мавзусига айланган. Психологлар ақлий камолотнинг ишончли мезонларини қидириб топиш ва ўқитиш жараёнида ақлий ривожланиш самарадорлигига эришиш имконини берадиган шарт-шароитларни аниқлаш билан шуғуullanмоқдалар.

*Аномал* (нотўғри) *тараққиёт психологияси* ёки «махсус психология» ривожланиш жараёнида психиканинг айниши, миядаги касалликнинг турли хил кечиши жараёнида психиканинг тамомила издан чиқиши каби ҳолларни ўрганадиган патопсихологияга, психик ривожланишнинг миядаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси тўғрисидаги фан бўлган олигофренопсихологияга, қулоқ эшитмай бутунлай қар бўлиб қолган болани вояга етказиш психологияси бўлмиш сурдопсихологияга, кўзи ожизлар ва бутунлай кўрмайдиганларнинг ривожланиш психологияси – тифлопсихологияга бўлинади.

*Қиёсий психология* – психологиянинг психик ҳаётнинг филогенитик шаклларини тадқиқ қиладиган соҳасидир. Қиёсий психологияда хайвонлар ва одам психикаси қиёсланади, уларнинг характери, феъл-атворидаги мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг сабаблари аниқланади.

*Зоопсихология* қиёсий психологиянинг бўлими бўлиб, у турли хил систематик гуруҳларга мансуб (турларга, туркумларга, оилаларга мансуб) хайвонлар психикасини, хатти-ҳаракатининг энг муҳим шакллари ва механизмларини ўрганади.

Агар психологиянинг шаҳобчаларини шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатлари нуқтаи назаридан тасниф қилинадиган бўлса, у ҳолда психология фанининг социал психология тушунчаси замирида бирлашадиган соҳаларнинг яна бир қатори ажралиб чиқади.

*Социал (ижтимоий) психология* одамларнинг турли хилдаги уюшган ва уюшмаган ижтимоий гуруҳларда ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида вужудга келадиган психик ҳодисаларни ўрганади. Ҳозирги вақтда социал психология тузилишига кўра куйидаги уч соҳага оид муаммоларни ўз ичига олади.

Катта гуруҳлардаги (макромуҳитда) ижтимоий психологик ҳодисалар. Уларга оммавий-ахборот воситалари (коммуникация, радио, телевидение, матбуот ва бошқалар) муаммолари, оммавий ахборот воситаларининг одамларнинг турли хилдаги жамоаларга таъсир қилиш механизмлари ва самарадорлиги, модалар, миш-мишлар, умумий қабул қилинган дид, расм-русумлар, сохта фикрлар, ижтимоий кайфиятларнинг тарқалиш қонуниятлари, синфлар ва миллатлар психологияси муаммолари, дин психологияси ва шу кабиларкиради.

Кичик гуруҳлардаги (микромуҳитдаги) ижтимоий психологик ҳодисалар. Буларга тор доирадаги гуруҳларда психологик бир-бирига тўғри келадиган, гуруҳлардаги шахслараро муносабат, гуруҳдаги вазият, гуруҳдаги лидер ва етакчилар мавқеи, гуруҳ турлари (ассоциация, корпорация, жамоалар) муаммолари расмий ва норасмий гуруҳларнинг нисбати, кичик гуруҳларнинг микдорий чегараланганлиги, гуруҳлар жипслиги даражаси ва сабаблари, гуруҳда кишиларнинг бир-бирини тушуна билиши, гуруҳдаги қадриятлар ва шу каби кўпгина масалалар киради.

Киши шахсининг ижтимоий-психологик жихатдан ўзлигини намоён қилиши (шахснинг социал психологияси) инсон шахси ижтимоий психологиянинг предмети ҳисобланади.

Педагогик психология фани фалсафа, педагогика, табиатшунослик, ва ша кабилар, барча табиий- гуманитар фанлар билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик психология бир томондан фалсафа, иккинчи томондан табиий фанлар, учинчи томондан ижтимоий фанлар ўртасида жойлашган оралиқ мавқега эга бўлган фандир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Психологик билимларнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишдаги аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ички ишлар органлари учун мутахассис кадрлар ва раҳбар ходимлар тайёрлашда педагогик-психологик билимларнинг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
3. Педагогик психологиянинг предмети нима?
4. Педагогик жараёнда психологик ходисалар ва уларнинг таснифи ҳамда таълим моделининг психологик-педагогик концепцияси ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ички ишлар органлари фаолиятида педагогик психологиянинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
6. Ички ишлар органлари фаолиятида устоз-шогирд муносабатида педагогик жараённинг психологик ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
7. Ўқув фаолиятига тушунча беринг.
8. Ўқитишнинг замонавий психологик-педагогик концепцияси деганда нима тушунилади?
9. Педагогик жараёнда психологик ходисалар ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ички ишлар органларида педагогик жараённинг психологик хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг.

## **2-мавзу: Педагогик жараёнда таълим олаётган шахснинг психологияси**

### **I. Таълим олаётган шахснинг психологик тавсифи**

Билим – олинган таълим маҳсулидир. Шахснинг турмушда олган билими вақт ўтиши билан ўзгариб, бойиб боради, янги билимлар билан тўлдирилади, шахс объектив оламни янгича тафаккур билан тобора кенгрок англай бошлайди.

Тингловчиларининг билимлари қандай бўлмоғи керак? – деган савол туғилади.

Тингловчиларнинг олаётган ҳуқуқий, ижтимоий билимлар муайян аниқ мақсадга қаратилган бўлмоғи лозим. Уларнинг билимлари фақат илмий ва ҳақиқий далиллар билан бойитилган бўлиб, унда ҳеч қандай бузилишга йўл қўйилмаслиги керак. Воқеа-ходисаларнинг моҳиятини, тарақиёт қонунлари ва чуқур ички боғланишларини билиш, илмий тушунчаларни эгаллаш, тингловчиларнинг объектив борлиқни билишга, ундан ўзининг кундалик ҳаётида фойдалинишига ёрдам беради. Билимлар мазмунининг илмий бўлиши тингловчилар умумий дунёқарашининг ўсишига таъсир кўрсатади, уларнинг билим доирасини кенгайтириб, ҳаёти ва малакали таълим олиши учун шароит яратади.

Таълим олаётган объектнинг билимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири билимнинг тизимлилигидир. Тингловчилар томонидан ўзлаштириладиган билимлар ўзаро боғланган, аниқ мантиқий тузилишга ва изчиликка эга бўлиши лозим. Тингловчиларнинг билимида (объектнинг) фақат воқеа, ходисаларнинг ички боғланишигина акс этиб қолмай, балки ИИВ Академиясида ўқитиладиган таълимдаги айрим воқеа ходисалар ҳақида ҳам гапирилиши керак.

Таълим олаётган объектнинг билими ҳар тамонлама ва чуқур бўлиши лозим. Билимнинг чуқурлиги ўқитиш усулига, ақлий ривожланишига боғлиқ бўлади.

Таълим олаётган объектнинг билими ҳаёт тажрибалари билан боғланган бўлиши лозим. Шундагина шахснинг таркиб топиши учун катта имкониятлар вужудга келади.

Тингловчиларнинг (объектнинг) билими ҳаракатчан-оператив бўлмоғи, яъни олинган психологик билимлар раҳбарнинг қўл остидаги ходимларга таълим-тарбиявий таъсирида ва фуқаролар билан олиб бориладиган профилактик фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим.

Таълим олаётганларнинг фаолиятини педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил қилганда қуйдагиларга бўлинади:

таълим бевосита педагог раҳбарлигида олиб борилиши;

таълим олаётганларнинг ўз устида ишлаши;

таълимнинг илмийлиги;

таълимнинг ҳаёт билан боғлиқлиги.

Таълим муайян билим, кўникма ва малакани эгаллашга қаратилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятдир.

Аудиториянинг керакли материални ўзлаштириши, ўша материални идрок қилишдан бошланади. *Идрок* – воқеа-ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсири натижасида миёда яхлит ҳолда акс этишидан иборат жараён. Таълим олиш фаолиятида идрок кўпинча кузатиш фаолияти билан боғлиқ бўлади.

*Кузатиш* муайян мақсадга қаратилган режали фаолият туридир. Таълим олаётган объектни кузатиш унинг (олдига кўйган) мақсадига қараб қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин, яъни бунда эшитиш ва кўришгина кифоя қилмайди, балки ҳамкорликда фаолият амалга оширилади ва идрок қилинади. Инсон шу асосда предметнинг ички хусусиятларини, уларнинг муҳим белгиларини тушуниши мумкин. Кузата билиш воқеа-ҳодисаларнинг кўзга ташланмайдиган, аммо муҳим ва нозик томонларини идрок қилишдир.

Таълим олаётган шахс турли кўрғазмали қуроллар ва техник воситалардан фойдаланиб, теварак-атрофдаги борлиқни бевосита идрок қилиб бўлмайдиган ва бевосита кузатиш қийин бўлган ўқув материалларини

ўзлаштиради. Таълим олаётган шахс билимларнинг кўп қисмини тарбия бераётган (субъектнинг) нутқларни эшитиб идрок қилиб ёки китобларни ўқиш орқали ўзлаштириб олади. Тингловчини идрок қилишга, айниқса таълим фаолиятидаги жараёни кузатишга тайёрлаш зарур. Бунинг учун кузатишнинг предмети, мақсади ва методларини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Таълим жараёнида амалий машғулотлар тингловчиларнинг ихтиёрий диққатини ўстиради. Онгли фаолиятини жадаллаштиради, идроки ва кузатишининг мақсадга мувофиқ бўлиб боришига ёрдам беради. Таълим олаётган объектнинг идрок қилишини тўғри уюштирган ва мақсадга асосланган кузатиш тингловчининг материални чуқур ва мустақил ўзлаштиришига ёрдам беради. Таълим жараёнида ўқув материални идрок қилишни яхши ва мақсадга мувофиқ ташкиллаштириш аудиториянинг ёши ва касбий хусусиятига мос келиши лозим.

Таълим олаётганларнинг билимларни идрок қилишида кўргазмалиликнинг роли ҳам бениҳоя катта. Маълумки, таълимнинг кўргазмалилиги билимларни муваффақиятли ўзлаштиришнинг зарур шартларидан биридир. Ҳозирги кунда таълим олаётган тингловчилар психологиясида кўргазмалилик предметли, тасвирий, техник кўргазмалиликларга ва сўз кўргазмалиликка ажратилади.

Предметли кўргазмалиликка табиий объектлар теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар киради. Тингловчиларни амалий фаолиятининг назарий билимлардан келиб чиқиши натижаси эканлиги билан таништириш тегишли материални яхшироқ ўзлаштириш, тушуниш ва маъносига етиб хотирада сақлаб қолишга ёрдам беради. Предметли кўргазмалилик субъект раҳбарлигида тингловчиларнинг фаолиятини бошқаради.

Сўз кўргазмалигида нутқнинг турли воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда таълим жараёнида тингловчининг берилаётган материалларни яхшироқ идрок қилишлари ва ўзлаштириш назарда тутилади.

## 2-§ Педагогик психологияда шахсни ўрганиш усули ва йўл-йўриқлари

Ўқув материални ўзлаштириш жараёнида тингловчи тафаккур ва нутқининг роли бениҳоя каттадир.

Тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириш, юқорида айтиб ўтганимиздек, одатда ҳиссий билишдан бошланади. Бирок, идрок қанча мазмунли бўлмасин, кўргазмали қуроллардан қанчалик кўп фойдаланилмасин, тингловчи материалнинг маъносига тушунмаса, унда ҳеч қандай билим ҳосил бўлмайди.

Фикрлаш қобилияти объектив борлиқни акс эттиришнинг юқори шаклидир. Бу фаолият орқали борлиқ ҳиссий билишга қараганда анча чуқурроқ ва аниқроқ анланади. Фикрлаш қобилияти тингловчига таълим олиш жараёнида ўқув материални ўзлаштиришда бевосита идрок қилиб ва кузатиб бўлмайдиган материалларни билиб олишга ёрдам беради. Ша боис тафаккур тингловчиларнинг ўқув материални онгли ўзлаштириши ва уни амалий ишга тўғри тадбиқ этишида асосий роль ўйнайди. Ўқув фаолиятида материални онгли равишда ўзлаштирган тингловчи, табиат ва жамиятдаги предмет ва ходисаларнинг ўзаро боғланиши ҳамда муносабатини билиб олади, у аниқ, равшан тушунчаларни шакллантиришга, тўғри ҳукм ва хулосалар чиқаришга, эгалланган билимларни тизимга солишга, материалларни бир-бирига солиштириб умумийлаштириш ва конкретлаштиришга ўрганади.

Ўқув фаолиятида тингловчилар тафаккури нутқ билан чамбарчас боғлиқ. Нутқ ёрдамида фикрлар таркиб топади ва ифодаланади. Ўз навбатида, нутқ тафаккур орқали юзага келади.

Тингловчиларнинг билимларни ўзлаштириши хилма-хил фикрлаш жараёнлари орқали амалга оширилади. Тингловчиларда фикрлаш жараён қанча кенг ривожланган бўлса, тафаккур ва нутқ жараёнлари ҳам шунча енгил ва муваффақиятли ўтади.

Тушуниш деб, бошқаларнинг нутқида ифодаланган тайёр фикрларни ўқиб олиш ва ўзлаштириш жараёнига айтилади.

Матнни тушунишнинг зарур шарти ҳар бир сўзнинг маъносини, шу матн тилининг грамматик шакллари билиш, шунингдек, ўзлаштирилиши лозим бўлган соҳада етарли тажриба ва билимга эга бўлишдир.

Тингловчини ўқув фаолиятининг объекти сифатида ўрганар эканмиз, унинг предметни тушунишининг асосида миянинг мураккаб аналитик-синтетик фаолияти, яъни шартли боғланишларни фаоллаштириб, ана шу боғланишлар асосида янги муваққат шартли боғланишлар тизимини вужудга келтирувчи ақлий фаолият ётади. Тушуниш жараёни иккинчи сигнал тизимининг фаолиятига таянади. Тушуниш натижалари ва унинг бориши ҳамма вақт сўз шаклида ифодаланади.

Тушунишнинг муҳим шартларидан бири шахсда ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни тўғри акс эттирувчи яққол образларнинг бўлишидир, чунки тушуниш нарса ва ҳодисалар билан танишиш шаклида ўтади. Ша боис кўп ҳолларда предметлар билан бевосита ишлаш, тушуниш учун катта роль ўйнайди.

Ўқув фаолиятида тушуниш нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари ҳамда хусусиятларини билишдан иборат. Тушунчаларда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатлар акс этади. Тушунишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у орқали таълимнинг моҳияти идрок этилади ва ўзлаштирилади.

Тушуниш ҳам икки хил бўлади, биринчиси – инсонинг (шахснинг) ўз ақлий тафаккури асосида ихтиёрий тушуниш; иккинчиси – бошқа бир субъектнинг таъсирида тушуниш (яъни унинг тушунишини бошқариш). Ҳар қандай тушунишнинг асосида шахснинг ақлий идроки ётади. Шу боис тушуниш шахс ақлий фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Онг миянинг маҳсули бўлганидек, тушуниш ҳам инсон ақлий фаолиятининг бир қисми ҳисобланади.



### **3-§ Таълим олаётган шахсга психологик педагогик таъсир этиш**

Маълумки, таълим олиш жараёнида шахснинг дунёқараши шаклланиши муайян билимлар билан бирга бойиб боради. Хўш, таълим олувчининг дунёқараши ва билимлари қандай ҳолларда ўзгаради. Биринчидан, ташқи ижтимоий муҳитнинг таъсири натижасида; иккинчидан, бевосита дунёқараш ва билимларни шакллантирадиган бир қанча махсус ва расмий ташкилот ҳамда муассасалар (боғчадан тортиб, ўрта мактаб (яъни бошланғич таълим), лицей, касб хунар коллежлари, олий ўқув юртлири, малака ошириш институтлари ва ИИВ олий ўқув муассасалари ва бошқалар орқали.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг касбий фаолиятида тарбияси қийин шахслар билан доимий равишда тарбиявий профилактик ишларни олиб борадилар. Бу жараён педагогик-профилактик фаолият доирасида амалга оширилади. Аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш жараёни ўзининг педагогик моҳиятига кўра, бир неча турларга бўлинади. Булар:

- болалар ва ўсмирлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган (ўғрилиқ, безорилиқ ва бошқ.) жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тарбиялаш;
- бошқа муассаса ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган турли ёшдаги фуқаролар, муқаддам судланган шахслар ўртасида ҳуқуқий-педагогик тадбирлар олиб бориш;
- ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда дидактик қонуниятларни ҳисобга олиш.

Ўқитиш, таълим бериш назариялари ва методикаларига таянган ҳолда жиноят содир этишга мойил шахсларнинг онгига ҳуқуқий педагогик таъсир кўрсатилади ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олиш учун педагоглар ҳамда ички ишлар ходимлари керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқадиладар.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифаси – содир этилиши мумкин бўлган

қилмиш (жиноят)нинг оқибатини мантиқан ўйлаб кўришга ундаш ва уни содир этган ҳуқуқбузар шахсни тўғри йўлга солиш ҳамда уни ижобий фаолиятга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода ички ишлар органлари ходимлари, ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ва унга қарши курашишда ўзларининг профилактик фаолиятини икки йўналишда олиб борадилар. Булардан биринчиси – ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлса, иккинчиси – тарбиявий-профилактик ишларни олиб боришдан иборат. Бу икки усулни қўллашда ходимлар тарбия субъекти сифатида меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла қўмиталари эътиборини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш. Бундай ҳамкорлик ўзаро келишув ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг касбий фаолиятида тарбиявий-профилактик ишларини ташкил этишлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Яъни тарбиявий-профилактик фаолият олиб боришда тушунтириш, суҳбат, яқка тартибда таъсир этиш усуллари ҳамда кўргазмали, техник воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тарбиявий-профилактик ишларда оммалашган ва кўпроқ қўлланадиган усуллардан бири – эслатиш усулидир. Бу усулнинг моҳияти муқаддам содир этилган воқеа ва ҳодисани тарбияланаётган шахснинг хотирасида қайта тиклаш ва шу асосда унга таъсир этишдир. Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг касбий фаолиятида таълим ва тарбий жараёнларга динамик ҳамда дидактик нуқтаи назардан қарасалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки профилактик тарбия ва унинг усуллари доимо динамик кўринишда бўлади. Шу нуқтаи назардан жиноятчиликнинг олдини олишда тарбиянинг усул ва услубларидан мақсадга эришиш учун фойдаланилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари тарбиявий-профилактик ишларни амалга оширишда аҳоли ўртасида маърузалар ўқийдилар, очик суҳбатлар олиб борадилар. Улар ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ўзлари фаолият олиб бораётган ҳудуддаги вазиятга тўғри баҳо берадилар. Тарбиявий-

профилактик ишларни олиб боришда ҳар бир ходим аҳолини қизиқтирадиган жонли мулоқот олиб бориши уларнинг ишончига кириши ҳуқуқий, тарбиявий-профилактик ишларнинг элементларидан биридир.

Тарбиявий профилактиканинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у оғзаки тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқий билимларни ётишга асосланади. Шу маънода ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг таркибий қисмлари (вояга етмаган шахслар жиноятчилиги, аёллар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик ва бошқа жиноят турлари)га назар ташласак, уларга қарши курашишнинг махсус усул ва услублари мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Бунда ҳуқуқбузарликни юзага кетирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан ишонтириш, мажбурлаш ва рағбатлантириш усуллари қўлланилади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органлари фаолиятида амалий педагогик жараён ва педагогик психологияда шахс муаммоси ҳақида сўзлаб беринг.
2. “Таълим олаётган шахс педагогик жараённинг объекти ва субъекти” деганда нимани тушунаси?
3. Таълим олаётган шахснинг мотивацион, интеллектуал, психофизиологик ва ижтимоий психологик хусусияти нима?
4. Педагогик жараёнда ички ишлар органлари мутахассисларининг психологик тавсифи ҳақида тушунтиринг.
5. Ички ишлар органлари жамоасида фаолиятида раҳбар шахсни ўрганишнинг педагогик усул ва услублари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Суҳбат, анкета, биографик усул, психологик тестларга таъриф беринг.
7. Таълим олаётганларни ўрганишда моделлаштириш, таълим олаётган шахсга психологик-педагогик таъсир этиш нима?

8. Раҳбар ходимларни оператив-хизмат ва педагогик фаолиятига психологик-педагогик таъсир этишнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
9. Педагогик психологияда таълим олаётган шахс муаммоси деганда нимани тушунаси?
10. Ички ишлар органлари ходимлари шахсига психологик тавсиф беринг.
11. Психологик тестлар таълим олаётган шахсни ўрганишнинг асосий усуллари эканлигини изоҳланг.

### **3-мавзу. Шахс таракқиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари ва уни педагогик жараёнда тутган ўрни**

#### **1. Ёш даврлари психологияси фанининг предмети, принциплари, вазифалари ва илмий тадқиқот методлари**

Ёш даврлари психологияси инсонда турли психик жараёнлар, яъни сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур ва хаёлнинг ўзига хос хусусиятлари, ўйин, ўқиш ва меҳнат каби ҳар хил фаолият турлари асосида ривожланиши, шунингдек инсон шахсининг таркиб топишини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Инсон руҳиятининг ривожланиш давларини аниқлаш, шу соҳадаги маълумотларни тўплаш ҳам мазкур психологиянинг баҳс мавзусига киради. Боланинг туғилишидан вояга етгунича ҳар тамонлома ривожланиши, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлгунича улғайиши ва шахснинг таркиб топиши муаммоларини, уларнинг психологик механизмларини аниқлаш ва шарҳлаш ёш даврлари психологияси соҳасининг муҳим жиҳатидир.

*Ёш даврлари психологияси* – онтогенездаги турли ёш даврлари психик таракқиётининг умумий қонуниятларини, психик ривожланишини ҳамда психологик хусусиятларини ўрганади.

*Ёш даврлари психологиясининг асосий вазифаси* – шахснинг камол топиши қонуниятлари ва одамларда турли ёш даврида вужудга келадиган психик фаолият, ҳолат ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Ёш даврлари психологияси ана шу вазифани ҳал қилиш билан биргаликда қуйидаги амалий мақсадларни руёбга чиқаради:

- таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришга ёрдам беради;
- шахслараро муносабатларни тўғри йўналтиришга таъсир кўрсатади;
- жамоада ижобий психологик муҳитни яратишга кўмаклашади;
- кичик гуруҳ (оила, мактаб ва х. к) ларда зиддиятларнинг олдини олишга ёрдамлашади;
- камолотнинг турли давларида инсоннинг ёш ва жинсий хусусиятларини ўрганишга хизмат қилади.

Ёш даврлари психологияси ўзининг предмети ҳамда вазифасини умумий психологиянинг асосий принциплари ва қоидаларига таянган ҳолда белгилайди.

*ёш даври психологияси қуйидаги принципларга риоя қилади:*

Биринчидан, психик акс эттириш назарияси таълимотига биноан психика юксак даражада ташкил топган материянинг хусусияти ёки миянинг маҳсулидир. Одатда, психика ташқи дунёнинг сезги органлари орқали инсоннинг миясига бевосита таъсир этиши асосида вужудга келиб, сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл каби билиш жараёнларида, шунингдек, шахснинг хусусиятлари ва ҳолатларида, диққати, ҳис-туйғуси ва характер хислатларида, қизиқиши ва эҳтиёжларида ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, психиканинг негизида миянинг рефлектор фаолияти ётади. Ташқи дунёдан кириб келаётган қўзғатувчиларга ички ёки ташқи биологик органлар жавоб реакциясини билдиради.

Учинчидан, психикани тадқиқ этиш инсоннинг бутун (онтогенезидаги) онгли фаолиятини унинг ҳам назарий ҳам амалий фаолиятини ўрганишдир. Инсон шахси ҳар хил шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ва амалий фаолиятларда таркиб топа боради. Бунда муҳит, ирсий белгилар, тарбия асосий омиллар ҳисобланади.

Тўртинчидан, инсон билиш фаолияти (жараёнлари)нинг ривожланиши унга ўзини қуршаб турган борлиқни янада чуқурроқ, тўғрироқ, тўлароқ ва аниқроқ акс эттириш имконини беради.

Бешинчидан, инсон онгининг ривожланиши унинг ташқи олами фаол экс эттиришда намоён бўлади.

Олтинчидан, инсоннинг борлиқни (воқелиқни) акс эттириши фаол жараёндир.

Маълумки, инсон зотининг ривожланиши объектив борлиққа (воқелиққа) боғлиқ ва ўзига фаол таъсир кўрсатишда содир бўлади.

Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фани ҳам ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга.

Психологик тадқиқотлар жараёнини қўйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

Муаммонинг қўйилиши.

Тадқиқот методикасини танлаш.

Маълумотларни тўплаш.

Маълумотларни қайта ишлаш.

Қонуниятларнинг ифодаланиши.

Қонуниятни амалда қўллаш.

Ёш психологияси – шахснинг инсон туғилишидан умрининг охиригача бўлган психик ривожланиш давр қонуниятларини, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси. Ёш психологияси болалар психологияси сифатида XIX асрнинг охирида вужудга келган бўлиб, у фан ва техника тараққиёти, жамият талабига биноан болалар психологияси тараққиётида қўлланилган. Ёш психологияси ҳозирги замонда болалар психологияси, ўсмирлик даври психологияси, етуклик даври психологияси, геронтопсихологиядан иборат. У инсоннинг онтогенезда ривожланиш жараёнида психик ҳолатларнинг кечиши, психик функцияларнинг роли, уларнинг ўзгариши, ҳаракатлантирувчи кучлар, механизмлар, таъсир ўтказувчи объектив ва субъектив омиллар, тараққиёт қонуниятларини тадқиқ қилади. Ёш психологияси умр ўтиши билан шахсдаги психологик фарқлар, индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганади, тадқиқотларда маданий, ижтимоий-тарихий, миллий таъсирни ҳисобга олади. Шунинг учун ёш психологиясининг объектлари ўта мураккаб бўлиб, ривожланиш тараққиётини текширишни тақозо этади. Жаҳон психологиясида тўпланган барча назарий материалларга, шу жумладан генетик моделлаштириш (Л.С.Виготский) методларига, эгизаклар методига ва шунга ўхшаш ўта мураккаб жараёнларнинг лонгитюд (узлуксиз) услуги ёрдамида текширишга асосланади. Ёш психологиясининг асосий вазифаларидан бири боланинг психик ривожланиши ижобий шаклда ташкил этилиши, ёш давлари инқирози босқичлари, жараёнлари ва пайтларида психологик ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ёш психологияси педагогик психологиянинг илмий, амалий, тажрибавий асоси бўлиб ҳисобланади, ва унинг бошқа соҳалари билан ҳам узвий равишда фаолият кўрсатади, инсон камолотининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ижтимоий аҳамиятга молик материаллар тўплайди.

Махсус психология – нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган камчилик ва нуқсонлар таъсири остидаги кишилар психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси. Бу ҳақда бундан олдинги мавзуда таъкидлаб ўтилган. Махсус психологиянинг яна ўзига хос тор бўлимлари ҳам мавжуд ва уларда инсонларнинг касаллиги, нуқсони, ақл-идрок даражаси, нутқ фаолияти патологияси ўрганилади.

## **2-§ Ёш даврлари психологиясининг вужудга келиши ва ёш даврларини табақалаш муаммолари**

Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганиш борасида турли нуқтаи назарларни илгари сурадилар ва муаммонинг моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашдилар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитив, психоанализ, бихевиоризм кабиларни киритиш мумкин. Қуйида санаб ўтилган назариялар ва улар айрим намоёндаларининг шахсни ривожлантириш принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

*Биогенетик* назария негизида инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг ривожланиши ихтиёрий хусусият касб этади ва улар билан ўзаро алоқа шунчаки тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, ривожланишининг бош мақсади – биологик детерминантларга қаратилади ва ижтимоий-психологик хусусиятлар уларнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Ривожланиши жараёнини дастлаб биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шарҳланади ва талқин қилинади.



*Биогенетик* қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилган. *Биогенетик* қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқот қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ, у органнинг индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда кўпол хатоларга йўл қўйган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал ривожланиши (онтогенез) бутун инсоният тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чақалоқ (янги туғилган бола) ҳали у одам эмас, балки бор-йўғи сут эмизувчи махлукдир, у олти ойликдан ошгач, психик ривожланиши жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, беш ёшларида ибтидоий пода ҳолатидаги одамлар даражасига етади, мактаб давридан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида ўрта аср одамлари онгига, ва ниҳоят, етуклик даврида (16-18 ёшларида) у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш америкалик психолог С.Холл “рекапитуляция қонуни” ни (филогенезни қисқача такрорлашни) психологик тараққиётнинг бош қонуни деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинига кўра, гўдаклик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайтаришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадимги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш оралиғида ўсиш даври ўсмирликдан олдинги ёшдан иборат бўлиб, ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чўққисига ҳамоҳангдир. Ўспиринлик даври жинсий етилишдан (12-13) бошланиб етуклик давригача (22-25 ёшгача) давом этади ва романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқинига кўра бу даврлар “бўрон ва тазйиқлар”, ички ва ташқи низолар (зиддиятлар)дан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда “индивидуаллик туйғу”си вужудга келади. Шахс

ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтган, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

*Биогенетик* концепциянинг бошқа бир тури немис “конституцион психологияси” (инсоннинг тана тузилишини асослаган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э. Кречмер шахс (психологияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, деб тахмин қилади. Э. Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва унинг бир учиди бошқа циклоид тоифасига хос (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учиди эса шизоид тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар туришини айтади. Бу тахминини у шахснинг ривожланиш даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирларда циклоид хусусиятлари (ўта қўзғалувчанлик, тажовузкорлик, аффектив табиатлилик), илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари бўлади, дея хулоса чиқаради. Лекин инсонда биологик шартланган сифатлар ҳамиша етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чунки шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари америкалик психологлар А.Гезелл ва С.Холл ривожланишнинг биологик моделига чамалаб иш кўрадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгиланиш цикллари ўзаро ўрин алмашиб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан ифодаланган бўлиб, биринчи навбатда, у жинсий (сексуал) майлига (либидога) боғлиқдир. Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи бирдан бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди.

Биогенетик назариянинг тескари кўриниши - бу аксил кутбга жойлашган *социогенетик* назария ҳисобланади. Социогенетик ёндошишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётдаги бевосита ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида шахсга айланади.

Ғарбий Европанинг энг муҳим нуфузли назарияларидан бири - бу роллар назариясидир. Ушбу назариянинг моҳиятига кўра жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳуқуқ) деб аталадиган хатти-ҳаракат (хулқ) нинг барқарор усуллари мажмуини таклиф қилади. Инсоннинг ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг хулқ-атвор хусусиятида, ўзгалар билан муносабат, мулоқот ўрнатишида сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна бири – индивидуал тажриба ва билимларни эгаллаш (мустақил ўзлаштириш) назариясидир. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси қўзғатувчининг узлуксиз равишда мустаҳкамланиб бориши маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва ҳоказо).

К. Левин томонидан тавсия қилинган “фазовий зарурат майдони” назарияси психология фани учун (ўз даврида) муҳим аҳамият касб этган. К. Левиннинг назариясига кўра индивиднинг хулқи (хатти-ҳаракати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният)лар билан бошқарилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади.

Юқорида таҳлил қилинган (шарҳланган) ҳар бир назария шахс ижтимоий хулқи (хатти-ҳаракати)ни ўзгалар учун ёпиқ ёки мавҳум муҳит хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бу ўринда одам хоҳлайдими ёки йўқми, бундан қатъи назар, мазкур шароитга мослашмоғи (кўникмоғи) зарур, деган ақидага амал қилинади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазиятлари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаганга ўхшайди.

Психологияда *психогенетик* ёндошув ҳам мавжуд ва у биогенетик, социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараққиётида биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндошишнинг уч мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро фарқланади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намоёндаларидан бири – америкалик психолог Э.Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эга.

Биринчи давр - *гўдаклик*. Ушбу даврда гўдакда онгсизликка асосланган ташқи дунёга нисбатан “ишонч” туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабабчиси ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигининг нишонасидир. Агар гўдакда ишонч умиди пайдо бўлмаса, борлиққа нисбатан ишончсизлик ҳисси туғилса, у ҳолда вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик шаклида акс этувчи хавф вужудга келиши мумкин.

Иккинчи даврда, яъни *илк болаликда* жонзодда ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади, ёки уларнинг акси уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши, ўз танасини бошқаришга кенг имконият яратиб, бўлғусида шахс хусусиятларига айланувчи тартиб ва интизом, масъулият, ҳурмат туйғуларини таркиб топтиришга пухта замин ҳозирлайди.

Учинчи давр – *уйин ёши* деб аталиб, 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. Мазкур даврда ташаббус туйғуси, қайсидир ишни амалга ошириш ва бажариш майлини таркиб топтиради. Мабодо унда хоҳиш-истакни

рўёбга чиқаришнинг йўли тўсиб қўйилса, ушбу ҳолда бола ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур ёш даврида давра, яъни гуруҳий ўйин, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, натижада, боланинг турли ролларни синаб кўришига, дунёқараши ўсишига имкон яратилади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр – *мактаб ёши* деб номланиб, ундаги асосий ўзгаришлар кўзлаган мақсадга эришиш қобилияти, уддабуронлик ва маҳсулдорликка интилиш туйғуси билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим қадрияти – омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Ушбу ёш даврининг салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам кўзга ташланади ва ижобий хислатларнинг етарли эмаслиги, онги ҳаётнинг барча қирраларини камраб ололмаслиги, муаммоларни ечишда ақл-заковатнинг етишмаслиги, билимларни ўзлаштиришда қолоқлик (суствлиги) ва ҳоказолар улар қаторига киради. Худди шу даврда шахсда меҳнатга нисбатан индивидуал муносабат шакллана бошлайди.

Бешинчи давр – *ўспиринлик* ўзининг бетакрор хислати, индивидуаллиги ва бошқалардан кескин фарқланиши билан тавсифланади. Шунингдек, ўсмирлик шахс сифатида ноаниқлик, муайян ролни уддаламаслик, қатъиятсизлик сингари нуқсонларга (иллатларга) эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти “ролни кечиктириш”нинг ўзгариши ҳисобланади ва тараққиёт босқичига кўтарилиш дақиқаси бирмунча кечикади. Унда ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларнинг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имкони бўлмайдди, ваҳоланки, бу кезде ўспирин ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўзини ўзи англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнлар ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини шарҳлайди.

Олтинчи давр - *ёшлик* бошқа одамга (жинсга) нисбатан психологик интим яқинлашув қобилияти (уқуви) ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Айниқса, жинсий майл бу соҳада алоҳида ўрин тутаяди. Бундан

ташқари, ёшлик танҳолик ва одамовилик каби бехосият хусусиятлари билан ҳам тафовутланади.

Етинчи давр – *етуклик* даври деб аталиб, ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатга, ижодга, ғамхўрликда, пушт қолдиришда, тажриба узатишда ва бошқаларда) махсулдорлик туйғуси унга узлуксиз ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси нуқсон (иллат) сифатида ҳукм суриши эҳтимолдан холи эмас.

Саккизинчи, яъни қариллик даври инсон тариқасида ўз бурчини уддалай олганлиги, турмушнинг кенг камровлилиги, ундан қаноатланганлиги (қоникқанлиги) туйғулари билан тавсифланади. Ушбу ёшда ҳаётдан, фаолиятдан ноумидлилиқ, улардан кўнгил совиш хис-туйғуларини салбий хусусият сифатида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлиш бу ёшдаги одамларнинг энг муҳим жиҳати, саховати ҳисобланади, бинобарин, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатга нисбатан шахсият ва умумият нуқтаи назардан қараш уларнинг олий ҳиммати саналади.

Э.Шпрангер “Ўспиринлик даври психологияси” деган асарида қизларни 13 ёшдан 19 ёшгача, йигитларни эса 14 ёшдан 22 ёшгача ўспиринлик ёшига киритишни тавсия қилади. Э.Шпрангернинг фикрича, ушбу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар:

шахсий “Мен” ни кашф қилиш;

рефлексиянинг ўсиши;

ўзининг индивидуаллигини англаш (тушуниш) ва шахсий хусусиятларини эътироф этиш;

ҳаётий эзгу режаларининг пайдо бўлиши;

д) ўз шахсий турмушини англаган ҳолда уни ташкил этиш йўлини белгилаб олиш ва ҳоказо. Унинг фикрича, 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқирознинг моҳияти уларга катталарнинг болаларча муносабатидан қутулиш туйғусининг вужудга келишидан иборатдир. 17-21 ёшларнинг яна бир хусусияти - ўзининг тенгқурлари ва жамоатчилик қуршовидан “узилиш

инқирози” ва танҳолик туйғусининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолатни тарихий шарт-шароитлар ва омиллар вужудга келтиради.

Э.Шпрангер, К.Бюлер, А.Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намояндалари бўлиб ҳисобланадилар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаженинг интеллект назарияси икки муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллект даврлари таълимотини ўз ичига олади. Интеллектнинг асосий функциялари уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш)дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф шахс интеллектнинг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратади:

сенсомотор интеллекти (туғилишдан 2 ёшгача),

операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача),

конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача),

формал (расмий) операциялар даври.

Ж.Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруҳини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари қаторига Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқалар киради.

Француз психологи А.Валлон нуқтаи назарича, шахснинг ривожланиши қуйидаги босқичларга ажратилади:

ҳомиланинг она қорнидаги даври;

импульсив ҳаракат даври - туғилгандан 6 ойликкача;

эмоционал (ҳис-туйғу) даври - 6 ойликдан 1 ёшгача;

сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври - 1 ёшдан 3 ёшгача;

персонализм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан 5 ёшгача;

фарқлаш даври - 6 ёшдан 11 ёшгача;

жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан 18 ёшгача.

Яна бир франциялик йирик психолог Заззо ўз ватанидаги таълим ва тарбия тизимининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашади ва уни ўзига хос талқин қилиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

биринчи босқич - боланинг туғилганидан 3 ёшгача.

иккинчи босқич - 3 дан 6 ёшгача.

учинчи босқич - 6 дан 9 ёшгача.

тўртинчи босқич - 9 дан 12 ёшгача.

бешинчи босқич - 12 дан то 15 ёшгача.

олтинчи босқич - 15 дан 18 ёшгача.

Кўриниб турибдики, Р.Заззо шахс ривожланишининг босқичларига индивидуаллик сифатида таркиб топиш, такомиллашиш назариясидан келиб чиқиб ёндошгани шахс шаклланиш палласининг юқори нуқтаси, яъни ижтимоийлашуви билан чекланишга олиб келган. Ша боис унинг таълимоти инсоннинг онтогенезда такомиллашуви, ўзгариши, ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г.Гримм шахс ривожланиши қуйидаги босқичлардан иборат эканлигини тавсия қилади:

чақалоқлик туғилганидан 10 кунгача;

гўдаклик 10 кунликдан 1 ёшгача;

илк болалик 1 ёшдан 2 ёшгача;

биринчи болалик даври 3 ёшдан 7 ёшгача;

иккинчи болалик даври 8 ёшдан 12 ёшгача;

ўсмирлик даври 13 дан 16 ёшгача (ўғил болалар), 12 дан 15 ёшгача (қизлар);

ўспиринлик даври 17 ёшдан то 21 ёшгача (йигитлар), 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар (бокиралар);



етуклик даври: биринчи босқич - 22 ёшдан 35 ёшигача (эркаклар), 21 ёшдан 35 ёшгача (аёллар), иккинчи босқич - 36 ёшдан 60 ёшгача (эркаклар), 36 ёшдан 55 ёшгача (аёллар);

кексайиш (ёши қайтган давр) - 61 ёшдан 75 ёшгача (эркаклар), 55 ёшдан то 75 ёшгача (аёллар);

қарилик даври - 76 ёшдан 90 ёшгача (жинсий тафовут йўқ),

узоқ умр кўрувчилар 91 ёш ва ундан ортиқ давр.

Дж.Биррон шахс ривожланишини қуйидагича тасаввур этади:

гўдаклик - туғилгандан 2 ёшигача;

мактаб олди давр - 2 дан 5 ёшгача;

болалик даври - 5 дан 12 ёшгача;

ўспиринлик даври – 12 дан 17 ёшгача;

илк етуклик даври - 17 дан 20 ёшгача;

етуклик даври - 20 дан 50 ёшгача;

етуклик даврнинг охири - 50 дан 75 ёшгача;

қарилик даври 76 ёш ва ундан ортиқ давр.

Д.Бромлейнинг таснифи бошқаларникига мутлақо ўхшамайди, чунки унда шахснинг ривожланиши муайян даврларга ва босқичларга ажратилган: *биринчи давр* - она қорнидаги муддатни ўз ичига олади (зигота-эмбрион-ҳомила-туғилиш); *иккинчи давр* (болалик): а) гўдаклик - туғилгандан 18 ойликкача; б) мактабгача босқичдан олдинги - 19 ойликдан 5 ёшгача, в) мактаб (болалик) - 5 дан 11–13 ёшгача, *учинчи давр* (ўспиринлик) - 1) илк ўспиринлик - 11 дан 15 ёшгача, 2) ўспиринлик - 15 дан 21 ёшгача; *тўртинчи давр* (етуклик) - 1) илк етуклик даври - 21 дан 25 ёшгача, 2) ўрта етуклик даври - 25 дан 40 ёшгача, 3) етукликнинг сўнгги босқичи - 40 дан 55 ёшгача; *бешинчи давр* (қарилик) - 1) истеъфо босқичи - 55 дан 65 ёшгача, 2) *қарилик босқичи* - 65 дан 75 ёшгача, 3) энг кексалик даври - 76 ёш ва ундан ортиқ давр.

Шундай қилиб, биз чет эл психологиясида шахс ривожланишининг йўналишлари ва назарияларини қисқача шарҳлаб ўтдик. Қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари

орасида бу соҳада ҳали ягона умумий назария ишлаб чиқилмаган. Бунинг бош сабаби шахснинг тузилиши, уни шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирларнинг роли, микро ва макромухитнинг таъсири, ривожланишнинг таянч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқ методологияга ва илмий платформага асосланмаганликдир.

Собиқ Совет психологиясида шахснинг ривожланиши муаммоси Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик ушбу масала билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди. Шу боис шахснинг тузилиши, ривожланишнинг ўзига хослигига тегишли ёндошувлар бўйича илмий манбаларда муайян фарқлар мавжуд. Ҳозирги даврда шахснинг ривожланиши юзасидан мулоҳаза юритилганда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳга ажратиш ва шундан сўнг уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, онтогенезда шахс тараққиётини бир неча босқичларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида илмий психологик таъриф бериш нуқтаи назаридан ёндошиш қуйидаги назария ва йўналишларни ташкил қилади. Жумладан, улар шахсни ривожланишидаги инқирозга биноан (Л.С.Виготский), мотивацион ёндошиш асосида (Л.И.Божович), фаолиятга кўра муносабат бўйича (Д.Б.Эльконин), шахснинг ижтимоийлашуви хусусиятини эътиборга олиб (А.В.Петровский), шахсни тутган позициясидан келиб чиқиб (Д.И.Фельдштейн) ва ҳоказоларга мувофиқ ўрганганлар.

Л.С.Виготский жаҳон психологларининг шахснинг тузилиши ва ривожланишига оид назарияларини танқидий таҳлил қилиб, камолотни вужудга келтирувчи руҳий янгилашлардан келиб чиққан ҳолда жараённи қуйидаги босқичларга ажратади:

чақалоқлик даври инқирози (кризиси);

гўдаклик даври - 2 ойдан 1 ёшгача, 1 яшарлик даври инқирози;

илк болалик даври - 1 дан 3 ёшгача. 3 яшарлик даври инқирози;

мактабгача ёшдаги давр - 3 дан 7 ёшгача. 7 яшарлик давр инқирози;

мактаб ёши даври - 8 дан 12 ёшгача. 13 яшарлик даври инқирози;  
пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 дан 18 ёшгача. 17 яшарлик даври  
инқирози.

Л.С.Виготский асарларида ривожланиш ҳар бир даврининг ўзига хос хусусиятларига чуқур илмий таъриф бера олган. Тадқиқотчи шахснинг ривожланишида энг муҳим руҳий янгиланишлар юзасидан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этувчи мулоҳазалар билдирган. Бироқ унинг фикрлари ичида ўта мунозарали, баҳсталаб ўринлар ҳам талайгина. Ҳозирги замон психология фанида Л.С.Виготскийнинг шахснинг ривожланиши назарияси илмий, тарихий, ижтимоий аҳамият касб этади, ривожланишга олиб келувчи инқирозларнинг роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва илгари сурган ғоялари шу куннинг талаби билан ҳамоҳангдир.

Собиқ Совет психологиясининг йирик намоёндаси, Л.С.Виготскийнинг шогирди Л.И.Божович шахснинг шаклланишини муайян даврларга бўлишда мотивларга асосланади, шунинг учун бу ёндошувни мотивацион деб юритиш мумкин. Л.И.Божовичнинг мулоҳазасига биноан, шахснинг шаклланиши ушбу босқичлардан иборат: биринчи босқич – *чақалоқлик* - туғилгандан 1 ёшгача; иккинчи босқич – *мотивацион тасаввур* - 1 дан 3 ёшгача; учинчи босқич – *“Мен” ни англаш даври* – 3 дан 7 ёшгача; тўртинчи босқич – *ижтимоий жонзод эканлигини англаш даври* - 7 дан 11 ёшгача; бешинчи босқич: а) *ўз-ўзини англаш даври* - 12 дан 14 ёшгача; б) *ўз ўрнини белгилаб олиш (топиш) даври* – 15 дан 17 ёшгача.

Л.И.Божович шахс шаклланишининг ҳар бир босқичига психологик тавсиф бериб, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, манбалар, турткилар, механизмлар негизини очиб беришга ҳаракат қилган. Олима фикрининг йўналиши шахс психологияси билан узвий боғлиқ бўлиб, таҳлил ва шарҳлар мотивацион ёндашувга бевосита бўйсундирилган.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши таснифи етакчи фаолият назариясига (А.Н.Леонтьев таълимотига) асосланиб, ҳар бир тараққиёт палласида у ёки бу кўринишдаги фаолият устунлик қилиши эҳтимолига

суянади. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши жараёнидаги роли, етакчи фаолияти ушбу назариянинг асосини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин шахс шаклланишини қуйидаги босқичларга ажратади:

гўдаклик даври - туғилгандан 1 ёшгача; асосий фаолият - бевосита эмоционал мулоқот;

илк болалик даври - 1 дан то 3 ёшгача; асосий фаолият - предмет билан манипуляция (нозик ҳаракат) қилиш;

мактабгача бўлган давр - 3 дан 7 ёшгача; асосий фаолият - ролли ўйинлар, асосий фаолият – ўқиш;

кичик ўсмирлик даври - 10 дан то 15 ёшгача; асосий фаолияти - шахсий ички (интим) мулоқот;

катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик даври - 16 дан то 17 ёшгача; асосий фаолият - ўқиш-касб танлаш.

Д.Б.Элькониннинг шахснинг шаклланиш босқичларига доир қарашлари муайян доирадаги психологлар томонидан илиқ қарши олиншига қарамай, айрим муназарали ўринлар ҳам йўқ эмаслиги эътироф қилинди. Бизнингча, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари фақат алоҳида олинган фаолият доираси таъсири билан чегараланиб қолмаслиги, балки оралиқ босқичлари ҳам мавжудлиги ва ундан келиб чиққан ҳолда руҳий янгиланишларда ҳам ўзгариш бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамай, Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса, ёш давлари психологиясида энг оммабоп қарашдан бири бўлиб қолмоқда.

Болалар психологияси фанининг йирик намояндаси А.А.Люблинская шахс тараққиётини муайян босқичларга ажратишда педагогик психология позициясида турган ҳолда унга фаолият нуқтаи назаридан ёндашади, маълум даврларга ажратади ва уларни атрофлича шарҳлаб беришга интилади:

чақалоқлик даври – туғилгандан бир ойликгача;

мактабгача кичик тарбия даври – 1 ойдан 1 ёшгача;

мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр – 1 дан то 3 ёшгача;

мактабгача тарбия даври – 3 дан то 7 ёшгача;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври – 7 ёшдан 11 (12) ёшгача;  
ўрта синф ўқувчилиги даври (ўсмирлик) - 13 дан 15 ёшгача;  
юқори синф ўқувчилиги даври - 15 дан то 18 ёшгача.

Педагогик психологиянинг таниқли намояндаси В.А. Крутецкий инсоннинг онтогенетик таракқиётини қуйидаги босқичлардан таркиб топиш эҳтимоли мавжудлигини асослаб беришга ҳаракат қилади:

чакалоклик (туғилгандан 10 кунликкача);  
гўдаклик даври (10 кунликдан 1 ёшгача);  
илк болалик даври (1 дан 3 ёшгача);  
боғчагача бўлган ёш давр (3 дан 5 ёшгача);  
боғча ёш даври (5 дан 7 ёшгача);  
кичик мактаб ёши даври (7 дан 11 ёшгача);  
ўсмирлик ёши даври (11 дан 15 ёшгача).

Негадир муаллифларнинг аксарияти онтогенезда шахс ривожланишининг қолган босқичларини ҳисобга олмайдилар.

Ҳозирги замон психологиясининг таниқли вакили А.В.Петровский инсон ривожланиши шахсни таркиб топтиришнинг социал-психологик нуқтаи назардан ёндашиб, ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хос классификациясини яратади. Ушбу назария негизида болалик, ўсмирлик, ўспиринлик даврлари билан боғлиқ юксалиш, етукликка интилиш ғояси мавжуд. А.В.Петровскийгача бўлган психологлар ривожланиш бир текис боришини ўрганган бўлсалар, бундан фарқли ўлароқ у шахс шаклланишининг просоциал (ижтимоий қоидаларга риоя қилиб) ва асоциал (акселижтимоий) босқичлари ҳам бўлиши мумкинлигини асослаб беришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ривожланиш учта макрофазадан иборат эканлигини шарҳлайди ва олимнинг назариясида: унинг биринчи тури болалик даврига тўғри келиб, ижтимоий муҳитга мослашиш, кўникиш (адаптация); иккинчиси – ўсмирларга хос индивидуаллашиш (индивидуализация); учинчиси – ўсмирлик, яъни етукликка интилиш даврида индивидуал ҳолатларни мувофиқлаштириш (бирлаштириш)

хусусиятлари билан тавсифланади. А.В.Петровский шахснинг шаклланишини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таъкидлайди:

илк болалик (мактабгача тарбия ёшидан олдинги давр) – туғилгандан 3 ёшгача;

боғча ёши даври – 3 дан 7 ёшгача;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик – 7 дан 11 ёшгача;

ўрта синф ўқувчилиги (ўсмирлик) даври – 11 дан 15 ёшгача.

юқори синф ўқувчилиги (илк ўспиринлик) даври – 15 дан 17 ёшгача.

А.В.Петровскийнинг классификацияси қанчалик мукамал бўлмасин, ривожланишнинг оралик босқичлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини эътироф этишга мойилдир. Чунки ижтимоий қоидаларга биноан ўсишми ёки акселижтимоийми унга қарамасдан, ҳар икки йўналишнинг ҳам оралик жабҳалари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, лекин бу ғояни чуқурроқ шарҳлаб бериш жоиз.

Д. И. Фельдштейннинг таснифи ҳам шахсга ижтимоий ёндашувга асосланган бўлсада, лекин у А. В.Петровскийникидан кескин фарқ қилади. Д.И.Фельдштейннинг фикрича, инсон шахс сифатида шаклланиш жараёнида икки катта тараққиёт босқичини босиб ўтади, улардан бири - “Мен жамият ичида” деган позициядан иборат бўлиб, у ўзига қуйидаги ёш босқичларини ўз ичига олади:

илк болалик – 1 дан 3 ёшгача;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври – 6 дан 9 ёшгача;

юқори синф ўқувчилик даври – 15 дан 17 ёшгача.

Шахс тараққиётидаги иккинчи позиция “Мен ва жамият” деб аталиб, у қуйидаги ёш босқичларига тааллуқлидир:

гўдаклик – туғилгандан 1 ёшгача;

мактабгача ёшдаги болалик – 3 ёшдан 6 ёшгача;

ўсмирлик – 10 дан 15 ёшгача.

Д. И. Фельдштейн бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирлик даврини *уч босқичга* ажратади. Унинг мулоҳазасига кўра, биринчи босқич (10-

11 ёш) ўзига муносабатни кашф қилишдан иборат бўлиб, ўзини шахс сифатида ҳис қилиш ва қатъий қарорга келиш билан яқунланади. Иккинчи босқич 12-13 ёшдаги ўсмирлар ўз ичига олиб, бир томондан, ўзини шахс сифатида тан олиш, иккинчи томондан, ўзига салбий муносабатда бўлиш хусусиятига эга. Учинчи босқич 14-15 ёшли катта ўсмирлардан иборат бўлиб, тезкорликда ўз-ўзини баҳолашга мойил муносабати билан тавсифланади.

Болаларда “Мен жамият ичида” позицияси илк болалик, кичик мактаб ёшидаги, юқори синф ўқувчилиқ даврларида фаол бўлиб, кенг кўламда қулоч ёяди, чунки мазкур ривожланиши босқичида фаолиятнинг амалий предметли жиҳатлари жадал ўсишда бўлади. Уларда “Мен ва жамият” позицияси вужудга келиши мактабгача тарбия ёши, ўсмирлик даврларига тўғри келиб, улар томонидан ижтимоий хатти-харакатларнинг нормалари ва қоидаларини ўзлаштириш, шахслараро муносабат ўрнатиш, ўзаро мулоқотга киришиш хусусияти билан тавсифланади. Ана шу мураккаб социал-психологик ҳолатларга асосланган ҳолда Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий ривожланишида унинг жамиятга муносабатини асосий (бош) ва оралиқ тоифаларга ажратади. Болада жамиятга нисбатан оралиқ муносабатнинг шаклланиши ижтимоийлашув, индивидуаллашувнинг таркибий қисмларини эгаллаш ва унинг бир даврдан иккинчисига ўтиши натижасида юзага келади. Асосий (бош) муносабат – шахснинг ривожланишида кескин силжиш нуқталарининг пайдо бўлиши, ички сифат ўзгаришларининг вужудга келиши ва унда янги хислатларни таркиб топишининг маҳсулидир.

Таъкидлаш жоизки, Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча психологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини ошириш ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти)га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амалий аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг

шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса қўшади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг қўлланилади. Аммо эндиликда онтогенезда шахснинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини акс эттирувчи назария яратиш мавриди келди.

### **3-§ Ички ишлар органлари фаолиятида ёш даврлари психологиясининг аҳамияти**

Психологияда шахсни тарбиялашнинг йўл-йўриқлари ва воситаларини ишлаб чиқиш муаммоси доимо мавжуд. Инсон шахсига таъсир кўрсатиш, унинг ҳуқ-атворини бошқариш, хатти-ҳаракатларини тизимга солиш долзарб масала ҳисобланади. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ҳар бир субъектнинг ўз организмни бошқариши қанчалик қийин кечишини хис қилган ҳолда ўзга шахс билан боғлиқ ҳолатларни бошқариш янада мураккаброқ эканлиги сир бўлмай қолади.

Инсон психологиясининг барча жабҳаларини таҳлил қилиш, унга хос қонуниятларни билиш ва улар ёрдамида амалий чора-тадбирлар белгилаш ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Тарбия масаласига назар соладиган бўлсак, унинг жисмоний ва руҳий жиҳатлари мавжудлиги доимо эътироф этилади.

Бу икки жиҳатнинг уйғунлашганлиги шахснинг мукамаллиги, камолотидан далолат беради. Аммо баъзида жисмоний нуқсонларнинг, айрим ҳолларда руҳий бузилишларнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Нормал муҳитда нормал шахс билан ижтимоий муносабат ва ахлоқ меъёрларини камол топтириш, шахс ривожланишини кўзланган мақсадга мос равишда таъминлаш мумкин бўлади. Бундай шароитда четдан тўғри йўлга солиш воситаларидан фойдаланишдан кўра, секин-асталик билан ўзини ўзи тарбиялашга ўтилади. Аксинча, ташқаридан таъсир кўрсатиш усул ва воситаларига зарурат бўлганда, уни қабул қилмай, унга бўйсунмаган ҳолда тўғридан тўғри ўзини ўзи тарбиялашга ўтиш анча оғир кечади. Шу боис ҳам



жамиятда юз бераётган жиноий хатти-ҳаракатларнинг сабабини, рухий шаклланишининг тарихий илдизларидан қидирган маъқул.

Шахснинг жиноий ҳулқ-атворини ва номақбул хатти-ҳаракатини олдини олиш учун фаолиятнинг умумий психологик тавсифи ҳамда у ёш психологик хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай “касаллик”нинг сабаби аниқлангач, унга мос “даволаш” воситалари танланади.

Чунки, инсон фаолияти атрофдаги кишилар билан ҳар томонлама алоқалар, жамият ва ижтимоий муносабатлар асосида кечади.

Фаолият ўзининг мазмунига кўра ижтимоий хусусиятга эга. Инсон фаолият орқали ўзини шахс сифатида шакллантиради.

С.Л.Рубинштейннинг фикрига кўра “инсон фаолиятининг ўзига хос хусусияти онгли ва мақсадга йўналганлигидан иборат. У орқали инсон ўз мақсадини амалга оширади. Ҳосил бўладиган ғоя ва фикрларини объективлаштиришга эришади”<sup>1</sup>.

Хулқ-атвор фаолиятнинг бир томонлама намоён бўлишидир. У инсон фаолиятининг атрофдагилар ва атроф-муҳит билан муносабатида намоён бўладиган ташқи кўринишидир.

Хулқ-атвор ахлоқий, маънавий, ҳуқуқий фаолият тарзида акс этади.

Хулқ-атвор асосида субъектнинг шахслик хусусиятлари муҳокама қилинади.

Хулқ-атворни жиноий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳам психологик ҳарактерга эга, ҳатто ёш психологик нуқтаи назардан ўспирин ёшдагилар хулқ-атворининг бузилишини таҳлил қилганда, унинг икки хил турини кўриш мумкинлиги таъкидланади: биринчиси, бошқалар хулқ-атворида таъсир кўрсатувчилар; иккинчиси, бошқалар таъсирига тушиб қолувчилар.

Бугунги кунда юридик психология, хулқ-атвор психологияси, тарбия психологияси, шахс психологияси, шахс хулқ-атворида ижобий мазмун ҳосил

---

<sup>1</sup> Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. М., 1989 II т. с. 126

қилишига, унинг жамиятга мувофиқ шаклланишига, тарбияланишига ўз улушини қўшмоқда.

Ёш психологик нуқтаи назаридан хулқ-атвордаги бузилишни таҳлил қилишда норма билан патология ўртасидаги меъёрни аниқлашга зарурат мавжуд. Чунки жиноий хатти-ҳаракат ва жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар: алкоголизм, гиёвандлик, тажовузкорлик, психик бузилишлардан иборат.

Оддий ўсмирда тажовузкор хулқ-атворнинг намоён бўлиши кассавурлик, майда ўғрилик, одамларни тунашга сабаб бўлишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Ўсмирнинг илк бор бундай фаолиятга мойиллик ҳис қилиши, секин-асталик билан шахснинг одатига айланиб боради. Ёки гиёвандлик ҳам худди шундай хатти-ҳаракатларнинг содир бўлишига олиб келади<sup>1</sup>.

Ўсмирлик ёши дунёқараш, эътиқод, нуқтаи назар, принцип, ўзлигини англаш, баҳолаш ва ҳоказолар шаклланадиган давр ҳисобланади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёрсиз орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назар асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмир шахсининг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Ўсмир шахсини таркиб топтиришда унинг атроф-муҳитга, ижтимоий ҳодисаларга, кишиларга муносабатини ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсмирда муайян нарсаларга муносабат шаклланган бўлади.

Психологлар ўтказган тадқиқотлардан маълумки, ўсмирларнинг кўпчилиги қатъиятлилик, камтарлик, мағрурлик, самимийлик, меҳрибонлик, дилкашлик, адолатлилик каби маънавий-ахлоқий тушунчаларни тўғри англайдилар. Уларнинг турмуш тажрибасида фан асосларини эгаллаши натижасида барқарор эътиқод ва илмий дунёқараш таркиб топади, шулар замирида ахлоқий идеаллар юзага кела бошлайди. Ўсмирларнинг идеаллари негазида орзу, мақсад ва уларни руёбга чиқариш режалари намоён бўла

---

<sup>1</sup>Кон И.С. Психология ранней юности. – М. Прогресс, 1989. – С. 215.

бошлайди. Муайян касбга майллик ва қизиқиш уйғонади. Орзу-истаклар ранг-баранглиги билан бир-биридан кескин ажралиб туради.

Ўсмирлик ёшида психологик жиҳатдан энг муҳим хислат – вояга етиш ёки катталиқ ҳиссининг пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Катталиқ ҳисси ижтимоий-ахлоқий соҳада, ақлий фаолият, қизиқиш, муносабат, кўнгил очиш жараёнида хулқ-атворнинг ташқи шаклларида ўз ифодасини топади. Ўсмир ўз кучи ва қувватининг чидамлилиги ортаётганини ва билим савияси кенгаётганини англай бошлайди. Буларнинг барчаси унда катталиқ ҳиссини ривожлантиради.

### **Ўсмирнинг ақлий камолоти**

Ўсмирларнинг жисмоний ўсиши ва жинсий етилиши уларнинг психикасида кескин ўзгаришларни вужудга келтиради. Ўқув фанларининг кўпайиши, ахборот тармоғининг кенгайиши уларнинг фикр юритишини жадаллаштиради. Тафаккурнинг ривожланиши интеллектни кўшимча маълумот билан бойитади.

Ўсмирнинг энг муҳим хусусиятларидан бири мустақил фикрлаш, ақлнинг танқидийлиги тез ривожланишидир. Бу эса ўсмирнинг **ақлий фаолиятида янги давр бошланганини билдиради.**

Мактаб таълимининг бевосита таъсири билан ўсмирда ўзини англаш жараёни ривожлана бошлайди.

Ақлнинг танқидийлиги айрим ҳолларда ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида «Англашилмовчилик ғови» ни вужудга келтиради.

Ўсмир ақл-заковатини камол топтириш учун унга доимо мантиқий тафаккур усулларини ўргатиб бориш зарур.

### **Тарбияси қийин ўсмирлар**

Таълим жараёнида тарбияси қийин ўсмирлар ҳам учрайди. Улар қонунни бузиш ёки қоидага хилоф иш қилиш даражасига қараб **жиноий қонунбузар ва оддий қоидабузар (тартиббузар)** гуруҳларга ажратилади.

Шахнинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларидаги камчиликлар, ўқишга салбий таъсир этувчи олий асаб фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради.

**Шахнинг таркиб топишидаги нуқсонлар:** ахлоқий хислатларнинг етишмаслиги, ўқитувчи, синф жамоаси, оила аъзолари билан нотўғри мулоқот, ишққмаслик, бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар ҳам салбий одатларни вужудга келтиради.

Тарбияси қийин ўсмирларни ўрганишда кинолавлар, юридик варақа, ишонтириш, рағбатлантириш, бўйсундириш, қўрқитиш сингари усуллардан фойдаланилади.

Қонунбузарликнинг сабабини аниқлаш усулларида яна бири – сюжетли фотосуратлар ёки расмлар билан тажриба ўтказишдир.

Тарбияси қийин ўсмирлардаги хусусиятларни ўрганишнинг яна бир йўли улар билан яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали уларнинг рухий кечинмалари билан танишишдир. Ўтказилган суҳбат ўсмирнинг психик дунёсига назик таъсир қилиб виждон азоби, ўнғайсизлик туйғусини вужудга келтириш керак. Ўсмир шахсиятига тегадиган муомала қилиш ман этилади. Суҳбат давомида ҳамма вақт илиқ психологик иқлим, дўстона муносабат, қулай микро муҳит бўлмоғи шарт.

Ўсмир типологик хусусиятларига биноан бир нечта шартли гуруҳга ажратиш мумкин. Тарбияси қийин ўсмирларнинг **биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади.** Улар ўз хатоларини била туриб, қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Улар ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар. Бундай болалар бетга чопар, ўжар табиатли, раҳм-шафқатсиз, «зўравон» бўладилар.

**Иккинчи гуруҳга мансуб** тарбияси қийин ўсмирлар – яхши-ёмонни тушунадилар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор, юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли «орқа қаноат»да туриб қويدани бузадилар. Улар жамоа олдида катта ваъдалар берадилар, маълум вақт ўтгандан сўнг берган ваъдасини бутунлай унутадилар.

**Учинчи гуруҳга мансуб** тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиббузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар содир этган қилмишларига афсус-надомат чекадилар, руҳан эзиладилар. Уларда ахлоққа хилоф хатти-харакатлар, ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади.

Инжиқ табиатли ўсмирлар **тўртинчи гуруҳга мансуб бўлиб**, улар синф жамоасида ўз ўринларини топа олмаганликларидан қайғурадилар, гиначи, аразчи бўладилар.

Илк ўсмирлик ёшида инсон учун энг муҳим ҳиссиёт – севги вужудга келади. У ўртоқлик, дўстлик замирида пайдо бўлади. Қизларда ҳақиқий севги куртаклари ўғил болаларга нисбатан эрта ўйғонади, улар бир умр ўзларига йўлдош ва доимо ғамхўрлик қиладиган кишининг муҳаббатига сазовор бўлишни орзу қиладилар.

Ўсмирларни турмуш қўришга тайёрлашда мактаб билан оиланинг ҳамкорлиги мувоффақият гарови ҳисобланади.

Ўсмирларга оила қуриш ҳақида тушунча беришда бахтли, тинч-тотув яшаш, бир-бирига ишонч, садоқатли бўлиш кераклигини уқтириш билан бирга уларни оилавий турмушда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлардан ҳам огоҳлантириш керак.

Юқори синф ўқувчилари шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг юксак талаблар қўйиши натижасида ўсмирларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, масъулиятлилик, танқидийлик сингари фазилатлар барқарорлашади.

Психолог Л.И.Уманскийнинг фикрича, ўсмир намунали ташкилотчи бўлиши учун унда қуйидаги хислатлар бўлиши керак:

- 1) ахлоқий хислатлар - жамоатчилик, самимийлик, ташаббускорлик, фаоллик, меҳнатсеварлик;
- 2) иродавий хислатлар – матонат, қатъият, мустақиллик, ташаббускорлик, интизомлилик;

3) эмоционал хислатлар - хушчақчақлик, тетиклик, ҳазилкашлик ва янгиликни хис этиш, ўз кучига ишонч ва бошқалар.

Ўсмирларнинг яна бир муҳим хислати уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилик, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик хиссида намоён бўлади. Дўстлик хисси ўртоғига меҳрибонликда, у билан учрашиш ва суҳбатлашиш ўз фикр ва хиссиётлари билан ўртоқлашишда кўринади.

Ўсмирлик даврида йигит билан қиз ўртасида муҳаббат тўйғуси вужудга кела бошлайди. Муҳаббатнинг қувончли лаҳзалари, изтиробли кечинмалари иккала ёшнинг руҳиятини эгаллайди ва табора чуқурлашиб боради.

Ўсмирларда сезгирлик, кузатувчанлик, такомиллашиб боради. мантикий хотира, эслаб қолишнинг йўл ва воситалари эса таълим жараёнида етакчи роль ўйнайди. Ўсмирлар топшириқларни бажаришда, уларнинг маъно ҳамда моҳиятини тўла англаб иш тутадилар, эслаб қолиш, эса сақлаш, эса тушириш жараёнларнинг самарали усулларида унумли фойдаланадилар. Бу жараёнларнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи диққатнинг сифати ва миқдори ўзгаради. Диққатни кўчириш ва тақсимлаш сезиларли ривожланади, бошқаларнинг нуқтаи назарига эътибор бериш, уларнинг нутқини тинглаш, ёзиб олиш, мулоҳаза юритиш маҳорати ошади ва ақлий қобилият такомиллашади. Ўсмирларнинг тафаккури тобора фаол, мустақил ва ижодий хусусиятга эга бўлиб боради, лекин уларнинг фикр юритишида бирмунча объектив ва субъектив камчиликлар учрайди.

Талабалик даври ўсмирликнинг иккинчи босқичидан иборат бўлиб, 17-22 (25) ёшни ўз ичига олади. Бу давр ўзининг бир қатор бетакрор хусусиятлари ва қарама-қаршиликлари билан тавсифланади. Шу боис ўсмирлик даври шахснинг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашидан бошланади.

Мазкур ёш даврида ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида хис-тўйғулар, қарашлар, ахлоқий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади.

Ёшлик даври 23-28 ёшлардан иборат бўлиб, бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида камолга этишган шахс сифатида фаол иштирок этиш ва ишлаб чиқаришда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан иборат.

Етуклик даврининг биринчи босқичига 28-35 ёшлардаги эркак ва аёллар киради.

Етуклик даврида инсон ўзининг бор куч-қуввати, қобилияти, ақл-заковати, ички имкониятларини ўз ижтимоий фаолиятга, жамоат ишларига тўла сафарбар қила олади.

Етуклик даврида жисмоний ва ақлий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш кўникмаси пайдо бўлади. Бу ҳолат муайян малака ва маҳорат асосида рўй беради.

Умуман, камолот босқичидаги одамлар истиқбол режаси билан яшашга ҳаракат қиладилар. Уларда тинчлик, тотувлик дунё лаззатларидан оқилона фойдаланиш туйғуси ҳукмрон бўлади.

Шундай қилиб, Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, А.А.Бодалев, А.В.Петровский, М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, Э.Ғ.Ғозиев, Р.З.Гайнутдинов, В.М.Каримова ва бошқа психологларнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун бирмунча оғир кечади, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хислатлари ва сифатлари такомиллашув босқичида бўлади.

Етуклик даврининг иккинчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятларига 36-55 (60) ёшлардаги эркак ва аёллар киради. Мазкур даврда янги хислат намоён бўлади. Турмушнинг икир-чикирлари, ижтимоий ҳодисаларга вазмин, ҳаёт тажрибасига суянган ҳолда сабр-тоқат билан муносабатда бўладилар.

Етуклик даврининг иккинчи босқичида қарилик аломатлари кўпроқ ўрин эгаллай боради, унинг бошланиш нуқтаси 45-50 ёшлардир. Бу одамларда турлича кечади. Масалан, бир кишида 60 ёшда, бошқа бирида эса 70 ёшда бўлиши мумкин.

**Эркак ва аёлларда кексайиш даври 61-74 ёшни ташкил этади.** Бу даврдаги кишилар хилма-хил хусусиятлари, шахслараро муносабатлари билан бошқа ёш давларидан ажралиб турадилар. Кексайиш даврида биологик органнинг заифлашуви психик жараёнларнинг ўзгаришига ҳам олиб келади. Рухий кексайиш аломатлари аёлларда эртароқ пайдо бўлади. Эркак ва аёллар ўртасидаги фарқ борган сари яққол кўзга ташлана бошлайди. Бу фарқлар уларнинг билиш жараёнлари, ақл-заковати ва рухий ҳолатларда ўз аксини топади.

Кексалик давридаги шахснинг психологик хусусиятларига 75-90 ёшдаги бува ва бувилар киради.

Умуман, ёш давлари психологияси фанининг вазифалари, аҳамияти, принциплари, ривожланиш босқичлари, табақалаш назариялари, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, болалик, ўсмирлик давларида, уларнинг турмуш ҳақидаги тасаввурларини билиш ички ишлар идоралари ходимлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларнинг психологик хусусиятларини билиш, ўқув фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини текшириш мақсадга мувофиқдир.

Етуклик даврининг биринчи ва иккинчи босқичларидаги психологик хусусиятлар ва улар ўртасидаги ўзаро фарқларни аниқлаш, билиш, ҳамда етарли даражада ўрганиш ИИО ходимлари учун мақсадга мувофиқдир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органларининг бошқарув фаолиятида ходимларнинг ёш давлари ва уларнинг ривожланишини билишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Шахснинг ривожланишини даврларга бўлинг.
3. Ички ишлар органлари жамоасида раҳбар фаолиятидаги педагогик жараёнда ёш даври психологиясининг тутган ўрни ҳақида тушунтиринг.



4. Жаҳон психологлари тадқиқотларида шахс ривожланишини даврларга бўлиб ўрганишга изоҳ беринг.

5. Фуқаролар билан ўзаро муносабатга киришишда ёш даврлари психологиясини билиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосини ташкил этади, деганда нимани тушунасиз?

6. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да шахс ривожланиши ва унинг бошқарув фаолиятидаги ўрни хақида нималар дейилган?

7. Педагогик психологияда ёш даврлари психологияси муаммосига изоҳ беринг.

8. Девиант ҳуқ-атворнинг вужудга келишига психологик тавсиф беринг.

9. Психологик тестлар таълим олаётган шахсни ўрганишнинг асосий усулларида бири эканлигини тушунтиринг.

#### **4-мавзу. Таълим олаётган жамоанинг психологияси ва таълим олаётганларга педагогик таъсир этиш**

##### **1. Ўқув жамоаси ва унинг психологик тавсифи.**

Психологияда шахсни тарбиялашнинг восита ва усуллари ишлаб чиқиш муаммоси доимо мавжуд. Инсон шахсига таъсир кўрсатиш, унинг ҳуқуқ-атворини бошқариш, хатти-ҳаракатларини тизимлаш долзарб масала ҳисобланади. Агар чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ҳар бир субъектнинг ўз организмни бошқариш қанчалик қийин кечишини хис қилган ҳолда ўзга шахс билан боғлиқ ҳолатларни бошқариш янада мураккаброқ эканлиги сир бўлмай қолади.

Таълим ва тарбия масаласига назар соладиган бўлсак, унинг жисмоний ва руҳий жиҳатлари мавжудлиги доимо эътироф этилади.

Бу икки жиҳатнинг уйғунлашганлиги шахс мукамаллигидан далолат беради. Аммо шахсда баъзан жисмоний нуқсонлар, айрим ҳолларда руҳий бузилишларни мавжудлигига гувоҳ бўламиз.

Тингловчиларда ахлоқ нормаларини ривожлантириш, уларни баркамол шахс ва етук мутахассис сифатида шаклланиши учун таълим-тарбия асосий роль ўйнайди. Кўзланган мақсадга эришиш мақсадида улар таълим олаётган жамоа ва ундаги нормал муҳит ва нормал ижтимоий муносабат муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, эътиборимизни тингловчилар таълим олаётган ўқув жамоасига қаратишимиз лозим.

Маълумки, умуман шахсни камол топтирадиган ва тарбиялайдиган жамоа ўзи билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Ўқув жамоаси тингловчи шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун ҳар томонлама барча шарт-шароитларни яратаяди. Психологияда жамоа муаммосини, гуруҳларни таҳлил қилиб бўлгандан сўнг ўрганиш мумкин.

**Гуруҳ** – муайян белгига, синфий мансубликка, биргаликда фаолият кўрсатиш мумкинлигига алоқадор ижтимоий жамоа ҳисобланади. Гуруҳларнинг таснифланиши ҳам шунга мувофиқ, кичик ва катта гуруҳларга ажратилади, ўз навбатида, улар ҳам шартли формал (расмий) ҳамда ноформал (норасмий)

гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар ривожланиш даражаси бўйича ривожланган ва етарли даражада ривожланмаган ёки кам ривожланган гуруҳларга, уюшмаларга, бирлашмаларга, аралаш гуруҳларга бўлинади. Гуруҳга кирувчи одамлар бир-бирларига ва гуруҳ банд бўлган фаолиятга нисбатан бир хил нуқтаи назардан бўлмайдилар.

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ишчанлиги ва шахсий фазилатига кўра, ўз *статусига* – яъни унинг гуруҳда тутган ўрнидан далолат берувчи ҳуқуқлар ва бурчларга, унинг хизматлари ва фазилатлари гуруҳ томонидан тан олинishi ёки олинмаслигини акс эттирувчи *нуфузига* биноан гуруҳдаги шахслараро муносабатлар тизимида муайян мавқеига эга бўлади.

Психологияда гуруҳ ичидаги табақаланишнинг икки асосий тузилиши – социометрия ва референтометрия алоҳида ажралиб туради.

*Социометрия* ёрдамида шахслараро биргаликдаги ҳаракат жараёнида гуруҳ аъзоларида намоён бўладиган афзал кўришлар, бефарқлик ёки хуш кўрмаслик ҳолатининг даражасини аниқлаш мумкин.

Ҳар қандай гуруҳ тузилишига кўра гуруҳ аъзолари нуфузи ва статусининг ўзига хос даражасини акс эттиради. Унинг юқори қисмидан референтометрик ва социометрик тарзда танланадиган шахслар ўрин олади, нореферент ва социометрик жиҳатдан суриб чиқарилган индивидлар эса энг орқада туради. Мазкур иерархиянинг энг юқори босқичида гуруҳнинг пешқадами (лидери) жойлашади.

*Пешқадам* – гуруҳнинг қолган барча аъзолари учун ўз манфаатларига дахлдор ҳамда бутун гуруҳ фаолиятининг йўналиши ва характерини белгилаб берадиган, ўзини энг маъсулиятли ечимлар қабул қилишга ҳақли деб ҳисоблайдиган шахс. Шундай қилиб, пешқадам гуруҳнинг энг муҳим муаммоларига солиштирганда ундаги энг кўпроқ даражадаги референтлик эгаси бўлган шахсдир. Пешқадам социометрик «юлдуз» бўлиши ва аксинча, бундай бўлмаслиги, теварак-атрофдагиларнинг шахсий хайрихоҳлигига сазовар бўлмаслиги ҳам мумкин. Пешқадам гуруҳнинг расман раҳбари бўлиши ёки аксинча, бўлмаслиги ҳам мумкин, пешқадам билан раҳбарликнинг ягона битта

шахсга тўғри келиши мақбул ходиса хисобланади. Борди-ю, бундай мувофиқлик бўлмаса, гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги расмий раҳбар (масалан, синфбоши) билан норасмий пешқадам ёки пешқадамлар ўртасидаги муносабатлар қай тарзда юз беришига ҳамда жамоада турли хил маъсулиятнинг тингловчилар зиммасига юкланишига боғлиқ бўлади.

Жамоада маъсулиятнинг юкланиши асосан объектив хусусиятга эга бўлади, ҳар бир тингловчининг шахсий хоссаси эса биргаликдаги фаолиятнинг пировард натижаси ёки муваффақиятсизлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалда тўғри баҳоланади. Яхши ривожланмаган гуруҳда тескари манзара кузатилади. Унда синовчи ҳамкорликдаги фаолиятда муваффақиятга эришган ҳолда кўпинча ўз хизматларини таъкидлайдилар, муваффақиятсизлик юз берган ҳолда эса, аксинча, айбни бошқа кишиларга ёки ҳеч бўлмаса, “Объектив ҳолатларга” юклашга уринадилар. Бундай гуруҳда маъсулият юклаш ходисалари асосан баҳоланадиган субъектнинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан белгиланади, деб фараз қилиш мумкин. Бу эса Ғарбдаги социал-психологлар томонидан тажриба билан аниқланган ва умуман, кичик гуруҳлар таърифига тааллуқли деб ноҳақ хулоса қилинган ўша қонуниятлар ва боғланишлар намоён бўладиган соҳадир.

Реал тарзда бажарилган ва социал баҳоланадиган фаолият жараёнида эришиладиган ютуқлар ва муваффақиятсизликлар учун маъсулиятнинг қайд этилишидаги ҳар ҳиллик гуруҳда можаролар келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳамма жойда ҳам биргаликдаги фаолият иштирокчилари ўзларининг умумий ишга қўшган хиссаларини объектив равишда баҳолашга қадар бўлмаганликлари сабабли, уларнинг баҳолари ҳеч шубҳасиз субъектив руҳда бўлади. Жамоанинг субъективизм ҳолларига тўсқинлик қилувчи маънавий кучлари жамоа аъзоларининг барча аъзолари томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидалар асосида “ўз айбини бировга тўнкамаслик” эришилган ютуқни ўзингники қилиб олмаслик, умумий муваффақиятларга эришилганида бошқаларнинг роли ва аҳамиятини камситмаслик, “объектив ҳолатларга” ишора қилмаслик ва ҳоказолар ана шундай қоидалар жумласига киради.

Жамоада пешқадам ўз ўртоқлари қаршисида таҳлил қилиш ва эришиш учун намунага айланиб қолаётган шахсий фазилат соҳиби сифатида намоён бўлади. Бундай пешқадам шахсига мансуб фазилатлар мазкур ёшдаги гуруҳда қабул қилинган ва тан олинадиган кадрийатларга мос келади. Тажрибага кўра юқори синф ўқувчилари ўз тенгдошларига фақат шу ёшда алоҳида қимматга эга деб тан олинадиган фазилатлардан эмас, балки уларнинг ўзларида суст ривожланган ёки умуман, мавжуд бўлмаган фазилатлардан келиб чиққан ҳолда ҳам баҳо берадилар. Бу хилдаги фазилатларга эга бўлган тенгдошларнинг таъсири анча кучли бўлади ва улар обрў-эътибор қозониш учун жамоада пешқадамликка эришишда кўпгина асосга эгадир.

Жамоани айнан бир хил қилиш – бу хатти-ҳаракатларга ундовчи майлларнинг алоҳида бир хусусияти бўлиб, унда субъект маънавий принципларга таянган ҳолда жамоанинг бошқа барча аъзоларига, ўзига, ўз жамоасидаги бошқа барча кишиларга бўлганидек муносабатда бўлади. Жамоадаги бир хиллилик шароитида “мен” ва “улар” деган зиддият “биз” деган тушунча орқали барҳам топади.

Жамоани айнан бир хил қилиш альтрустик тарзда ёппасига яхшилик қилишдан ҳам ва теварак-атрофдагиларга нисбатан худбинларча истеъмолчилик муносабатидан ҳам баб-баровар воз кечишни тақозо этади. Инсонпарварлик, тенгдошига нисбатан талабчанлик кўрсатиш билан бирга унга ғамхўрлик қилиш - жамоатчиликка асосланган ўзаро муносабатлар мезонидир. Шахснинг ҳар томонлама ва уйғун вояга етиши учун қулайлик туғдирадиган психологик муҳит ана шундай пайдо бўлади.

Тингловчилар ахлоқини ижобий томонга ўзгартириш, уларга ижобий таъсир этиш ва тарбиясини яхшилаш борасида ўзига ҳос муаммолар мавжуд. Тингловчилар ва улар ўртасидаги ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал этиш кўпроқ улар таълим олаётган муҳит ва шахслараро муносабат тизимида боғлиқ эканлиги барчага маълум.

## 2-§ Таълим олаётганлар билан бўладиган ўзаро педагогик мулоқатнинг психологик асослари

Инсон ўз фаолияти жараёнида бошқа одамлар билан мулоқотда бўлишига тўғри келади. Бунда одамлар ахборот алмашадилар, бир-бирларига узлуксиз таъсир кўрсатадилар, таълим берадилар, тажриба алмашадилар.

Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг зарурий, муҳим жиҳатидир. Айнан мулоқот жараёнида ва фақат у орқали инсоннинг моҳияти намоён бўлади, ўзаро тушунишга, ишни бажариш чоғида уйғунликка эришилади, у ёки бу ҳолатларда бир-бирларининг хатти-ҳаракатларини башорат қилиш қобилияти ўсади ёки аксинча, низолар ва ахлоқий зиддиятлар, ишда келишмовчиликлар юзага келади, мулоқотдаги шеригининг хатти-ҳаракатини олдиндан кўришга қобилиятсизлик намоён бўлади.

Мулоқот ёки коммуникация – одамларнинг ўзаро ҳамкорлик шакллари билан бири. Мулоқот одамларнинг воқеликни ақс этириши натижасини ифодаловчи хабарлар алмашиш жараёни бўлиб, улар ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ҳамда уларнинг индивидуал ва ижтимоий онги шаклланиши ва амал қилишининг воситасидир. Мулоқот ёрдамида одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида мақсадли ҳамкорлигини ташкил этиш, тажриба алмашиш, меҳнат ва турмуш кўникмаларини олиш, маънавий эҳтиёжларни намоён этиш ва қондириш юз беради.

**Психологияда мулоқот деганда нима тушунилади?** *Мулоқот психологик жиҳатдан у ёки бу тарзда бир-бирлари билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасида у ёки бу воситалар орқали мақсадга мувофиқ, бевосита ёки билвосита алоқа ўрнатилиши ва сақлаб туриши жараёнидир<sup>1</sup>. Ушбу алоқани амалга ошириш ҳамкорликдаги (жамоавий) фаолиятнинг боришини у ёки бу кўрсаткичлар бўйича «индивидуал» фаолиятларни мувофиқлаштириш ҳисобига ўзгартириш ёки аксинча, функциялар тақсимооти ҳисобига жамоавий ёки «индивидуал», аммо ижтимоий воситали фаолият жараёнида алоҳида шахснинг*

---

<sup>1</sup> Бодалёв А А Общение как объект психологического исследования // Методологические проблемы в социальной психологии. – М., 1995. – С. 116.

шаклланиши ва ўзгаришига мақсадга йўналган таъсир кўрсатишга имкон беради.

Мулоқот соҳасида ишловчи мутахассислар ушбу жараёни самарадорлигини оширишга имкон берадиган энг муҳим хислатлардан бири бошқа одамларни тинглай олишдир, деб ҳисоблайдилар. Сиз ҳамсуҳбатингизни диққат билан тинглаганингизда ўзингизни унинг гапларига қизиқишингизни намойиш этасиз, унга нисбатан ҳурматингизни намоён этасиз. Бу эса психологик алоқа ўрнатишни енгиллаштиришга албатта ёрдам беради. Бирор бир фуқаро ички ишлар органи ходимига мурожаат этганда сўзларини диққат билан эшитишларини, унинг муаммоларини тушунишларини ва уни ҳал этишга ёрдам беришларини кутади. Унинг сўзларини бундай тинглаш қобилияти ходимга кишини ўзига мойил қилиш, мулоқотнинг дастлабки босқичида бўлиши муқаррар бўлган психологик зўриқишни бартараф этишга имкон беради.

Ҳар қандай фаолият тури каби мулоқот ҳам ўзига хос психологик тузилишга эга. Ҳар қандай мулоқотнинг қуйидаги мажбурий элементлари мавжуд:

– мулоқотнинг *коммуникатив томони* шахслараро муносабат жараёнида индивидлар ўртасидаги ахборот алмашуви;

– *мулоқотнинг аффектив томони* – берилаётган ва қабул қилинаётган ахборотга нисбатан ўз ҳиссий муносабатини намоён этиш, ҳамсуҳбатнинг ҳис-туйғуларига кириб бориш;

– мулоқотнинг *перцептив томони* шахслараро муносабат ва унинг асосида уларнинг бир-бирини тушуниши шерикларнинг бир-бирларини идрок этишлари жараёнида амалга ошадиган.

Ҳар қандай ахборот фақат белгилар, аниқроғи белгилар тизими орқали берилиши мумкин. Коммуникатив жараёнда фойдаланиладиган бир қанча белгилар тизими мавжуд бўлиб, ҳолда мулоқот жараёнида фойдаланиладиган воситаларни уларга мос таснифлаш мумкин.

Мулоқот нутқий (белгилар тизими сифатида нутқдан фойдаланилади) ва нутқсиз (турли нутқсиз белгилар тизимидан фойдаланилади) воситаларга ажратилади.

**Нутқий мулоқот воситаси** энг универсал алоқа воситаси бўлган инсон нутқидир. Чунки нутқ ёрдамида ахборот бериш чоғида хабар мазмуни энг кам даражада йўкотилади. Нутқ – вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёни. Нутқнинг *ёзма ва оғзаки* турлари мавжуд. Оғзаки нутқ *диалогик* ва *монологик* нутқларга бўлинади. Диалог – бирон масалани биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этаётган суҳбатдошларнинг сўзлашуви. Монологда эса бир одам уни тинглаётган бошқа одамга ёки кўплаб бошқа одамларга қарата нутқ сўзлайди.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида мулоқотнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатлар тузишда ўз фикрини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишга боғлиқ.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса **мулоқотнинг** бошқа – *нутқсиз воситаларини* қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига имо-ишора ва мимика киради. *Мимика* – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахс, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, аҳволидан дарак бериши мумкин.


Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кировчи бошқа гуруҳни воқаллаштириш тизими, яъни *овоз сифати*, унинг диапазони, оҳангдошлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг



аҳамиятини оширади ва нутққа қўшилган ўзига хос «кўшимча» вазифасини бажаради.

Психологик алоқа ўрнатиш мулоқотнинг керакли йўналишида ривожланиши ва белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи шароитларни яратишга қаратилган мақсадга йўналтирилган, режаслаштириладиган фаолиятдир.

Психологик алоқа ўрнатишда мулоқот ривожланиши умумий жараёнининг бир қисмини қамраб олувчи бир неча босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин.



### **3-§ Педагогик жараёнда низоларнинг олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг йўл-йўриқлари**

Ҳозирги кунда низоларни самарали бартараф этиш педагогик жамоадаги психологик муҳитни эмоционал яхшилаш, ҳамкорликда ишлаш самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Жамоа билан ишлаш шароитида самарали натижаларга эришиш ўқитувчи ва таълим оловчи фаолиятини тўғри бошқариш асосида жамоада маънавий-ахлоқий муҳит яратишни тақозо этмоқда.

Низоларнинг бузғунчилик оқибатини муваффақиятли ҳал этиш уларни атрофлича ўрганишни талаб этади. Бунга эса жамоанинг юқори даражада ривожланганлиги ва илиқ ижтимоий психологик муҳитга эга бўлиши орқали эришилади.

Низо ҳақидаги дстлабки концепциялар XIX-XX асрларда вужудга келиб, асосий низо ва унинг ечимларини топиш йўллари бўйича қўйилган қадамлар ўтган асрнинг охирларида салмоқли ўрин эгаллади.

Психология ва ижтимоий психология соҳасида рус олимлари В.О.Агеев (1990), А.А.Бодалев (1983), В.И.Журавлев (1983), Н.Н.Обозов (1979), И.А.Кох (1997), Я.А.Анцупов, А.И.Шипилов (2000), Ф.М.Бородкин (1989), А.К.Зайцев (1992, 1993), А.Г.Здравомислов (1995) ва шу кабиларнинг тадқиқотларида низонинг назарий асослари ёритилган.

Низо (лот. “тўқнашиш”) – мақсад, қизиқиш, нуқтаи назарлар, фикрлар, қарашлар бўйича кишиларнинг бир-бирига таъсири қарама-қарши йўналишлар бўйича тўқнашувларидан иборат.

Ҳар қандай низонинг асосида қайсидир маънода мақсад ва манфаатлар ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршилиқлар ётади.

Жамоадаги низонинг табиатини ёритишдан олдин унинг икки ўзига хос жиҳатини инобатга олишга тўғри келади. Унинг биринчиси – низо ва иккинчиси – низоли вазиятдир. Кўпгина адабиётлар таҳлили асосида низо билан низоли вазиятни ажратиб турувчи қуйидаги формулани эътиборга олиш муҳим деб ҳисоблаймиз:

**Низо + муаммо + низоли вазият + низо иштирокчилари + инцидент.**

Бундан кўриниб турибдики, низо, низоли вазият ва у билан боғлиқ бошқа бир қатор аҳамиятга эга элементларни бирлаштиришнинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Педагогик жамоадаги низоларни таҳлил этиш ва уни ҳал этиш зарурат туғилганда, низо таркибидаги ҳар бир элементнинг ўрнини аниқ баҳолашга тўғри келади. Низоларнинг вужудга келиши ва унинг олдини олишда юқорида тақдим қилинган формулага алоҳида эътибор қаратиш маъқул.

Психологик муҳит гуруҳ манфаатларини қондириш, шахслараро ва гуруҳ ўртасидаги низоларни ҳал этишда амалга ошириладиган мулоқотда вужудга келади ва намоён бўлади.

Шу боис ушбу муносабатлар фарқли хусусиятга эга бўлиб, улар баъзан дўстона, ҳамкорлик кўринишда, мусобақа ёки рақобат, ҳамжиҳатлик ёки уялтириш, кўполлик ёки онгли тартиб-интизом тарзида кўзга ташланади.

Психологик адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, таълим олувчиларнинг бир-бирига ўзаро таъсири кўпчилик ҳолларда тўртта асосий таъсир кўрсатиш усули орқали амалга оширилади: эътиқод, тақлид, таъсир, мажбурлаш.

Таъкидлаб ўтилган усуллардан ҳам маълумки, педагогик жамоада ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир шаклларида ҳам улар ўз аксини топиши табиий. Чунки баъзи ҳолларда, ўқитувчи томонидан топшириқ ва вазифаларни таълим олувчиларнинг дунёқарашига мос келиш-келмаслигига қараб берилиши низоли ҳолатларни вужудга келтириши табиий. Агар ўқитувчи педагогик жамоада етарли мавқега эга бўлса, бундай шароитда бериладиган вазифа ва топшириқларнинг бажарилиш тартиби таъсир кўрсатишнинг эътиқод даражасини намоён қилиши мумкин. Ишонч ва нуфузнинг йўқолиши, етказилаётган маълумотларнинг тўлиқ ва аниқлиги, мулоқот жараёнида шубҳанинг пайдо бўлиши ва бошқалар ҳам жамоада айнан низоли вазиятларнинг кечишига замин ҳозирлайди.


Ўтказилган махсус тадқиқотлар низо тўғрисидаги одатий тасаввурларнинг салбий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади. М. Дойчнинг

ишларида низолар назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларни икки турга ажратади: **деструктив** ва **продуктив**.

**Деструктив** низони аниқлаш кундалик тасаввурлар билан мос келади. Айнан бу типдаги низо ўзаро таъсирда хилма-хиллик ва фикрлар бузилишига олиб келади. Деструктив низо кўпинча бирор-бир сабабсиз ҳолда шахснинг стрессга тушиши натижасида юзага келади. Ўзига хос белгиларни низо содир бўлишига қизиқувчилар сонининг ортиши, уларнинг низоли ҳаракатлари, бир-бирларига нисбатан салбий қарашнинг мавжудлиги ва билдирилаётган фикрларнинг кескинлиги намоён этади. Унинг бошқа бир белгиси сифатида низода оппонентнинг сифат ва хислатларини, ўзаро таъсир вазиятларини нотўғри идрок этиши ва шерикларга ишончнинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши назарда тутилади. Бу типдаги низоларни ҳал этиш анча мураккаб бўлиб, ягона йўли анча қийинчилик билан эришиладиган муроса ҳисобланади.

Муаммо ва унинг ечими юзасидан нуқтаи назарлардаги фарқлар ва шахслар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг йўқлиги келтириб чиқаради. Бундай ҳолда низо муаммони атрофлича тушуниш, шериклар мотивациясини, бошқа нуқтаи назарларни ҳимоялашни тақозо этади.

Биз низоларнинг психологик таҳлили асосида қуйидаги таркибий кўринишга эга эканлигини кўриш мумкин:



келтирилган чизмадан фойдаланиб, низонинг қуйидаги функциялари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Низо ўз моҳиятига кўра ижтимоий ходисадир. Низо кенг маънода ва тор маънода тушунилади. *Низо* кенг маънода жамиятдаги янги ва эски қарашлар ўртасидаги кураш деб қаралади. *Низо* тор маънода бир муаммони

ечишда ҳар бир шахснинг ўз фикрини қаттиқ туриб химоя қилишни билдиради.

Низо ижтимоий психологияда қандай тушунилади? У муомаланинг бузилиши ёки психологик жиҳатдан ички руҳий келишмовчиликдир. Буни ҳар соҳа олимлари ҳар хил тушунадилар. Масалан, Г.Ковалев низога шундай таъриф беради: "Низо инсонлар ўртасида ижтимоий ва шахсий масалаларни ҳал қилишда вужудга келадиган ҳолат, лекин ҳар қандай қаршилик низо бўлавермайди. Одамлар бир-бирининг фикри билан келишмаслиги ва ўзаро баҳслашиши мумкин, ҳар бири ўз фикрида қолади, лекин барибир кўп ҳолларда келишиб ишлашга мажбур бўлади, қарама-қаршилик баъзан ёқтирмаслик, ҳиссиёт, тушунмаслик, кўра олмаслик ва бошқаларда акс этиб, низонинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Низо нафақат қарама - қаршилик, шунингдек ўзига хос курашиш ҳамдир. Ҳар икки томон ҳам бундай ҳолатда ўзини ҳақ деб билади ва ўзаро курашади. Низо бу қарама-қарши дунёқарашлар негизида юзага келади. Низони албатта, ўз вақтида бартараф этиш керак, чунки бунинг оқибатида ҳаёт меъёрида давом этмайди. Юқорида айтиб ўтганимизни таҳлил қилиб психологик нуқтаи назардан биз шундай таъриф берамиз: "Низо – шахсларнинг қарашлари, қизиқишлари ўртасидаги қарама-қаршилик натижасида вужудга келган психологик ҳолат бўлиб, бу уларнинг фақат бир-бири билан ҳамкорлиги жараёнида пайдо бўлади”.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органларида педагогик жараённинг ижтимоий-психологик муаммолари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ўқув жамоасидаги асосий ижтимоий-психологик ходисалар ва педагогик жараёнда уларни ҳисобга олиш ҳақида сўзлаб беринг.
3. Гуруҳнинг мақсади, мотивлари, жамоатчилик фикри нима?
4. Ички ишлар органлари жамоасида социометрик усулни қўллашга изоҳ беринг.
5. Педагогик таъсир этиш усуллари ҳақида сўзлаб беринг.

6. Ички ишлар органлари жамоасида ташкил этилган педагогик жараёнда ҳамкорлик қилиш усули ҳақида сўзлаб беринг.
7. Педагогик жараёндаги низолар ва педагогик зиддиятларга таъриф беринг.
8. Педагогик зиддиятларнинг сабаблари ва уларнинг хилма-хиллиги деганда нимани тушунасиз?
9. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик фаолиятда зиддиятларни олдини олиш ва уларни бартараф қилиш усулларига изоҳ беринг.
10. Ички ишлар органлари жамоасида педагогик мулоқотни тўғри ташкил қилиш ва психологик-педагогик такт деганда нимани тушунасиз?
11. Педагогик жараёнда ижтимоий-психологик муаммолар ҳақида сўзлаб беринг.
12. Ўқув жамоасига психологик таъриф беринг.
13. Ўқув жамоасини ўрганишнинг психологик усулларига нималар киради?
14. Таълим олаётганларга педагогик-психологик таъсир этиш тўғрисида сўзлаб беринг.
15. Педагогик низоларнинг турлари ва сабабларини тушунтиринг.

## **5-мавзу. Таълимда психологик тайёргарликни шакллантириш**

### **1. Таълимда психологик тайёргарлик тушунчаси ва уни шакллантириш шарт-шароитлари.**

Таълим жараёнини ташкиллаштиришни ўқитувчи амалга оширади.

Республикамиз ҳукумати таълим соҳасида ўртага қуяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шариотида таълим-тарбиядан кўзда тутилган мақсадга эришиш, ўқитувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодга таълим бериш, тарбиялаш сифатини оширишга ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Қуйидагилар ўқитишнинг асосий дидактик вазифалари ҳисобланади:

- тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш;
- таълим олувчиларда ижобий ўқиш мотивларини шакллантириш ва уларнинг ижодий имкониятларини ўстириш орқали ўқишга қизиқиш уйғотиш;
- таълим олувчиларга ишларнинг турли хил усуллари ва ўқув материалларини тизимлаштирган ҳолда изоҳлаб бериш;
- ўқитувчиларнинг методик усуллар ва оқилона воситалардан кенг маънода фойдаланиши;
- таълим олувчиларда мустақил билим олиш, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда касбий маҳоратларини такомиллаштириш;
- тингловчи ва курсантларнинг тайёргарлик даражасини текшириш, уларнинг билим, кўникма, малака ва касбий сифатларини баҳолаш.

**Ўқитишнинг асосий дидактик мақсади.** Таълим олувчиларнинг ўқиш-билим олиш фаолиятини бошқаришдан иборат ва мақсадга эришиш учун ўқитувчи ўзининг фаолиятини босқичма-босқич амалга оширади.

**Ўқитиш** - бу ўқитувчининг кўп қиррали, босқичма-босқич касбий педагогик фаолиятидир. Унга ўқитувчининг *конструктив, ташкилотчилик, тадқиқотчилик, коммуникатив ва гностик* каби турли-туман фаолияти киради:

**Конструктив фаолият** самарали ишлаши учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши керак:

– ўқув предметининг ҳар бир мавзуси оптимал мазмун, вақт ҳамда саволлар бўйича аниқ, мантиқий тақсимланиши;

– машғулотда ўз ҳаракатининг кетма-кет ва тизимлилигини қайта кўриб чиқиш, шунингдек ҳар бир машғулотни ўтказиш учун режа асосида (ишчи режа) сценарий тузиш;

– таълим олувчиларнинг машғулотга муносабатини белгилаш (барча ўқув гуруҳлари ва айрим тингловчилар): кимни чақириш, нимани сўраш, кимга қандай муаммолар қўйишни билиш ва ҳоказо;

– ўқитувчи ўз фаолиятида машғулотдаги мавжуд қийинчиликларга олдиндан кўзи етиши (машғулотга ўқув гуруҳининг тайёр эмаслиги, тингловчи, курсантлар ва бошқаларнинг сифатли ишлар учун меъёрий ҳужжатлар, адабиётлар ҳамда тарқатма материалларнинг етишмаслиги) ва ушбу ҳолатдан чиқиш йўллари излаш;

Ўқитувчининг **ташкилотчилик фаолияти** қуйидагиларда намоён бўлади:

– ҳар бир машғулотни ўтказишда ҳар қандай тўсикқа қарамай, ўзининг олдиндан ўйлаб қўйган режасини амалда жорий этиш;

– таълим олувчиларни машғулотларда узлуксиз бошқариб туриш ва уларда ҳар доим ўқув материалларини идрок қилишлари учун қизиқиш уйғотиш;

– тингловчиларда дарсдан ташқари вақтларда турли хил ўқув-тарбиявий ишларни ўтказиш ва ташкиллаштириш шакллари танлаш.

**Тадқиқот фаолияти** қуйидагиларни ўз ичига олади:



– мақсадли шакллар, самарали усуллар, оқилона услублар ва ўқитиш воситаларининг амалиётга қаратилган янги ижодий йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– ички ишлар органлари амалиётидаги илғор тажрибалар ва фаннинг замонавий ютуқларини машғулот мазмунида акс эттириш;

– ўқув тарбиявий жараёнида педагог-новаторлар ва ўз жамоасининг илғор педагогик тажрибаларини татбиқ этиш;

– ўқув ва илмий тадқиқот ишларини моҳирлик билан бошқариш.

**Коммуникатив фаолияти** - ўқув-тарбиявий жараёнда ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро муносабати қуйидагича изоҳланади:

– ўқитувчи нутқининг машғулотларда ҳамиша таълим олувчиларга қаратилган бўлиши;

– ўқитувчи янги сабоқни тушунтираётган, тингловчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки танқид қилаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қаратилганиги билан ажралиб туриши;

– ҳар бир тингловчига индивидуал йўл топиши ва улар билан ҳамкорлик даражасида ишончли муносабат ўрнатиши;

– педагогик жамоадаги жамоадoshлар ва тингловчилар билан мулоқотда педагогик ритмни кузатиш.

**Ўқитувчининг гностик фаолияти** қуйидагиларни кўриб чиқади:

– тингловчиларни ўрганиш;

– тингловчиларни ўрганиш учун педагогика ва психологиянинг тавсия қилинган восита ва услублари, усуллари, шаклларининг мазмунини ёритиш;

– ўз билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида педагогик фаолият ва шахсиятининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш.

Ўқитувчиларнинг юқорида кўрсатилган барча турдаги педагогик фаолияти *дидактик (таълим олувчи), тарбиявий, ташкилотчилик, ўқув-услубий, ўқув-тадқиқот, ижтимоий-педагогик* вазифалар орқали жорий

этилади. Бу вазифалар ички ишлар органлари учун олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш жараёнида таълим ва тарбия тамойилларини жорий этиш бўйича ўқитувчиларнинг ишлаш технологиясини тавсифлайди.

Ўқитувчи ўзининг педагогик вазифаларини бажаришда ўқув материаллар турларини тизимлаштириш учун мақсадли шакллар, самарли усуллар, оқилона услублар ва таълимнинг кенгроқ мақсадга йўналтирилган воситаларидан фойдаланади. Шундай қилиб у таълим олувчиларни ўқув материални қабул қилишга тайёрлайди, уларни тўлиқ мутахассислик ва ўқув фанларига касбий қизиқиши ва билиш фаоллигини ривожлантиради. Бир вақтнинг ўзида ўқитувчи тингловчи ва курсантларнинг мустақил равишда билимларга эришишларини, шунингдек, олдиларида турган касбий фаолиятдаги кўникма ва малакаларни эгаллашга ўргатади. У таълим олувчиларнинг ишларини таҳлил қилади, ўзининг педагогик фаолияти натижаларини танқидий баҳолайди ва дастурий материалларни ўзлаштиришни текширишни амалга оширади.

Бу комплекс ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этишда ўқитувчи ўқув-тарбиявий жараёнда, ташкилотчи ва тарбиячи, педагог сифатида намоён бўлади.

Ўқитувчи, таълим олувчиларни билимларни босқичма-босқич ўзлаштиришни, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришларини ўқитиш жараёнида амалга оширади.

**Билим** психологик нуқтаи назардан-бу инсон онгида объектив олам, унинг тасвирий образлари, тушунча ва улар шаклларининг акс эттирилишидир.

Педагогик билимларни ўзаро боғлиқ фактлар, тушунчалар тизими, назарий муносабат, формулалар, қонунлар ва илмий назариялар сифатида аниқланади.

**Билимларни ўзлаштириш** ўқитувчи томонидан таълим фаолиятини ташкил этишдир, психологик билиш жараёнлари биринчи навбатда, хотира, тафаккур, тасаввур ва ҳаёлга таянади. Шундан кўриниб турибдики, таълим жараёнига билишнинг барча уч даражаси тааллуқлидир: *ҳиссий идрок, мавҳум*

*тафаккур ва амалиёт.* Бу ерда билимларни ўзлаштиришнинг асосий босқичи сифатида намоён бўлади:

а) *ўқув материални идрок этиши* (визуал ва эшиттириш орқали) шу билан бирга, ўқитувчилар томонидан турли хил кўргазма қуроллар-предметлар, тасвирий, сўз-образли ва амалий тасвирлар ҳисобига чуқур идрок этишга эришилади;

б) *ўқув материални англаш* (олинган маълумотларни қайта ишлаш). Бу жараён ўқитувчи томонидан уч босқичда амалга оширилади:

– олдинги ўқув материални мантиқий боғлашни таъминловчи янги маълумотларни аниқлаш тизими;

– номаълум ўқув материалларини ўзлаштирилган, маълум материаллар билан боғлаш;

– ўрганилаётган материалда предметлараро, ички предметлараро ва мавзулараро алоқалар ўрнатиш:

в) ўқув материални эсда олиб қолиш. (қайта ишланган маълумотларни хотирада сақлаш). Ўқитилаётган ҳар бир мавзу ва фан юзасидан ўқитувчининг дидактик саводхонлик установақасидан мувафакқиятли ўтади. Бунинг учун ўқитувчи таълим олаётганларнинг билиш фаолиятини қуйидаги йўллар орқали узлуксиз фаоллаштириб боради:

– ўқув материални эслаб қолишнинг қиёсий йўналиши (товуш пардасини ўзгартириш, даражасини пасайтириш, махсус иборалар ишлатиш; бу жуда муҳим; бу сизларга амалиётда керак бўлади; буни мустаҳкам эсда олиб қолиш);

– мазкур мавзуга, предметга алоқадор бўлган ёрқин мисоллар, далиллар, чуқур илмий асосланган амалий ҳаракатларни танлаш ҳисобига қизиқишлар сингдирилади.

Натижада таълим олаётганлар амалиётда синалган, фаолиятда натижаларга эришиш, тушунчалар моҳиятини тушуниш аниқ билимларни ўзлаштиришга эришилади.

г) *билимларни мустақкамлаш*. Бу билимларни ўзлаштиришнинг сўнгги босқичи бўлиб, унда ўқитувчи таълим олаётганларнинг эгаллаган билимларини амалиётда ишлатишни ўргатадилар, ўқиётганларда кўникма ва малакаларни шакллантиришни ташкил этадилар.

**Малака** психологларнинг фикрига кўра аналогик шароитларда бир операцияни бир неча маротаба такрорлаш йўли билан ҳосил қилинган, автоматлаштирилган онгли ҳаракатлар компоненти ҳисобланади.

Педагогика малакани кўп маротаба такрорлаш орқали аниқлайди: укувлар, маълум фаолият жараёнининг автоматлашувида юз беради. Ўқитувчи малакани қайта ишлаш учун машғулотларда турли усулларни қўллайди. Улардан асосийси машқлар ҳисобланади. Малаканинг ички кўринишини бири-бири билан чамбарчас боғланган физиологик ва психик жараёнлар, яъни малакали мутахассис тез, аниқ ва эркин ҳаракатлар бажаришда ташқи томондан намоён бўлади.

Малакалар икки – *оддий* ва *мураккаб* кўринишда бўлади.

Малакани ички кўринишдаги боғлиқлик турларидан ташқари, оддий малакалар қуйидаги кўринишларига ажратилади.

ҳиссий (сенсор)

интеллектуал (ақлий)

ҳаракатли (мотор)

Мураккаб малакалар бир неча содда малакалардан ташкил топади. Кўпгина малакалар ўзлаштирилган билимлар асосида шаклланади, кейинчалик эса оддий укувларни қўллаш орқали эришилади.

**Уқувлар** психологларнинг фикрига кўра руҳий таълим бўлиб, амалий вазифаларни ҳал этишда билимлардан тўғри фойдаланиш ва уларни умумлаштириш ҳаракатлари билан ифодаланади.

Педагогик нуқтаи назарда укув эгалланган билимлар асосида турли шароитларда оқилона усуллардан фойдаланиб, сифатли ва муваффақиятли ҳаракат қилишни ифодалайди.

Таълим жараёнида таълим олаётганларда укувларнинг икки – *оддий* ва *мураккаб* кўриниши шаклланади.

Оддий укувлар муайян операцияларни бажаришда тўғридан-тўғри билимлардан фойдаланишни назарда тутаяди, масалан: ускуналарни кетма-кет ишлашни ўзгартириш, қуролни бўлакларга бўлиш ва йиғишнинг оддий ҳаракатларини бажариш укуви.

Мураккаб укувлар турли шаклдаги ўзгарувчан вазиятларда ижодий ва энг мақбул билим ва кўникмалардан фойдаланишни талаб этади. Мураккаб укув сифатида оператив вазиятни баҳолаш ва бошқарув қарорлари қабул қилишда намоён бўлади.

Шундай қилиб, таълим берувчи мутахассисларни тайёрлаш, тингловчиларни юқори поғоналарга етаклайди: билимсизликдан-билимга, билмагандан-билишга. Бир вақтнинг ўзида ҳар бир таълим берувчи таълим олаётганларга таъсир этиш жараёнида ички ишлар орган ходимларига хос бўлган ижобий сифатлар ва зарур касбий ишга оид сифатларни шакллантиради. Таълим берувчиларга таълим олаётганларнинг ўзлари мустақил билимларни эгаллаш, ўз-ўзини тарбиялаш бўйича катта ёрдам берадилар.

## **2. Таълим олаётганлар диққатига психологик тавсиф**

Таълим ўқиётганларнинг ўқитувчи раҳбарлиги остида малака ва кўникма ҳосил қилиш, мустақил билимларни эгаллашга қаратилган тизимли фаолиятидир.

**Диққат** - киши фаолиятининг барча турлари, энг аввало меҳнат ва ўқув фаолияти самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский “...диққат айнан шундай бир эшикки, жамики нарсаларнинг барчаси ташқи оламдан киши қалбига кириб келадиган шу эшик орқали киради”. – деб ёзган эди.

Диққат билиш жараёнларидан фарқли ўлароқ, ўзининг алоҳида мазмунига эга эмас, у барча билиш жараёнларининг жўшқин жихатидир.

Диққат индивиднинг хиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлигидир.

Диққат-сезги, хотира, тафаккур ҳаракат жараёнларида намоён бўлиши мумкин. Шу сабабли, диққатни бирор нарса ёки объектга қаратишга (идрок этиладиган буюм, хотира, тафаккур, ҳаракат тасаввурлари) боғлиқ намоён бўлишининг куйидаги: сенсор (перцептив) ақлий, ҳаракатлантирувчи шакллари ажратиб кўрсатадилар. Ҳозирги вақтда сенсор (кўриш ва эшитиш) диққати кўпроқ ўрганилган.

Ҳосил бўлиш хусусияти ва амал қилиш усулларига кўра диққатнинг куйидаги:

ихтиёрсиз диққат

ихтиёрий диққат

ихтиёрий диққатдан кейинги диққат турлари мавжуд.

*Ихтиёрсиз диққат* – кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади ва қўллаб-қувватланади. Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши жисмоний, психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади.

Диққатни кучли қўзғатувчилар баланд овоз, ёрқин нур ва бўёқ, кучли ҳид жалб этади.

Индивиднинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган ва унинг учун аҳамиятга эга бўлган қўзғатувчилар ихтиёрсиз диққатни қўзғайди. Ихтиёрсиз диққатда бевосита қизиқишнинг роли бениҳоя каттадир, шунингдек шахснинг умумий йўналганлигига ҳам боғлиқдир.

*Ихтиёрий* онгли равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган диққат эътибордир. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат замирида ҳосил бўлади.

Ихтиёрий диққатнинг олий тури меҳнат жараёнида таркиб топади.

Ихтиёрий диққатнинг вазифаси психик жараёнларнинг кечишини бошқариб туришдан иборатдир.

*Ихтиёрий диққатдан кейинги диққатни* алоҳида кўрсатиш мумкин. Бу тушунчани фанга психолог олим Н.Ф.Добринин киритган. Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат бирор нарсага узок вақт давомида жуда ҳам барқарор қаратилиши билан белгиланади, кўпроқ юқори даражадаги жадал ва унумли ақлий фаолиятни, барча турдаги меҳнатнинг юксак унумдорлигини асосли равишда ана шундай диққат тури билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Теварак-атроф боғлиқ товушлар ва ранглар, хидлар ва ҳарорат, микдор ва ўлчамлар ҳамда кўплаб бошқа нарсалар тўғрисида биз сезги органлари туфайли биламиз. Киши вужуди сезги аъзолари ёрдамида сезгилар шаклида ташқи ва ички муҳитнинг ҳолати ҳақида ранг-баранг ахборот олиб туради.

Таълим жараёнида таълим олаётганларнинг ҳар бирида индивидуал психик жараёнлар, яъни идрок, диққат, хотира, тасаввур, хаёл ва тафаккур намоён бўлади. Улар таълим олаётганларнинг билимларни ўзлаштириш фаоллигини аниқлайдилар. Шу билан бирга самарали билиш фаолияти билимларни ўзлаштириш жараёни билан касбий тафаккурнинг шаклланишини яқинлаштиради.

### **3-§ Таълим фаолиятига йўналтирувчи асосий турткининг психологик тавсифи**

Маълумки, таълим жараёнида режадаги машғулотлар (маъруза, мунозара, амалий ва лаборатория машғулотлари, уйин ва машқлар) давомида ўқув материални ўзлаштириш учун ўқишдан ташқари мустақил тайёргарликка махсус ажратилган вақт тингловчи ва курсантларнинг ўқув фаолиятида асосий ўрин тутди. Тингловчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолияти аудиториядан ташқари (кутубхона, ички ишлар органлари, отиш майдонлари, дала машғулот майдонлари ва бошқа жойларда) амалга оширилади.

## Мутахассисларни тайёрлаш босқичи

Тарбия	Ўқитиш	7. Касбий-психологик тайёргарлик	Таълим	Ўз-ўзини тарбиялаш
		6. Касбий-ишга оид сифатлар		
		5. Мураккаб укувлар		
		4. Мураккаб малакалар		
		3. Оддий малакалар		
		2. Оддий (бошланғич) укувлар		
		1. Билим		

**Таълимда Ватанга содиқлик тамойили** ижтимоий дидактик тамойил сифатида намоён бўлади. Унинг моҳиятини В.Г.Белинскийнинг сўзлари билан тасдиқлаш мумкин: ҳар бир одам энг аввало она Ватанининг фуқароси ҳисобланади.

Таълим ва тарбиянинг асосий мақсади – ёшларни ўз Ватанига содиқ, юксак маънавиятли ва ахлоқан пок қилиб шакллантиришга хизмат қилиши керак. Ваҳоланки, замонавий мутахассис, энг аввало юксак маданиятли, зиёли, ўз Ватанини ва халқини севадиган, унинг бахти ва гуллаб яшнашига бор куч-ғайратини сарф қиладиган инсондир.

Бу тамойил айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини тайёрлашда зарур ҳисобланади, чунки бу фаолият ижтимоийдир.

**Таълимда илмийлик тамойили.** Ушбу тамойил таълим олаётганларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мос келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришни таъминлашга қаратилган. Таълим берувчи исботланган ва тасдиқланган фикр ва мулоҳазаларни қатъий қўллаб-қувватлаши керак. Шундагина у ҳуқуқий тафаккурнинг ривожланиш мезонига мос келади.

Ушбу тамойилни жорий этиш ўқув даргоҳларини битирувчиларнинг амалий фаолиятида белгиланган тафаккур ривожланишига мос келади.



Таълим берувчининг ўқув материалларини исботлаб бериши таълим олаётганларда илмий фикрлаш, илмга ҳурмат, унга қизиқиш ва улардан ўзининг келгуси ишларида фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради.

Таълимда илмийлик тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади: *биринчидан*, ўрганилаётган воқеа ва ходисаларнинг ишончлилиги; *иккинчидан*, тингловчиларнинг қайта ишланган яхлит ва тугалланган дунёқараши, *учинчидан*, илмнинг замонавий ютуқларини акс эттириши; *тўртинчидан*, дарсни ташкил этиш педагогика ва психологиянинг замонавий талабларига мос келиши.

Илмийлик принципи таълим берувчи томонидан қуйидагича амалга оширилиши мумкин.

- ўз соҳасининг ривожланишига доир янги адабиётлар кузатиб бориш;
- илмий ишларда шахсан иштирок этиш;
- ўқитишнинг намунали шакллари ва усуллари, маърузанинг мазмуни ва ўрни ўзи методикаси, мавзулар режаларини сидқидилдан такомиллаштириш устида ишлаш орқали.

**Тарбияловчининг таълим тамойиллари.** Ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларига асосан таълим олаётганлар ўқиш давомида тарбияланади, тарбия орқали эса таълимда юқори натижаларга эришиш таъминланади.

Бу таълим тамойили тингловчини ҳар томонлама, комплекс тарбиялаш орқали амалга оширилади, яъни улар таълим жараёнида фуқаролик, ҳуқуқий, маънавий, эстетик, ватанпарварлик йўналишида ва жисмоний жиҳатдан тарбияланадилар. Шунингдек, уларда маънавий сифатлар ва иш фаолиятидаги юқори касбий маданият, қонунга итоат этиш ва масъулият ҳис этиш тарбияси, юқори ҳуқуқий онгни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим олаётганларни тарбиялаш ақлий ривожланиш билан узлуксиз боғлиқдир, унга мутахассис фаолиятини ўзига хос хусусиятларини ривожлантириш, унинг касбий қобилияти, тадбиркорлик сифатлари ва

бошқарувчанлиги, ижодий иқтидори ва қизиқишларини ўстириш орқали амалга оширилади.

Таълим олаётганларнинг ўқув материални узлуксиз, сидқидилдан ва астойдил ўзлаштириши натижасида меҳнатга, билимга чанқоқлик, иродавий сифатларни мунтазам равишда шакллантириш, ўзига нисбатан талабчанлик ва бошқарувчилик кўникмаларини шакллантириш орқали эришилади. Бирок бундай тарбиявий самарага ўқишни юқори даражада ташкил этиш ва баҳо қўйишда одилликка асосланиш ҳамда талабчанлик орқали эришилади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Таълим олаётганларни психик ҳолатлари муаммолари, уларни бошқариш ва ҳисобга олиш ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ҳиссий кечинмаларнинг таълим олаётганларнинг ўқиш фаолиятига таъсири нималарда акс этади?
3. Ўқиш ва аниқ машғулотларга тайёргарлик психологик тайёргарликнинг умумий ва вазиятли компонентлари деганда нимани тушунасиз?
4. Психологик жиҳатдан ўқишга тайёргарлик кўриш ҳақида тушунтириб беринг.
5. Таълим олаётганларни ўқув фаолиятининг турли вазиятларига психологик-педагогик жиҳатдан сафарбар қилиш ҳақида сўзлаб беринг.
6. Диққатни бошқариш ва йўналтириш ўқишга психологик тайёргарликни шакллантиришнинг асосий усулларидан бири эканлигига таъриф беринг.
7. Таълим олаётганлар диққатига психологик тавсиф беринг.
8. Диққатни бошқаришнинг йўллари ва усуллари ҳақида тушунтиринг.
9. Ўқишга ундовчи асосий сабабга (мотив) психологик тавсиф беринг.
10. Таълим олаётганларга таъсир этувчи сабаблар мажмуи нима?

## **6-мавзу: Таълим олаётганлар тафаккури ва хотирасида билимларни ўзлаштириш психологияси**

### **1. Билимни эгаллаш тушунчаси ва унинг психологик тавсифи**

Таълим жараёнининг натижаси ўзлаштириш, яъни ички ва ташқи фаолиятни мақсадга мувофиқ равишда ўзгартиришдир. Таълим бир шахснинг бошқа шахсга билим ва кўникмалар беришидир. Билим, кўникма ва малака таълим жараёнининг натижасидир. Билимларни ўзлаштириш жараёни муаммоси *П.Я.Гальперин* ва *Н.Ф.Тализина* томонидан ўрганилган. Улар ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясини ишлаб чиққанлар. Муаллифлар ақлий хатти-ҳаракатларни моддий ҳолда ташқи нутқ ёрдамида ҳамда ақлий шаклда, фикрда намоён бўлишини изоҳлаб бердилар. Ақлий хатти-ҳаракатларнинг **биринчи босқичи** расм, схема, диаграмма ва шартли белгилар тарзида ўз ифодасини топади. Ақлий хатти-ҳаракатларнинг **иккинчи босқичи** ўқувчиларнинг кўргазмалардан олган тасаввурлари тўғрисида овоз чиқариб, фикр юритишидан иборат. **Учинчи босқич** эса, субъект онгида тасаввур, тушунча, қонуният, хосса, хусусият, операция, усул тариқасида намоён бўлади. Маълумки, таълим олаётганларга таклиф этиладиган ахборот оқими ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, уларнинг эскиларини янгилаш кераклигини тақозо этади.

**Тўртинчи босқичда** бажарилган хатти-ҳаракатлар ички режада овоз чиқарилмай бажарилади.

**Бешинчи босқичда** эса фаолиятни фикран бажаришга ўтилади.

Бундан кўриниб турибдики, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга асосланадиган таълим ҳозирги талабларга қисман жавоб бермоқда. таълим олаётганларга ҳамisha янгиланиб турадиган ахборотни мустақил равишда ўзлаштириб боришига ва кейинги амалий фаолиятда жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан-техника тараққиётидан орқада қолмаслик учун тафаккурини бойитиш, янги сифат даражасида таркиб топтириш

муаммоси биринчи ўринга чиқмоқда. Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти қуйидагиларга, яъни:

таълим мазмуни;

ўқув режалари, дастурлари, дасрликлар ва ўқув қўлланмаларнинг

мавжудлигига;

таълим методикаларининг такомиллашганлиги;

таълим берувчининг маҳорати;

таълим олаётганларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятга эга бўлган таълим олаётганлар учун таълимнинг бир текис, қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муаммоли таълим, ноанъанавий таълим усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

### ***Мустақил тафаккурни ривожлантириш***

Таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятига кўра таълимнинг қуйидаги методлари ажратилади:

**1. Тушунтирув-кўрсатмалилик методи** – бу репродуктив метод бўлиб, унда фаолият таълим берувчи томонидан олиб борилади. Таълим олувчилар эса билим оладилар, мавзу мазмуни билан танишадилар.

Бу кенг тарқалган методлардан бири бўлиб, унинг такомиллаштирилган усуллари мавжуд. Бу – программалаштирилган таълимдир.

**2. Репродуктив методда** таълим олаётганлар фаолият кўрсатиб, унда берилаётган билимни хотирада қайта тиклаб, олинган билимни нусха сифатида қабул қилади.

**3. Муаммоли таълим методи** – таълим берувчи томонидан ташкил этилиб, у продуктив характерга эга. Ушбу метод орқали таълим олаётганлар билим ва малакаларини шакллантирадилар. Ушбу методни такомиллаштириш йўлларидадан бири ишга оид ўйинларни ташкил этишдан иборат.

**4. Қисман изланиш методи** таълим берувчининг назорати остида ташкил этиладиган бундай метод продуктив характерга эга, бунда ўқувчи ижод қилади.

**5. Тадқиқот методи** таълим берувчи илм ёрдамисиз ташкил этиладиган таълим методи бўлиб, у таълим олаётганларнинг мустақил изланиши, фикрлаши ва билимлари трансформациясини талаб этади.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос методларидан бири **ишга оид ўйинлардир**. Ишга оид ўйинлар муносабатлар тизимини моделлаштириш, фаолият характеристикасини ташкил этишга ёрдам беради.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида** таълим жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш таъкидланади. Педагогик технология - бу таълим жараёнига тизимли ёндашув бўлиб, унда таълим жараёнини ташкил этишда техника ва инсон имкониятлари ҳисобга олинади ва уларнинг ўзаро муносабати таълимнинг оптимал шакллари яратилишига замин бўлади.

Педагогик технологияларни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- таълим-тарбия иштирокчилари шахсига қўйиладиган ижтимоий талаблар;
- ҳамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги;
- таълим жараёнининг мақсади, мазмуни, моҳияти, амалга ошириш воситалари;
- таълим жараёнини табақалаштириш;
- ижодийлик.

Таълим жараёнида таълим олаётганларнинг мустақил таълим олишини фаоллаштириш зарур. Мустақил таълим масаланинг қўйилиши, уни ҳал қилиш ўзини ўзи назорат қилиш ва баҳолаш йўлларининг таълим олаётганлар томонидан танланиши ва бажарилиши билан тавсифланади.

Таълим олаётганларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш учун аввало уларнинг фикрлаш хусусиятини шакллантириш зарур. Фикрлаш операциялари асосида дарс жараёнида фаоллаштирилади. Бу таълим

берувчининг: «Нима учун?», «Қандай мақсадда?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволларининг муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин. Таълим берувчиларни эвристик, муаммоли вазиятларга тортиш, танқид, гумон ҳолатларини муҳокама қилиш, улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ечиш учун ўз лойиҳаларини тузиш ва ҳимоя қилиш таълим олаётганлар тафаккурининг мазмунли ва унумдор бўлишига хизмат қилади.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Шу боис билим билан биргаликда мустақил фикрлашни ўстиришнинг ғоят самарали бўлиши табиийдир.

Ҳозирги замон ўқув муассасаларининг вазифаси ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Албатта, фикрлашда ҳам индивидуал фарқлар мавжуд. Фикрлаш – инсон ақлининг ишга тушишидир.

Ақлнинг қуйидаги сифатларини ажратиш мумкин:

- мазмундорлик (фикрнинг бойлиги, чуқурлиги, ҳукмга бойлиги);
- фикрлашнинг кенглиги (кенг ва тор) ва чуқурлиги, назария ва амалиётнинг узвийлигига боғлиқдир, амалиёт ҳукмнинг тўғрилиги мезонидир;
- фикрлашнинг мустақиллиги – умумий тажрибани қўллай олиш, шахсий фикрга эга бўлиш, тажрибага муносабат билдириш;
- ақлнинг ташаббускорлиги;
- ақлнинг мослашувчанлиги, вазифани стандарт ечишдан қочиш;
- ақлнинг танқидийлиги, ўз ишини аниқ баҳолай олиш, уни ўлчаш;
- ақлнинг маҳсулдорлиги;
- фикрнинг кетма-кетлиги;
- тафаккурнинг тезлиги.

Ақл ҳақида айрим олимлар ва давлат арбоблари қуйидагича фикр билдирганлар. *"Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари йўлида улар ортидан эргашадилар"* (Вашингтон Ирвинг).

*"Ақл — бу яхши ташиқил этилган билимлар тизимидир»* (К.Д.Ушинский).

Юқорида айтиб ўтилган барча сифатлар ёш ўзгарган сари ўзгариб боради. Ижодий ишда фикрлашнинг мустақиллиги ва танқидийлиги зарур бўлиб, у ақлий фаолиятнинг маҳсулдорлигини таъминлайди.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш билимларни ўзлаштирибгина қолмай хилма-хил кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар.

Кўникма - машқ қилиш натижасида юзага келган хатти-ҳаракатларнинг автоматлашган усули. Физиологик жиҳатдан кўникма бош миянинг катта ярим шарлари пўстлоғида ҳосил бўлиб, вақтинчалик асаб тугунлари барқарор тизимининг функциясини таъминлайди. Динамик қолипларни стереотипларни яратиш шароитлари бир вақтнинг ўзида автоматлашган акт билан мураккаб аналитик-синтетик фаолиятни юзага келтиради. Бунинг натижасида нафақат кўникмалар, балки малака ҳам юзага келади.

Малака – қўйилган мақсад ва хатти-ҳаракат шароитидан келиб чиқадиган самарали ҳаракатлар усулидир. Малака хатти-ҳаракатнинг мақсади ва аниқ шарт-шароитларига тегишли бўлган ҳолда доимо унга таянади. Одам ишни қанчалик яхши билса, уни шунчалик малакали амалга оширади ва ундан фойдаланади.

Кўникма ва малака хатти-ҳаракат услуби сифатида маълум фаолият турига қараб ишлаб чиқариш, ўқув, ижтимоий, спорт, ташкилий, техник фаолият, илмий фаолият, санъат ва бошқа соҳаларда акс этади. Лекин, барча фаолият турларида қўлланиладиган кўникма ва малакалар мавжуд: булар - ҳаракат, сенсор, ақлий кўникма ва малакалардир. Ҳаракат кўникмаларига жисмоний меҳнат, спорт ва ўқув кўникмалари (хат ёзиш, тез ўқиш ва ҳоказо) киради.

Сенсор кўникма ва малакаларга ўлчов, ёруғлик, овоз ва рамзий маълумотларни тез ва тўғри қабул қилиш ва бошқариш марказларида такрорлаш ҳаракатлари билан боғлиқ.

Ақлий кўникма ва малакаларга — кузатиш усуллари, малакани ривожлантириш, оғзаки ва ёзма ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш, ҳаракатга

йўналтириш, китоб билан ишлаш, архив материалларини йиғиш, илмий тажриба ўтказиш ва ҳоказолар киради. Кўникмалар машқ натижасида юзага келади, яъни бунда мақсад сари йўналтирилган (доимий) қайтариш уни мустаҳкамлайди.

Инсон эгаллаган кўникма ва малакалар бошқа янги кўникма ва малакаларни шакллантиришига таъсир кўрсатади.

Қонуниятлар:

1) кўникма ҳосил бўлишининг нотекис жараёни. Бу машқларнинг эгри жадвалида намоён бўлади;

2) кўникмаларнинг кўчиши. Ижобий кўникмаларнинг янгиларини шаклланишига таъсири кўчиш дейилади. Кўникмалардаги салбий таъсир эса интерференция деб аталади, бунда эски кўникма янгисининг шаклланишига халақит беради;

3) кўникманинг прогрессив ва регрессив томони - кўникма узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун ундан фойдаланиш лозим. Акс ҳолда вазият ўзгариб зарур ҳаракатлар ўз тезлиги, янгиллиги, аниқлиги ва автоматлаштирилган ҳаракатларни таъминловчи хусусиятларини йўқотади.

Одатлар – бу шундай хатти-ҳаракатларки, улар ўз-ўзидан, автоматик тарзда юз беради. Одатларни инсоннинг маданий ва алоқий ҳулқидаги аҳамияти катта.

Таълим бошқариладиган жараёни бўлиб, бунда ҳар бир таълим олаётганнинг ҳаракати қадамба-қадам назорат қилинади, таълим берувчи ҳар бир босқичда таълим олаётганларнинг билимлар ва малакаларини ўзлаштириш ҳақида ахборот олиб туради, янги материал аввалги материални ўзлаштиришга қараб тақдим этилади.

## **2-§ Хотиранинг психологик тавсифи ва педагогик жараёнда уни шакллантириш йўл-йўриқлари**

Касбий фаолият шахсдан жуда кўп билимлар ва малакани талаб қилади. Нима учун у ёки бу касбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар



муаммоси), энди ўз фаолияти ва қобилиятини бошқара билиши ва ўз устида муттасил ишлаб, малакасини орттириб бориши шарт. **Касбий билимдонлик** шахс умумий маданиятининг йўналиши бўлиб, унинг фақат касбига тааллуқли бўлган билим ва шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва малакаларни такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишни ҳам тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари ва уларнинг моҳияти ва кечишини билиш демакдир.

Маълумки, одамлар бир-бирларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар. Масалан, айрим шахслар кўрган-кечирганларини жуда яхши эсда олиб қолиб, керак вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзилар кўзи билан кўрган ҳар қандай объектни майда тавсилотларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бошқа бировлар эшитган нарсалари хусусида аниқроқ фикрлайдилар, кимдир содда, равон тилга ўз ҳис-туйғуларини баён эта олса, бошқалар ҳар бир воқеага албатта, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар. Демак, одамларнинг ташқи оламдан оладиган таассуротлари ва уларни онда тартиблаштириш қобилияти ҳар хил бўлади. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг такомиллашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ўз диққатини ҳар қандай майда ўзргаришларга ҳам қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик ҳисоб-китобларга уста бўлади. Иқтисодчи - молиячи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга ўрганса, шоир табиатан барча ходиса ва воқеаларни бадий бўёқларда, ўзига хос идрок қилишга мойил бўлади. Демак, одамнинг ташқи олам хосса ва хусусиятларини онгида акс эттириши унинг иқтидори ўсиши ва касбий малакасининг ривожланганлигига боғлиқ тарзда кечади. Ша боис онгнинг муҳим акс эттириш шакллари бўлмиш билиш жараёнлари - идрок, сезги, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётларнинг инсон ҳаёти ва касбий камолатидаги ролига тўхтаб ўтамиз. Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар бир шахс атрофдаги нарса ва ҳодисаларни алоҳида ҳолдаги ҳамда яхлит хусусиятларини билади. Бу нарса ва ҳодисалар ҳар бир алоҳида шароитда ўзига хос ҳиссий кечинмаларни

келтириб чиқариши маълум. Масалан, қорин оч бўлганда, овқатга бўлган талабнинг ҳақиқатан ҳам бор ёки йўқлигини ҳеч ким бошқа бировдан сўрамайди. Ёки китоб мутоала қилаётган шахс ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаверади. Яна бир мисол, имтиҳон пайтида кечаси билан мутолаа қилиб, ўрганиб чиққан материални ўқитувчи олдида эслай олмасликнинг сабаби кўпчиликни қизиқтириши ва у “хотирам устида ишлашим керак” деган хулосага келиши мумкин.

Дарҳақиқат, билиш ҳам маълум маънода бошқариладиган жараён бўлиб, агар киши ўз имкониятларини кенгайтириш ёки иқтидор даражасини орттирмоқчи бўлса, бу жараёнларга оид маълум қоидалар ва хусусиятларни билиб олиши керак.

**Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.** Одам кўрган, ҳис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз миқдоринигина эслаб қола олади. Маълум бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган маълумотнинг қолиши қийин экан. Бу етита сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгили бўлганда, уни ёдда сақлаш анча қийин бўларди. Демак, онгнинг танловчанлиги ва маълумотларни саралаб, териб ишлатиши яна бир психик жараённи – хотирани билиш лозимлигини англайди.

Одатда, бирор бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Лекин ажабланарлиси шундаки, материал борган сари маълум ўзгаришларга учраб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачароқ сақланади. Баъзи материал ёки маълумот истасак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқасини эса қаттиқ хоҳлаб қанча уринсак ҳам керак пайтда ёдимизга тушира олмаймиз. Булар инсон билиш жараёнларидаги энг муҳим масалалар бўлиб, баъзан инсон тараққиёти ва камолати ҳам ана шундай омилларга боғлагимиз келади.

Маълум бўлишича, инсон мияси ҳар қандай маълумотни сақлаб қолади. Агар шу маълумот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса ёки ўзгармаса, у

ондан табиий тарзда йўқолади. Лекин ҳар доим ҳам касбий фаолият манфаатларига мос маълумотларни эса сақлаш жуда зарур ва ша боис кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шуғулланади.

**Х о т и р а** - бу тажрибага алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эса сақлаш, эса тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараён. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги аксидир.

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни ҳис-туйғулар, кўрган-кечирганларимизнинг мазмуни тўлароқ мияда сақланиши қуйидаги омилларга боғлиқ :

- эса сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг яқунланганлик даражаси;
- шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлиқ қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллиги;
- шахснинг фаолият мазмуни ва аҳамиятига бевосита муносабати қандайлиги;
- шахснинг айна пайтдаги кайфияти;
- иродавий кучи ва интилишлари.

Хотира жараёнлари шахснинг фаолиятдаги ютуқларга боғлиқ бўлгани учун ҳам, унинг табиати, қандай кечишига кўплаб олимлар аҳамият берганлар.

Масалан, нима учун одам у ёки бу маълумотни хотирада сақлайди, деган саволга турли олимлар турлича жавоб берадилар. Масалан, физиологлар унинг сабабини мияда ҳосил бўладиган асаб тугунлари – ассоциациялар билан боғласа, биохимиклар - рибонуклеин кислота (РНК) ва бошқа биохимик ўзгаришлар оқибатидан, деб тушунтирадилар.

Психологлар эса хотирани доимо инсон фаолияти, унинг шахс учун аҳамияти ва мотивлар хусусияти билан боғлайдилар. Чунки шахснинг йўналганлиги, унинг ҳаётдаги мавқеи ва қобилиятининг ривожланганлик даражаси айнан хотирасининг мазмунига боғлиқ. Шунинг учун хатто, шундай

гап ҳам бор: “Нимани эслашингни менга айт, мен сенинг кимлигингни айтаман”.

Амалий нуқтаи назардан хотиранинг самарадорлиги ва уни ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида ошириш катта аҳамиятга эга. Кўпинча одамлар орасида ишчанроғи, ўқувчи ёки талабалар орасида билимлироғи ҳам бир қарашда хотирасининг кучи билан бошқалардан ажралиб туради. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг хотираси ҳақида афсоналар юради. Масалан, у ўз қўл остидаги бекларнинг нафақат исмини, балки отасининг исмини ҳам ёддан билган, учрашувларда бевосита номини айтиб мурожаат қилган. Бу фазилат ҳам унинг ўз қўл остидагилар орасида обрўйининг баландлигига таъсир кўрсатган. Американинг машҳур Президентларидан бири Авраам Линкольн ҳам ана шундай ноёб хотира эгиси бўлган. Демак, хотира тарбияси, уни керакли йўсинда ривожлантириш – керак бўлса, шахсий обрў ҳамда ишдаги самара билан бевосита боғлиқ экан.

Умуман, **хотиранинг самарадорлиги** эслаб қолишнинг кўлами ва тезлиги, эса сақлашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниқлиги билан белгиланади. Демак, одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра фарқланадилар:

материални тезда эслаб қоладиганлар;

материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;

истаган пайтда осонлик билан эсга туширадиганлар.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатларни туғма деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, олий асаб тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида сўз юритилади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қоладилар, демак, уларнинг **хотираси кўргазмали - образли** бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди ҳам. Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавҳум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши қийин бўлади. Бундайлар **сўз - мантиқий хотира** типи вакилларида. Яна бир

типли одамлар бевосита хис қилган, “юрагидан” ўтказган, унда бирор ёрқин ҳиссий образ қолдира олган нарсаларни яхши эслаб қоладилар, бу - **эмоционал хотирадир**. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни ноёб **хотира** соҳиблари деб аталади. Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Улар бир вақтнинг ўзида нисбатан жуда катта ҳажмдаги маълумотларни эсда сақлай оладилар ва эсга туширадилар. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алёхин каби инсонларнинг хотираси ана шундай ноёб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Таниқли, рус психологи ва нейропсихологи А.Р. Лурия ҳам ана шундай хотира соҳибларидан бири бўлган асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахснинг хотирасини узок вақт мобайнида ўрганган. Дантенинг “Илоҳийлик комедияси”дан олинган узундан узок парчани бир марта қараб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси ажабланарки, комедия унга нотаниш бўлган италян тилида ёзилган эди. Кўпчиликни қандай қилиб яхши, мустаҳкам эсда сақлаб қолиш муаммоси қизиқтиради, Шерешевский учун қандай қилиб унутиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаланаверар эди. Қандай қилиб эслаб қоласиз, деган саволга у шундай жавоб берган: “Мен “материални” ўзимга таниш ва сеvimли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша “кўчанинг” салқин тушган ерига тушиб қолиб, уни эсга тушириш анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир ноёб хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлади.

Шотландиялик математик А. Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзларнинг икки қаторни эслаб қолиб, 27 йилдан кейин уни ҳеч бир хатосиз эсга тушира олган. “Қилич ва қалқон” кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган, биринчи навбатда батамом йўқ қилиниши лозим бўлган объектларнинг шифрлари билан кўрсатилган рўйхатини бир карра кўриб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг эсга туширганини эсланг. У ҳам гўёки, кўриб тургандай ўша рўйхатларни қайтадан

ўқигандай, такрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамизда ҳам йўқ эмас. Муҳими, ана шу ноёб хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билишдир.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам зарур муаммо. Чунки кўпинча биз хотирамизда кечагина ўқиган ёки яқинда ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керак вақтда уни эсга тушира олмаймиз. Маълумотни хотирадан чақириб олиш омилларига қуйидагилар киради:

*Маълумотнинг англаганлиги.* Биз ўзимиз тўла англаган, тушунган нарсаларни осонроқ эсга туширамиз. Масалан, алфавитни жуда осон эсга туширамиз ёки 1, 2, 3, 4 ва хоказо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эсга тушириш ҳеч бир қийин эмас. Лекин шу сонлардан бор-йўғи 7-8 тасини тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эсга тушириш анча мушкул бўлади. “Психология” ёзувини эсга тушириш жуда осон, лекин “и п и о х о я с л г” ҳарфлари тўплами айнан ўша сўзнинг ҳарфларидан иборат бўлса ҳам сира эсга тушира олмаймиз. Демак, материални яхшилаб эсда сақлаш ва эсга тушириш учун уни тушуниш ва англаш, унинг мазмунини ва моҳиятини тушунган холда иложи бўлса, ўзимиздаги қизиқишларимизга боғлай олишимиз керак.

*Кутилмаган маълумот.* Кутилмаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам яхши эсга тушади. Масалан, сонлар қаторида берилган битта ҳарф, ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги битта сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган қисқа жумла эсга тезроқ ва аниқроқ тушади. Бунинг сабаби оддий – биз кутилмаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсага ҳайратланамиз, жонли ҳаяжон билан жавоб берамиз, бу эса яхши эслаб қолишга ва керак бўлса, ёрқин тиклашга асосдир.

*Маълумотнинг мазмун ёки шакл жиҳатдан бир-бирига яқинлиги.* Масалан, агар кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида “эркак” ва “аёл” сўзлари пайдо бўлса, биттасининг эсга туширилиши иккинчисининг ҳам хотирада тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқув режасига

киритилган барча фанлар шундай кетма-кетликда берилдики, бирини ўзлаштириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилиши, бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

*Эсда сақлаш вақти билан эсга тушириш вақти ўртасидаги фарқ.* Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эсда сақлаш вақти қанчалик кўп бўлса, эсга тушириш ҳам осонроқ бўлади. Шунинг учун ҳам узок муддатли хотирада сақаланадиган ахборот узок вақт мобайнида, кўпинча бир неча марта қайтариб берилди, қисқа муддатлида эса бир марта, қисқа фурсатда берилди ва шу нарса эсга тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор матнни компьютерга киритиш учун ўртоғингизга бериб, кейин нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: “Эсимда йўқ”. Яъни маълумотнинг умумий мазмуни ёдда қолса ҳам, асосий тушунчалар ва моҳият эсда қолмайди.

Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахснинг у ёки бу турдаги маълумот билан ишлаш малакасига, унга муносабатига, материалнинг қимматини тасаввур қилишига бевосита боғлиқдир. Эътиборлиси шундаки, инсон фақат эшитган маълумотининг 10 фоизини, эшитган ва кўрган нарсасининг салкам 50 фоизини, ўзи фаол бажарган ишларнинг деярли 90 фоизини ёдда сақлайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахснинг ўзи ўйлаб топиб, бевосита бажарган ишлари жуда осон эсга тушади. Бу ходиса психологияда *генерация эффекти* деб аталади. Агар таълим олаётганлар ҳам ўзи бирор теоремани мустақил равишда исбот қилган бўлса ёки мустақил равишда бирор хулосага кела олган бўлса, таълим берувчи тушунтирган ходисага яқин нарса тўғрисида ўртоқларига сўзлаб берган бўлса, албатта уни хоҳлаган пайтда осонгина эсга туширади. Шу боис сўнгги пайтларда ўқув жараёнида ўйин методлари, мунозара методларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳатто, ходимларни қисқа вақт давомида ўқитиш ва малакасини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлардан, ижтимоий психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси ҳам шунда - яхши ва тез эслаб қолиш ҳамда самарали эсга туширишдан иборат.

*Шу ўринда хотиранинг саккизта қонунини эслаб қўйишни таклиф этамиз:*

Биринчиси, **англанганлик қонуни**. Бу оддий, лекин мураккаб қонун бўлиб, берилган материални қанчалик чуқур англасак, хотирада шунчалик мустаҳкам уни муҳрлаган бўламиз.

Иккинчиси, **қизиқиш қонуни**. Анатолий Франс: “Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак” деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

Учинчиси, **илгариги билимлар қонуни**. Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, демак, сиз илгариги тажрибангиз етишмаганлигидан уни яхши ўзлаштира олмаганлигингизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина янгиларига замин бўла олади.

Тўртинчиси, **эслаб қолишга тайёрлик қонуни**. Бирор материални эслаб қолишдан аввал, келгуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Масалан, физика ўқитувчисининг барча дарслари сизга доимо маъқул бўлса, сиз: “бугун ҳам янги нарса ўрганиб чиқаман”, деб ўзингизни ишонтирасиз ва пировардида натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. “Бир амаллаб имтиҳон топширсам, кейин қутуламан”, деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтиҳон тугагач, гўёки миянгни биров “ювиб қўйгандай” тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални “мутахассис бўлишим учун жуда керак”, деб ўзингизни ишонтирибумрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

Бешинчиси, **ассоциациялар қонуни**. Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда



шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, муайян бир жой, хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.

Олтинчиси, **бирин-кетинлик қонуни**. Ҳарфларни алфавитдаги тартибда ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлса, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Еттинчиси, **кучли таассуротлар қонуни**. Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади. Бундан ташқари, сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

Саккизинчиси, **тормозланиш қонуни**. Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Ша боис унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фан мавзусини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқиш керак. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиётни, шеър ёдлашни уйқу олдидан амалга оширмаслик лозим.

### **3-§ Таълим олаётганлар тафаккурининг психологик тавсифи ва ўқув жараёнида унинг фаоллигини ошириш усуллари**

Инсон идрок этган, хотирасида сақлаб қолган нарсаларнинг барчаси унинг учун маълум маъно ва моҳиятга эга. Акс ҳолда, ушбу нарсаларни у эслаб қолмайди, кейинги сафар аналогик объект билан тўқнаш келганда, унга диққатини қаратмайди, фигура фонга айланиб қолаверади. Биз кўрган, эшитган ҳис қилган нарсаларимизнинг барчасини **маъноли**, бўлишини хоҳлаймиз. Шуниси эътиборлики, ана шундай нарса ва ҳодисаларга биз томондан бериладиган маъно ҳар бир алоҳида шахс томонидан турлича идрок қилинади. Масалан, олим учун ҳар қандай китоб – ҳаётининг маъноси бўлса, деҳқон учун

ер ва ундан олинадиган ҳосил – аҳамиятли ҳисобланади, ҳаттоки, битта нарсанинг ўзи турли кишилар учун турли ҳил маъно ва мазмун касб этади. Яна китобни мисол оладиган бўлсак, у китоб индустрияси билан шуғулланувчи муҳандис учун – ишлаб чиқариш маҳсулоти, китоб дўкони сотувчиси учун – товар, маҳсулот, ўқувчи учун – илм манбаи, муаллиф олим учун - ижодининг меваси, энг қимматли нарсадир. Ҳар бир алоҳида олинган нарсага бўлган муносабат унинг биз учун кадр-қимматига бевосита таъсир этади, у гоҳ ижобий, гоҳ салбий бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам биз нарса ва ходисаларга танлаб муносабатда бўламиз. Тилшуносликни касб этиб танлаган талаба учун кибернетик моделлаштиришга бағишланган маъруза қанчалик зерикарли туюлса, иқтисодчилик касбини эгалламоқчи бўлганлар учун пул, фойда ва даромад олиш йўллари ҳақидаги маълумотлар шунчалик аҳамиятли бўлиб, оддий сўзнинг морфологик таҳлили, уларда шунчалик бефарқлик ҳолатини келтириб чиқаради. Демак, бизнинг дунёни, унинг сир-асрорини тушунишимиз заминидан нарса ва ходисаларнинг биз учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Дунёни тушуниш, англаш ва унга онгли муносабатни билдириб, фикримизни изҳор қилишга алоқадор билиш жараёни психологияда *тафаккур* деб аталади.

*Тафаккур* - инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ходисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавҳумлашган акс эттириш шаклидир. Тафаккур муаммолари узоқ вақтгача ўзининг мураккаблиги билан психологлар назаридан четда бўлган, у асосан файласуфлар ва мантиқшунослар фикр юритадиган масала ҳисобланган. Психология илмининг отахони бўлган немис олими Вильгельм Вунд психологияни икки – физиологик психология (экспериментал йўл билан билиш жараёнларини ўрганувчи фан) ва халқлар психологияси қисмига бўлиб, халқлар психологиясининг таркибига нутқ ва тафаккур психологиясини ҳам киритган ва уни экспериментал тарзда ўрганиб бўлмайдиган, уларни тушунтириш мумкин, холос деб ҳисоблаган. Бу хулосалар аслида

тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг нақадар мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради. Лекин шундай бўлса ҳам таъкидлаш жоизки:

- биринчидан, тафаккур ва фикрлаш жараёнлари – билиш жараёнлари;
- иккинчидан, улар ҳам шахс томонидан борлиқни умумлаштириб, билвосита акс эттириш шакли;
- учинчидан, бу жараёнлар ҳам экспериментал психология томонидан ўрганилади;
- тўртинчидан, тафаккур билишнинг энг олий ва юқори даражадаги шаклидир.

Тафаккурнинг олийлиги ва мураккаблиги шундаки, у идрокдан фарқли, бевосита акс эттириш бўлмай, нарсалар ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам акс эттиришга имкон беради. Масалан, Африканинг субтропик худудлари тўғрисида гап кетганда, умрида бирор марта Африкага бормаган одам ҳам субтропиклик хоссасини б и л г а н и учун ушбу ахборотни тушуниб, уни қабул қила олади. Синов пайтида талаба кеча ўқиган, лаборатория шароитида синаб кўрган қонуниятлар хусусида худди рўпарасида намоён бўлаётгандай, образли қилиб гапириб бериши, рўй берган ходисаларни яна формулалар ва статистик ҳисоб - китоблар воситасида исбот қилиб бериши ҳам мумкин. Бу операцияларнинг асосида тафаккур жараёнлари ётади.

Тафаккур қилишимизни таъминловчи орган – бизнинг миямиз. Барча ҳисоб-китоб ишлари – энг элементар ҳаракатларни режалаштиришдан мураккаб мавҳум теоремаларни исбот қилишга қаратилган операцияларгача мияда содир бўлади. Шунинг учун жуда чарчаб турган пайтда одамдан бирор қийинроқ масала хусусида фикр билдиришини сўрасангиз, “ҳозир бошим оғриб турибди, жуда чарчаганман, бироз ўзимга келай, кейин фикрлашамиз”, деб жавоб беради. Демак, мия фаолияти билан фикрлаш фаолияти ўзаро боғлиқдир. Миянинг фикрлаш қобилияти ва имкониятлари шунчалик салмоқлики, айрим олимларнинг фикрича, унинг ишлаш қонунлари ҳозир биз ишлатаётган

компьютерлар эмас, яна 100-200 йиллардан кейин пайдо бўладиган мураккаб, ўта “ақлли” компьютерлар фаолиятига яқин экан.

Каллага келадиган барча ўй-хаёллар –фикрлардир. Нормал инсонни фикрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон мияси ҳар он, ҳар дақиқада қандайдир фикрлар билан банд бўлади. Уларни тартибга солиш, керагига диққатни қаратиш, ички ёки ташқи нутқ воситасида уни ечиш – фикрлаш жараёнидир.

*Фикрлаш жараёни* аслида маълум бир масала, муаммо, жумбоқни ҳал қилиш керак бўлганда пайдо бўлади. Фикрлаш доимо бир нарса хусусида камида битта ечимни бериши шарт, акс холда у бошқа жараёнга – ҳаёл, фантазияга айланиб кетиши мумкин. Фикр, ғоя, аниқ ечим бўлмаганида, инсон миясининг борлиқдаги нарса ва ходисалар моҳиятини акс эттириши *ҳаёл* деб аталади. Шунинг учун ҳам дўстлар даврасида баъзан бирор муаммо хусусида тортишув бўлиб қолганда, аниқ билими ёки ғояси йўқлиги туфайли миясига келган гапни ўйламай айтган одамга қараб, “жуда олиб қочишга устасан-да, ҳаёлпараст” дейишади.

Шундай қилиб, муаммо ёки жумбоқ кишини фикрлашга мажбур этади. Масалан, шундай масалани олиб кўрайлик. Сизга михлар солинган бир картон қутича, иккита шам ва болғача берилган. Вазифа – эшикка шамни ўрнатиб, ёқиб қўйиш керак. Уни қандай ечади? Албатта, бирданига тўғри ечимга келиш қийин. Агар қутичани бўшатиш ва уни шамдон сифатида эшикка қоқиш мумкинлиги тўғрисидаги фикр каллага келмагунча, унинг ечимини топиш қийин. Айти шу масала икки хил шарт билан, яъни биттасида қутича михлар билан тўла дейилган, иккинчисида қутича бўш деб берилган. Иккинчи ҳолатда масала тезроқ ҳал қилинган.

Психологларнинг фикрича, ҳар қандай масалани ечиш мобайнида одам унинг шартларини бир неча вариантларда тасаввур қилсагина бир ечимга келаркан. Агар идрок билан боғлайдиган бўлсак, фигура фонга, фон эса фигурага айланади, уларнинг ўринлари алмашади ва ҳоказо. Бундаги индивидуал фарқ шундаки, баъзилар ечимга тўғридан-тўғри фигура асосида

келади, бошқалар эса бир неча ечимнинг вариантларини кўз олдига келтириб, сўнг бир қарорга келади. Кимдир жуда тез, кимдир жуда секин фикрлайди. Шу боис тест ечиш жараёнида ёнма-ён ўтирган икки киши бир хил ечимни белгилайди, лекин ўша ечимга келиш йўллари ҳар бирида ўзига хос бўлади. Айнан шу жараённинг қандай кечишини тафаккур психологияси ўрганади. Муаммонинг ечими баъзан бирданига, ёрқин юлдуздай ярқ этиб пайдо бўлади. Бундай психологик ҳолат психологияда **инсайт - ойдинлашув** деб аталади. Одам фикрларида қачон ана шундай тиниқлик – инсайт пайдо бўлганини ўзи ҳам билмайди. Энг иқтидорли, зукко олимлар ҳам ўз фикр юритиш қонуниятларига эътибор бериб, янги ғоя қачон, қандай йўл билан пайдо бўлганига жавоб тополмаганлар. Ҳатто, баъзан янгилик кашф этган олимнинг ўзи ҳам фикри нақадар ноёб эканлигини ҳам англаш имкониятига эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўплаб оламшумул кашфиётларнинг ҳақиқий кадр-қиммати муаллиф ўтиб кетганидан кейин тарих баҳо беради. Худди шундай кадрга эга бўлган кашфиётлар юртимизда яшаб ўтган юзлаб алломалар ижодига тааллуқли. Масалан, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абу Наср Фаробий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Аз-Замашҳарий каби алломалар ўзлари ижод қилган пайтларида яратган ғоялари ва кашфиётларининг қанчалик аҳамиятли ва ўлмас эканлигини кейинги авлод, бутун бир инсоният тарихи исбот қилиб, тан олди. Р. Декартнинг калласига аналитик геометрия ғояси келганида, у ўзида йўқ хурсанд бўлган ва мук тушиб, йиғлаб шу фикрни унга ато этган худога сажда қилган экан. Дарҳақиқат, миядаги тиниқлик, ойдинлашув ўша фикр эгасининг машаққатли меҳнати, тинимсиз илмлар дунёсида тўккан заҳмати эвазига рўй беради. Умуман янгиликлар очиш, ижод қилишга алоқадор тафаккур унинг энг аҳамиятли ва шу билан бирга энг қийин туридир. Чунки ижодкор ёки кашфиётчи ниманидир кашф қилишни хоҳлайди, тинимсиз изланади, лекин қачон, қандай шароитда, қандай йўл билан уни очиши мумкинлигини ўзи ҳам билмайди. Шу ўринда академик Кедровнинг Менделеев даврий жадвалини кашф қилганлиги хусусидаги эсдаликлари жуда ўринли. Олим узок вақт мобайнида барча кимёвий элементларни маълум қонуният асосида жадвалга

туширишни ўйлаб юрган. “Калламга келяпти-ю, уни кўролмаяман”, деб ташвишланарди олим. Кунлардан бир кун у жуда толиқиб, ёзув столи устида ухлаб қолганда, тушида даврий жадвални “кўрган”. Уйғонган заҳоти хурсанд бўлиб кетиб, моддаларни жадвалга жойлаштира бошлаган. Тушдаги иши билан ўнгидаги ишининг фарқи шу бўлганки, тушида енгил моддалар пастда жойлашган бўлган, Менделеев уларни ўнгида “тўғрилаб” чиққан. Бу ҳам ўша инсайтга бир мисол.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир. Қуйидаги жадвалда тафаккурнинг турли мезонлар асосидаги таснифи келтирилган.

### Тафаккур турлари

Шаклига кўра	кўргазмали ҳаракат кўргазмали образли мантиқий
Кўриладиган масаланинг характерига кўра	назарий амалий
ижодийлик элементига кўра	конвергент дивергент
янгилиги ва ноёблигига кўра	репродуктив продуктив (ижодий)

Ҳаёт мобайнида ўқиганларимиз, маълум шарт-шароитларда аниқ далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган, билим ва ғояларимиз асосида юритган фикрлаш жараёни **назарий тафаккурдир**. Ундан фарқли **амалий тафаккур** бевосита ҳаётда ва ҳаракатларимиз мобайнида ҳосил бўлган фикрларимизга асосланадиган тафаккурдир.

**Кўргазмали** – ҳаракат тафаккурининг хусусияти шундаки, у ҳам одамнинг реал предметлар билан иш олиб бораётган пайтдаги фикрлаш жараёнини назарда тутди. **Кўргазмали** – **образли тафаккур** эса кўрган-

кечирган нарсa ва ҳодисаларнинг аниқ образлари кўз олдимизда гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштириб, билвосита акс эттиришдир. **Мантикий тафаккур** – мавҳум (абстракт) тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган холда бевосита идрокимиз доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарган ҳукмлар, мулоҳазаларимиз бу тафаккурга мисол бўла олади. Масалан, олам, унинг ноёб ва мураккаб ҳодисаларини фақат мавҳум, абстракт тафаккур ёрдамида фалсафий ўрганилади.

Фикрлашнинг яна бир тури **репродуктив** бўлиб, унинг моҳияти – кўрган- билган нарсамизни айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шу асосда фикрлашга асосланади. Ундан фарқли **продуктив ёки ижодий тафаккур** – фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккурни назарда тутди. Шунга боғлиқ бўлган **конвергент** фикрлаш масаланинг ечими фақат битта бўлгандаги фикрлашни назарда тутса, **дивергент тафаккур** – шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар топишни тақозо этади. Айнан ана шундай ижодий тафаккур дивергент шаклда бўлса, у ижодий парвоз, янгиликларни кашф этишга асос бўлади. Фикрнинг кашф этиш, янгилик яратишга қаратилган фаолияти баъзан унинг креативлик сифати билан боғлаб тушунтирилади. Креативлилик – шундай хислатки, у гўёки “йўқ жойда бор қилади”, яъни оддий, жўнгина нарсаларга бошқача, бировларникига ўхшамаган ёндашувларни талаб қилади. Масалан, учта сўз берилган - “қалам”, “кўл”, “айиқ”. Уччаласини қўшиб, янги жумла тузиш керак. Ҳар ким ўзидаги креативлик даражасига кўра турли хил жумлалар тузса бўлади, масалан, “Бола қаламни олиб, кўлда чўмилаётган айиқ расмини чизди”. Ёки “Терак қаламчалари экиб чиқилган кўл ёқасида бир айиқ боласини чўмилтирарди”. Шунга ўхшаш кўплаб жумлалар тузиш мумкин.

Машҳур олим К. Юнг инсонларни фикрлашларига кўра асосан икки тоифага бўлган эди:

Биринчиси, **интуитив типлилар**. Бу тоифали кишиларда кўпинча ҳиссиётлар мантиқдан устун келади ва мия фаолияти бўйича ҳам ўнг ярим шарлар фаолияти чапникидан устунроқ бўлади. Бундай кишиларда кўриб, ҳис қилиб, ёрқин эмоционал муносабат шаклланмагунча, ўз фикрларини баён эта олмайдилар.

Иккинчиси, **фикрловчи типлилар**. Бундай кишиларда доимо мантиқ, мулоҳаза ҳиссиётлардан устун бўлади ва улар миясининг чап томони ўнгига нисбатан устун ҳисобланади. Улар гапира бошласа, кўпинча, “файласуф бўлиб кет-э”, деб ҳам қўйишади. Чунки улар ўзларигача бўлган билимлар, мантиқий фикрлаш борасидаги ютуқларга таяниб, доимо тўғри гапиришга, фикрларини мантиқан асослашга ҳаракат қиладилар. Аниқ фанлар, техника, тиббиёт фанлари билан шуғулланувчиларда ана шу тафаккур типига ва психологик жиҳатдан мойиллик бўлади. Улар ўз касблари борасида яхши натижаларга эришадилар. Улардан фарқли биринчи тоифа вакилларида эса яхши ёзувчилар, шоирлар, тилшунослар, психологлар етишиб чиқади.

**Тафаккур шакллари ва операциялари**. Тафаккур қилиш шаклларига тушунчалар, ҳукмлар ва хулоса чиқариш киради.

**Тушунчалар** - тафаккурнинг нарса ва ходисаларга бўлган энг умумий ва хос хусусиятларни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, аниқ ёки мавҳум бўлиши мумкин. Масалан, “онг” тушунчасини оладиган бўлсак, унинг энг муҳим ва бошқа тушунчалардан фарқ қиладиган жиҳатлари – фақат инсонга хослик, олий даражадаги акс эттириш, оламнинг билиш механизми эканлиги ва ҳоказолар ажратиб олинади.

**Ҳукмлар** - атрофдаги нарса ва ходисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Масалан, “инсон онгли мавжудот” деган ҳукм – фикр “одам, инсон”, “онг” ва “мавжудот” тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Ана шундай ҳукмлар нутқимизда ҳар куни кўп бора ишлатилади ва улар табиатан турли алоқадорликларни ё тасдиқлайди, ёки инкор қилади, рост ёки ёлғон бўлади. Шахснинг инсонийлиги аслида у ишлатадиган ибораларнинг мантиққа, ҳаётий ҳақиқатларга қанчалик тўғри келиши асосланганлигига кўра



баҳоланади. Доимо мантиқан тўғри фикр юритган одамни биз “бамаъни, гапида жон бор, ҳақиқатгўй” деб таърифлаймиз.

**Хулосалар** - мантиқий тафаккурнинг яна бир шакли бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишдан янги бир фикрни келтириб чиқаришни назарда тутаяди. Масалан: биринчи ҳукм: Ўзбекистон – мустақил давлат; иккинчи, ҳукм: Қирғизистон – мустақил давлат; учинчи ҳукм: Қозоғистон - мустақил давлат; тўртинчи ҳукм: Туркменистон – мустақил давлат; бешинчи ҳукм : Тожикистон - мустақил давлат.

Демак, барча Марказий Осиё давлатлари мустақилдир.

Шунга ўхшаш баъзи фикрлардан умумий бир фикр келтириб чиқарамиз (бу - индуктив хулоса чиқариш), баъзан эса аксинча, умумийдан жузъий - алоҳида фикр чиқарамиз (фикрлашнинг бундай ҳаракати дедукция деб аталади).

Бундан ташқари, психология биздаги фикрлаш жараёнини таъминловчи алоҳида **операцияларни** ҳам ўрганади. Фикрлаш операцияларига **анализ** (фикран нарса ва ҳодисаларга тааллуқли сифат ва хусусиятларни алоҳида ажратиш, таҳлил қилиш), **синтез** (анализ жараёнида ажратилган қисмларни яна фикран бирлаштириш, қўшиш), **мавҳумлаштириш** (алоҳида бирор хусусиятни ажратиб, бошқаларидан фикрни чалғитиш, айрим хоссани мавҳумлаштириш), **таққослаш** (предметлар ва уларга хос бўлган хусусиятларни фикран бирига солиштириш, умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини топиш), **умумлаштириш** (предметларни умумий ва муҳим сифатларига кўра гуруҳлаштириш, умумийлаштириш) кабилар киради.

**Тафаккурни ривожлантириш.** Биз юқорида тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида ҳар бир шахс ўз тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг хусусиятини билган ҳолда уни ўстириш йўллариини излаши керак. Сўнгги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг

фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёни тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, улар ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва унинг янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши ҳаётда исботланган.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири “брейнсторминг” (русча “мозговая атака” – ингл. “brain storming”) деб аталиб, унинг луғавий маъноси “мияни забт этиш”дир. Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ҳамда бу жараёнда “гуруҳий самара” бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида ҳолда индивидуал қарорлар қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладиган кимсалар киритилади. Улардан кимдadir мантиқийлик устун, кимдир- креатив, кимдир - танқидчи ва шунга ўхшаш бўлади.

Гуруҳда шундай ижодий руҳ бўлиши керакки, бунда ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда интеллектуал даражаси ўртача бўлган шахслар ҳам шундай фикрларни айтишадики, улар ёлғиз қолган пайтида бундай фикрлар сира ҳам миясига келмаган бўларди.

Бу жараён олий ўқув юртларида дарсларда ҳам қўлланилиши мумкин, фақат унинг юқоридаги тамойиллари инобатга олиниши ва гуруҳда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити бўлиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти ўз мазмун – моҳиятига кўра фуқаролар билан иш олиб боришга боғлиқ. Шундай экан, уларда педагогик

(тарбиячилик) фаолиятига тегишли элементларнинг бўлиши шубҳасиз. Бу элементлардан бири педагогик маданиятдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари фаолияти ҳақидаги сўзлаган нутқларида ички ишлар органлари ходимларини фуқаролар билан мулоқотда ўзларини юксак маданиятли инсон сифатида намоён қилишлари лозимлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, бу масала Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг ҳам доимий диққат-эътиборидадир. Айниқса, Ички ишлар вазирлигининг 2006 йил 21 январдаги Ҳайъати қарорида ҳам фуқаролар билан мулоқот масалалари бўйича тавсиялар берилган.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органлари ходимларини педагогик жараёнда назарий ўқитишнинг психологик муаммолари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Билимларни ўзлаштириш тушунчасига психологик тавсиф беринг.
3. Ички ишлар органлари ходимлари касбий билимларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг хилма-хиллиги ва сифатлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Билимларни ўзлаштиришда коммуникатив ва билиш жараёнларига тавсиф беринг.
5. Таълим олаётганларнинг билимларни самарали ўзлаштиришида психологик билимлар билан таъминлаш деганда нимани тушунасиз?
6. Машғулотларга тайёргарлик кўришда ўқув материалларини тузиш усулларини тушунтириб беринг.
7. Диққат ва тафаккур билимларни ўзлаштириш жараёнининг асосий негизи эканлиги ҳақида сўзлаб беринг.
8. Таълим олаётганлар диққатига психологик тавсиф беринг.
9. Таълим олаётганларнинг ўқув материалларини самарали эсда сақлашларини таъминлаш усуллари нима?
10. Махсус фанларни ўқитиш давомида ички ишлар органлари ходимларининг касбий хотирасини шакллантириш мумкинми?
11. Таълим олаётганлар тафаккурига психологик тавсиф беринг.

12. Тафаккур маълумотларни қайта ишловчи, амалий билимларни ўзлаштириш ва вазифаларни ҳал қилувчи жараён сифатида эканлигига таъриф беринг.

13. Таълим олаётганларнинг ўқув материаллари ва педагогик билимларни самарали ўзлаштиришининг психологик шарт-шароитларини тавсифланг.

## **7-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларини амалий ўқитишга касбий-психологик тайёрлаш ва уларни психологияси**

### **1-§ Ички ишлар органларида амалий ўқитишнинг психологик муаммолари.**

Ҳар қандай касбий фаолият инсонга муайян талаблар қўяди ҳамда унинг шахси ва бутун турмуш тарзида ўзига хос из қолдиради. Ички ишлар органларининг ходими касбий фаолият самарадорлигини белгилаб берувчи қандай шахсий хислатларга эга бўлиши лозимлигини аниқлаш учун ушбу фаолиятни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, таркибий тузилишини очиб бериш зарур. Касбий фаолиятнинг қонуниятларини аниқлаш уни нафақат ўрганиш, балки такомиллаштиришга қаратилган ташкилий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга ҳам имкон беради.

Бу, аввало ички ишлар органларидаги касбий фаолиятнинг хусусиятларидан бири бўлмиш *ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлигида* ўз аксини топган. Ходимларнинг фаолияти ҳуқуқий нормалар (қонун ҳужжатлари, ИИВ норматив ҳужжатлари ва шу кабилар) билан қатъий тартибга солинган. Ушбу хусусият ички ишлар органлари ходимлар умумий режалар ёки йўриқномалар билан белгилаб қўйиладиган кўплаб бошқа соҳалардан фарқини билдиради ва меҳнатни самарали ташкил этишга оид шахсий тасаввурларни эркин амалга ошириш учун кенг имконият яратади.

Ҳуқуқий бошқарув ходимнинг фаолиятини қонун нормалари билан қатъий белгиланган тартибга бўйсундиради. Ходимнинг ўз хизмат

вазифаларини бажармаслиги ёки етарли даражада бажармаслиги қонуннинг у ёки бу қоидасини бузиш ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижасида ходимга ўз қарорлари ва ҳаракатлари учун катта масъулият юклайди.

Бироқ бу ҳол ходимнинг ўз фикрини билдириш, фаолиятини амалга ошириш воситаларини танлаш ва ишини оқилона ва самарали ташкил этишда эркин эмаслигини билдирмайди. Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятининг психологик хусусиятларига қонун ва касб ахлоқи нормаларида ифодаланадиган *кенг тактик майдон мавжудлигини* ҳам киритиш лозим.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг яна бир психологик хусусияти *ҳокимият ваколатига эгаликдир*. Иш манфаати йўлида ходимларга *зарур ҳолларда* кўпинча атрофдагилардан яширишга ҳаракат қилинадиган ҳолатларни аниқлаш, фуқароларнинг турар жойларига кириш, жиноятда гумон қилинган айрим шахсларнинг эркинлигини чеклаш ва ҳатто ундан маҳрум қилиш ҳуқуқи берилган. Бундай ҳокимият ваколоти берилган ходимнинг психологик ҳолати аввало юксак даражадаги масъулиятни талаб қилади. Унинг ўз ваколатларини қўллаши эса ҳаракатларининг зарурлиги ва оқилоналигини, қонуний асосга эгаллигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Кўпинча бу ҳол вариантлардан бирини танлаш зарурати билан боғлиқ бўлади ва шу боис, жуда катта асабий зўриқиш билан кечади. Берилган ҳокимиятдан оқилона ва қонуний фойдалана олиш – ички ишлар органлари ходимларига қўйиладиган жуда муҳим касбий талаблардан биридир. Ҳокимият ваколатидан фойдаланишнинг қонунга ва мақсадга мувофиқлиги кўп даражада ходимнинг шахсий хислатларига боғлиқ.

Ходимлар касбий фаолиятининг муҳим психологик хусусиятларидан бири *манфаатдор шахсларнинг доимий равишда қаршилик кўрсатиши ва тўсқинлик қилишидир*. Бу ходимнинг жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятига баъзан жуда кескин шаклларда кечадиган кураш тусини беради. Ходимнинг йўлида учрайдиган тўсиқларни енгиш, хавфли вазиятларни бартараф этиш зарурати унда турли ҳиссий акс

таъсирларни келтириб чиқаради, бундан доимий асабий зўриқиш ва зўр ақлий фаолиятни талаб этади; фаол кураш шароитида доимий равишда мураккаб ақлий фаолиятни амалга ошириш, баъзан (иш йўналишимизда) ўз мақсадини яшириш, ҳақиқий ижтимоий вазифаларини ниқоблашни тақозо этади.

Ички ишлар органи ходими касбий фаолиятининг яна бир ўзига хос жиҳати кенг доирадаги муҳит билан муомала қила олиш қобилиятини билдирувчи *коммуникативликдир* ёки киришимлиликдир. Бу кўп томонлама ва алоҳида хусусиятга эга бўлган хислатдир. Ходимнинг ўз фаолияти давомида турли ёш, касб, турли ҳуқуқий мақомга эга бўлган кишилар билан муомала қилишига тўғри келади. Бу, умуман, инсон психологияси, хусусан муомаланинг психологик асосларини билишни талаб этади. Ходимнинг коммуникативлиги турли хил тергов, оператив-қидирув ва профилактик тадбирларни тўғри ташкил қилиш учун ниҳоятда зарур.

Ходим коммуникативлигининг алоҳида жиҳати шундаки, у баъзан ходимдан бошқа қиёфага киришни талаб этади. Ушбу зарурат унинг ўз фаолияти соҳасига кирадиган барча шахслар билан психологик алоқага киришиши муҳимлигидан келиб чиқади.

*Вақт танқислиги ва ишининг ҳаддан ташқари кўплиги* ҳам ходим касбий фаолиятининг хусусиятларига киради. Оперативлик ва тезкорлик жинойтларни очиш ва тергов қилишнинг асосий принципларига киради. Жинойтчи эркинликда қанча кўп қолса, унинг жавобгарликдан қутулиш, ўз жиноий қилмиши изларини йўқотиш ва терговдан қочиб яшириниш имконияти шунчалик кўп бўлади. У вақтдан ютади. Пайсалга солиш муваффақиятсизликка олиб келади.

Бошқа томондан, вақт танқислиги жинойт ишини тергов қилиш, фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш каби ҳаракатлар учун процессуал ва бошқа муддатларга риоя этиш зарурлигида намоён бўлади. Шулар ҳам ходимнинг асабий зўриқишига сабаб бўлади.

Асабий зўриқиш ходим фаолиятидаги қалтис, низоли вазиятлар, турли стресс омиллар таъсири, меъёрлашмаган иш куни, иш фаолиятининг баъзан

салбий ҳис-ҳаяжон билан кечиши туфайли юзага келадиган катта жисмоний ва рухий зўриқиш билан боғлиқ. Чунки ходим иш жараёнида инсон қайғусига шерик бўлиб, хизмат фаолиятида турли мураккаб шароитларга дуч келади.

Ходим касбий фаолиятига *ёрқин ифодаланган билиш хусусияти* ҳам хосдир. Бу эса турли хил мураккаб вазифаларни турлича ҳал қилишнигина эмас, балки ушбу уларни амалга оширишни ташкил этишни ҳам талаб этади. Бунда турли тусмоллар тузиш, оператив хизмат тадбирларини амалга ошириш режалари ва умуман, иш режаларини тузиш мақсадига эга бўлган соф ақлий фаолият фикрдаги схемалар ва қарорларни амалда ташкил қилиш билан ифодаланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида куйидаги асосий жиҳатларни ажратиш мумкин: *билиш фаолияти, конструктив, ташкилотчилик ва коммуникатив фаолият*<sup>1</sup>. Албатта, ходимларнинг амалдаги фаолиятида ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бири соф ҳолда учрамайди: уларнинг ҳаммаси узвий бирликда бўлади.

**Билиш фаолиятининг** ходим фаолияти учун аҳамияти ниҳоятда катта. Билиш фаолиятини амалга оширмай туриб жиноятчиликка қарши курашида ҳеч бир мақсадга эришиб бўлмайди. Билишсиз умуман фаолиятни ҳам, юқорида кўрсатилган ҳеч бир таркибий қисмни ҳам амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёни натижасидагина ходимнинг бошқа ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажариш учун ходимнинг билиш фаолияти ҳозирги, ўтмиш ва келгуси воқеаларга тааллуқли фактлар, ҳолатлар, сабабий алоқаларнинг аниқланишини таъминлаши керак. Масалан, жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек, содир этилган жиноятларни очишга қаратилган барча ишлар оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларни аниқлашга доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришга ҳамда уларнинг келгуси ғайриқонуний ҳаракатларига олдиндан кўзи етишга асосланади.

---

<sup>1</sup> Котов Д.П., Шиханцов Г. Г. Психология следователя. – Воронеж, 1997.

**Фаолиятнинг конструктивлиги** деганда, жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш каби ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган тафаккур фаолияти тушунилади. Агар билиш фаолиятида *тафаккур* асосан ҳали нима номаълум, муайян вазифани бажариш учун қўшимча тарзда яна нимани аниқлаш, топиш керак, деган саволларга жавоб берса *конструктив фаолиятда* билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, яъни бунда биз номаълум нарсани қандай кетма-кетликда излашимиз кераклиги ҳақидаги саволга жавоб берилади. Бошқача айтганда, ходимнинг изланиш ва конструктив фаолияти ягона фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи икки томонидир.

**Ташкилотчилик фаолияти.** Ушбу фаолият ходим касбий фаолиятининг қолган барча турларини амалга ошириш учун мақбул шароитларни таъминлаш мақсадига хизмат қилади. Жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш жараёнларини бошқариш унинг мазмунини ташкил этади. Ушбу мазмун оператив раҳбарликда, ҳисоб ва назоратда, ушбу жараён иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни уюштиришда намоён бўлади. Мазкур фаолият ахборот бериш ва алмашиш, ўз вазифалари бўйича ходимнинг топшириқларини бажаришлари керак бўлган бошқа шахсларнинг ҳаракатларини уюштиришдан иборатдир.

**Коммуникатив фаолият.** Юқорида таъкидланганидек, ходим касбий фаолияти коммуникатив доирасининг кенглиги (мулоқот ва муомалага бойлиги) билан ажралиб туради. Унинг коммуникатив фаолияти мулоқот орқали, яъни оператив хизмат вазифаларини бажариш мақсадида атрофдагилар билан бевосита нутқий алоқа орқали зарур маълумотларни олишда намоён бўлади. Мулоқот жараёнида таъсир этиш учун ходим шахсида етарлича юксак ақл ва билимдонлик, кучли ирода, шунингдек унинг инсоний жозибасини белгиловчи шахсий хислатлари уйғунлашиши керак.

Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини юзаки кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралилигидан далолат беради. Касбий фаолият ходимга



кўплаб турли талаблар қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири – *шахсда ўзига хос зарур касбий хислатларнинг ривожланган бўлиши.*

Уларга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- унинг шахсга хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги;
- психологик барқарорлик;
- ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик;
- яхши ривожланган коммуникатив хислатлар;
- турли тоифадаги кишилар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва сақлай олиш;
- турли хил оператив хизмат вазифаларини бажаришда одамларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти;
- ролга, бошқа қиёфага кира олиш;
- касбий жиҳатдан ривожланган зарур билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатни жамлай олиш, ривожланган хотира, ижодий тасаввур;
- ривожланган тафаккур, каттиқ ақлий меҳнатга мойиллик, фаросат, интуиция ривожланганлиги;
- зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга аввалдан хос эмас. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш – давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар органлари ходими касбий шаклланишининг зарур шартидир. Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги унинг ўз функционал вазифаларини нормал бажаришига ҳалақит бериб, фаолияти жараёнида хатоларга йўл қўйиш, ўз касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади. Шу муносабат билан ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган амалий таълимда касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

## 2-§ Ички ишлар органлари мутахассисларининг амалий фаолиятда касбий-психологик тайёргарликнинг ўрни

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ходимларни психологик тайёрлашдир.

Ички ишлар органлари ходимларини психологик тайёргарлашдан кўзда тутилган *мақсад* хизмат фаолиятининг ҳар қандай мураккаб шароитларида уларни касбий жиҳатдан тўғри, аниқ, юқори ишчанлик билан ҳаракатланишига тайёрликни шакллантиришдан иборат.

Оператив хизмат фаолияти ходимларнинг шахсий хислатларига, биринчи навбатда, касбий жиҳатдан муҳим хислатларига алоҳида талаблар қўяди. Ушбу фаолиятнинг хусусияти ходимларда ҳиссий-иродавий барқарорликни ривожлантириш, уларда стрессни вужудга келтирувчи омиллар таъсирига қарши психологик ишончлиликни шакллантиришни талаб этади.

Психологик тайёргарликнинг асосий *вазифалари* қуйидагилардан иборат:

– ички ишлар органлари ходимларини уларга хос бўлган стресс-омиллар ва улар йиғиндиси таъсирига психологик чидамлилигини ошириш;

– ходимларда психологик хислатларни ривожлантириш, барча касбий ҳаракатларни оператив хизмат фаолиятининг ҳар қандай мураккаб ва хавfli шароитларида юқори даражада самарали бажаришларига ёрдам берувчи махсус уқув ва кўникмаларни шакллантириш.

Психологик тайёргарлик ходимлар касб маҳоратининг комплекс таркибий қисмидир. У ходимнинг шаклланган ва ривожланган психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, оператив хизмат фаолиятининг ўзига хос ва муҳим психологик хусусиятларига жавоб беради ва уни амалга оширишнинг зарур шарт-шароитларидан бири бўлиб ҳисобланади. У тўрт гуруҳга кирувчи таркибий қисмлардан иборат:

– *ходимнинг касбий-психологик йўналишлари ва ҳис-туйғулари* (ўзи ишлаётган вазиятнинг психологик жиҳатлари ва кишиларни тушунишга интилиши ва уларни тушуна олиш қизиқишлари);

– *ходимнинг касбий ҳаракатлар ва тактиканинг самарадорлигига оид психологик жиҳатлар бўйича тайёргарлиги.* Ушбу тайёргарлик касбий ҳаракатлар самарадорлигининг психологик шароитларини тушуниш ва уларни ярата олишда; касбий (нутқий ва нутқсиз) ҳаракатларни амалга оширишнинг психологик воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш, оператив хизмат вазифаларининг самаралироқ ҳал этилишини таъминловчи психологик усулларнинг бутун комплексини моҳирлик билан қўллаш олишда намоён бўлади;

– *ходимнинг касбий кузатувчанлиги ва хотирасининг ривожланганлиги* (касбий кузатиш самарадорлигини ошириш учун психологик асосланган усул ва қоидаларни қўллаш маҳорати талаб этилади), касбий диққатнинг ривожланганлиги, сезги ва тасаввур органларининг машқ орқали ривожланганлиги, ҳал этилиши керак бўлган вазифалар учун муҳим бўлган маълумотларни тез, тўлиқ ва аниқ эсда олиб қолиш, хотирада яхши сақлаш ва тўғри баён этиш бўйича машқ қилганлик;

– *психологик барқарорлик* (ходим оператив хизмат фаолиятининг психологик мураккаб, ҳиссий таранг, хавфли ва масъулиятли вазиятларда хотиржам ва ишонч билан ҳаракат қилиш қобилиятида намоён бўлади).

Психологик тайёргарлик ходимнинг касб маҳоратини кескин оширади. Илмий далиллар ва мавжуд ижобий тажриба психологик тайёргарликни мақсадга мувофиқ тарзда ошириб бориш ушбу йўналиш бўйича махсус вазифалар, шакл ва усулларни касбий таълим тизимида киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда психологик тайёргарлик – ички ишлар органлари касб тайёргарлигининг муҳим тури. «Шахсий таркиб сифати унинг касбий маҳорати даражаси, ахлоқий-руҳий даражаси, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади»<sup>1</sup>.

*Ички ишлар органлари ходимларининг психологик тайёргарлиги* ходимларга оператив хизматга оид вазифаларни муваффақиятли ва самарали

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – 12-б.

бажариши учун зарур бўлган хислатларни шакллантириш, ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича махсус ташкил этилган мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Психологик тайёргарлик ходимлар хизмат фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ. Шунга кўра, психологик тайёргарликнинг мазмуни аниқ ифодаланган касбий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

*Ходимлар психологик тайёргарлигининг мазмунига* қуйидагиларни киритиш мумкин:

– жиноятчиликка қарши курашга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш хислатини шакллантириш;

– махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш;

– касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатишнинг уқув ва кўникмаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

– оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга кириш кўникмаларини шакллантириш;

– фуқаролар билан мулоқотга киришнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик-педагогик усулларини кўллаш маҳоратини такомиллаштириш;

– оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш, психологик барқарорликни шакллантириш;

– шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш;

– иродавий фаоллик ва иродавий ҳаракатлар кўникмасини шакллантириш;

– ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлаш.

**Ходимларда жиноятчиликка қарши курашга психологик тайёрликни шакллантириш** – бу психологик тайёргарликнинг энг муҳим

жиҳатдир. Бунда ходимларнинг касбий йўналганлигини шакллантириш, уларда касбий фаолиятга бўлган қизиқишни ривожлантириш асосий ўрин эгаллайди.

Бу шунингдек, ходимларда ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасиз муҳитини юзага келтириб, ҳуқуқий нормаларни сўзсиз бажаришдан иборат барқарор одатни, кучли ривожланган ҳақиқат, адолат ва қонунийлик ҳиссини шакллантиришни тақозо этади.

**Махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш.** Бу ходимларни психология асослари билан таништиришни, уларда ўз ишларида одамлар, гуруҳлар психологиясини инобатга олиш кўникмалари ва одатларини шакллантиришни тақозо этади. Оператив хизмат фаолиятининг психологик жиҳатларини тушуниш ходимларнинг ўтказиладиган тергов, оператив-қидирув ва бошқа ҳаракатлардаги психологик хусусиятларни билиш ва ҳисобга олишни тақозо этади.

**Касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш.** Ушбу хислатлар ходимлар билиш фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Уларга касбий зийраклик, идрок, кузатувчанлик, хотира, тафаккур ва тасаввур киради. Ушбу хислатларни ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар ходимларнинг касбий жиҳатдан муҳим маълумотларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш самарадорлигини ошириш қоидаларини, мантиқий фикрлаш ва ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг асосий усуллари ва уларга доир билимларни эгаллашларини тақозо этади.

**Турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқуви маҳорати ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш.** Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида асосан турли тоифадаги фуқаролар (жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, махсус ҳисобда турганлар ва ҳ.к.) билан доимий мулоқотда бўладилар. Олинадиган оператив муҳим ахборотнинг сифати ходимларнинг улар билан муомала қилиш, психологик алоқа ўрнатиш, ишончли муносабатга киришиш

қобилиятига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, бутун фаолиятнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Психологик тайёргарлик давомида ходимлар психологик алоқа ўрнатиш тизими, усуллари ва йўлларини эгаллашлари керак. Уларда нотаниш кишилар билан тезда алоқа ўрнатиш ва уларни ўзига мойил қилиш, одамларнинг фикрини эшита олиш, мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни енга олиш маҳорати шаклланиши лозим. Психологик тайёргарлик ходимлардан психологик алоқа ўрнатиш жараёнини енгиллаштиришга имкон берувчи муайян қоидаларни ўзлаштиришларини тақозо этади.

**Оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга кириш кўникмаларини шакллантириш.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳоратини ташкил қилувчи муҳим таркибий қисмлардан бири жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш учун зарур ахборот олиш мақсадида фойдаланадиган ролга кириш кўникмаларидир. Шу муносабат билан психологик тайёргарлик давомида ходимлар ўзларининг ички ишлар органларидан эканликлари, ҳақиқий хислатлари ва ҳолатларини, мулоқотга киришишдан кўзлаган мақсадларини ниқоблай олиш маҳоратини эгаллашлари керак.

**Фуқаролар билан мулоқотга киришишнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик-педагогик усулларини қўллаш маҳоратини такомиллаштириш.** Фуқаролар билан муомала қилиш жараёнида юзага келадиган низоли вазиятлар ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти учун одатий ҳолдир. Шу боис ходимларда низоли вазиятни бартараф этиш маҳоратини шакллантириш, уларга низоларни ҳал қилиш усулларини ўргатиш жуда муҳим. Ходимлар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан одамларга психологик таъсир кўрсатишнинг ишонтириш, мажбурлаш, рағбатлантириш сингари муайян усулларидан моҳирлик билан фойдаланишга боғлиқ. Ходимларда низоли вазиятда ўзини тутишнинг турли тактик усулларини қўллаш ҳамда низоли вазиятдан оператив мақсадда фойдаланиш кўникмалари ҳам шаклланиши керак.

**Оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш, психологик барқарорликни шакллантириш.** Ходимлар ўзларининг кундалик амалий ишларида касбий ҳаракатларини бажариш сифатига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ноқулай психологик ҳолатлар таъсирига учрайдилар. Психологик барқарорликка ходимларнинг салбий ҳолатлар таъсирига тушмаслик қобилятида намоён бўладиган психологик тайёргарликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қаралади. Бу ўринда оператив хизмат вазифаларини бажариш чоғида мазкур қийинчиликларга олдиндан кўзи етиши қобилятини шакллантириш муҳим. Психологик барқарорликнинг шаклланиши ходимларнинг мураккаб психологик қийинчиликлар вазиятда ўз касбий вазифаларини камчиликсиз бажариш машқини олишига ёрдам беради. Бунга машқлар ва амалий машғулотлар жараёнида оғир вазиятларни моделлаштириш йўли билан эришиш мумкин.

**Шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш.** Ходимларнинг психологик барқарорлиги ва оғир вазиятларда ўзини тута олиш қобилятини шакллантириш уларда масъулият, муваффақиятсизликка чидаш, таваккалга мойиллик ва барқарорлик, ўзини бошқара олиш, собитлик каби муайян ҳиссий-иродавий хислатларни шакллантиришни тақозо этади. Ходимлар ўз хатти-ҳаракатларини ва ҳис-туйғуларини назорат қилиш ва бошқариш усулларини эгаллаган бўлишлари керак. Улар машғулот ва машқлар жараёнида ўзларини бошқариш, асабий зўриқишни йўқотиш, ички имкониятларини қўйилган вазифани бажаришга сафарбар қилиш усулларини эгаллашлари лозим.

**Иродавий фаолликни ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш.** Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг амалий фаолиятларида ишни сифатли бажаришни қийинлаштирадиган, баъзан эса қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қиладиган турли хил қийинчилик ва тўсиқларга дуч келадилар. Бундай вазиятларда уларни ушбу қийинчилик ва тўсиқни енгишга ундовчи иродавий фаолликни намоёниш этишларига тўғри

келади. Иродавий ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш машғулотлар жараёнида вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқларни йўқотишга ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида тўпланган иродавий фаоллик тажрибаси шахснинг иродасини, иродавий хислатларини ривожлантиришга таъсир этади.

**Ишдаги рухий зўриқишларга тайёрлик.** Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига хос хусусиятлардан бири шундаки, иш жараёнидаги ҳар хил омиллар таъсири стресс ҳолатини келтириб чиқаради, асаб тизимига ҳаддан ташқари катта оғирлик тушади. Бу, ўз навбатида, улар амалга оширадиган фаолиятнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу боис ходимларни ушбу келадиган бундай жараёнларнинг асосий қонуниятлари ҳамда қисқа вақт ичида иш қобилиятини тиклашга ва ортиқча асабий зўриқишни батараф этишга ёрдам берадиган усуллар (чунончи, психологик бошқарув машқларини бажариш усуллари) билан таништириш зарур.

Ходимлар психологик тайёргарлигининг хусусиятини белгиловчи марказий бўғин, ўзак уни ўтказиш усуллари дир. Бу ўринда оператив хизмат вазифаларини самарали бажаришга имкон берувчи психологик тайёргарлик усуллари назарда тутилади. Сўнгги вақтларда психологик тайёргарликни ташкил этишда ички ишлар органлари ходимларининг касбий психологик тренингидан фойдаланиш кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Касбий-психологик тренинг ходим шахсининг касбий муҳим хислатларини самарали ривожлантиришга имкон берувчи мақсадга қаратилган машқлар тизимидир. Ушбу тренинг ходимнинг касбий фаолияти самарадорлигини оширадиган тегишли психологик усулларни эгаллашини ҳам тақозо этади.

Психологик тайёргарликни амалга ошириш учун қуйидаги *касбий-психологик тренинг усуллари* қўлланилади:

- билиш хислатлари тренинги;
- коммуникатив тренинг;
- ролга кириш тренинги;
- психологик бошқарув машқлари;



– психо-техник ўйинлар.

Касбий психологик тренинг усуллари оператив ходим учун зарур бўлган хислатлар, кўникмалар ва маҳоратни самарали шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

*Билиш хислатлари тренингга* касбий хотира, касбий кузатувчанликни ривожлантириш ва касбий идрок бўйича тажриба тўплаш тренинглари, касбий зийракликни ривожлантириш бўйича машқлар киритилади.

*Коммуникатив тренинг* психологик алоқа ва ишончли муносабат ўрнатиш, оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларга психологик таъсир кўрсатиш кўникмаларини эгаллашни билдиради.

Ходимлар оператив хизмат вазифаларини амалга ошириш жараёнида турли ролларни бажаришларига тўғри келади. Бошқа қиёфага кириш, ўз хатти-ҳаракатларини ниқоблаш қобилияти ички ишлар органлари ходимлари касбий маҳоратининг зарурий таркибий қисми бўлиб, унда тегишли хислатларни шакллантириш учун *ролга кириш тренинги* катта аҳамият касб этади. Ролга кириш кўникмалари роль гимнастикалари, яъни нутқ ва нутқсиз воситаларга тегишли ролга мос ташқи ифодали белгилар бағишлаш, ушбу воситаларни қўллашда импровизация қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус машқларни бажариш орқали ривожлантирилади.

Ҳиссий-иродавий жараёнларни бошқара олиш кўникмаларини эгаллаш учун *психологик бошқарув машқларидан* фойдаланилади. Бу машқлар шахснинг ҳиссий ҳолатларини бошқариш, ортиқча асабий зўриқишни бартараф этишга, ходим фаолиятида муайян ижобий кайфият яратишга имкон берувчи ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларида фойдаланиш кўникмаларини эгаллашга қаратилган. Ушбу гуруҳга аутоген машқлар, иродавий ўзини ўзи бошқариш усуллари ҳам киритилган.

*Психотехник ўйинлар* ходимларни психологик тайёрлашнинг самарали усули бўлиб, ўйин тарзидаги хатти-ҳаракатларни бажариш орқали муайян хислатларни шакллантириш учун қўлланилади. Психотехник ўйинлар психологик жиҳатдан амалдаги вазиятларга яқин, ҳақиқатда мавжуд бўлган

вазиятларни қарор топтиришга асос бўладиган муайян ролларни, ўзаро ҳаракатларни бажаришни назарда тутди.

Психологик тайёргарлик усулларига *оператив хизмат фаолияти шароитлари ва қийинчиликларини психологик моделлаштириш* ҳам киритилади. Бу оператив хизмат фаолиятининг ҳақиқий шароитларига яқин бўлган ташқи ва ички (психологик) шароитларни яратишга имкон берувчи йўллар, усуллар ва воситалар мажмуидир.

Психологик тайёргарлик усуллари орасида *амалий вазифаларни психологик таҳлил қилиш ва бажариш усули* ҳам ажратилиши мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги ходимлар касбий психологик тайёргарлигининг даражасини ҳақиқатда текшириш имкониятидадир. Амалий вазиятларни ҳал қилиш ходимларга эришилган амалий билимлар, кўникмалар ва уқувларни оператив хизмат фаолиятида қўллашга имкон беради.

Касбий психологик тренинг вазифалари, мазмуни ҳамда амалга ошириш йўлларининг мураккаблиги ва масъулиятлилиги учун уни ўтказишга юқори талаблар қўйилади.

Касбий психологик тренингни амалга оширишда уни ташкил этишнинг муайян **принципларига таяниш зарур**. Қуйидагилар умумий принциплардир:

- тренингнинг илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- тренингнинг касбий йўналганлиги;
- уни ўтказишда мунтазамлилик ва кетма-кетлик;
- таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги;
- тайёргарлик кўришнинг барча учун осонлиги.

Касбий-психологик тренингнинг қўлланиладиган восита ва усуллари мажмуининг *илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги* унинг психологик жиҳатдан нозик жиҳатларини чуқур ва аниқ билиш ҳамда юридик-психология ва педагогика тавсияларига риоя қилиш зарурлигидан келиб чиқади.

**Тренингнинг касбга йўналганлиги** тайёргарлик вазифалари ва мазмуинининг ходимлар касбий фаолиятининг хусусиятлари ва улар дуч

келадиган психологик қийинчиликлардан келиб чиқиб максимал даражада аниқлик киритилишида ифодаланади. Шундан келиб чиқиб таълим вазифалари, усуллари, объектларини танлаш, шарт-шароитлар ва ҳаракатлар ҳақиқий ҳолатга ўхшатиб бажариш қилиш зарур.

Касбий психологик тренингни ўтказишда **мунтазамлилик ва кетма-кетлик** янги билим, кўникма ва уқувлар аввалгиларининг асосида эгалланганда, аввалгилари эса ривожлантиришни талаб этганда психологик тайёргарликни ўтказишда қатъий мантиқий алоқа бўлишини талаб этади. Бунда оддийдан мураккабга, синалгандан синалмаганга томон бориш; машқ қилувчиларнинг ҳақиқий билимларини ва аввалги машғулотларда эришган натижаларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда катта, аммо бажарса бўладиган қийинчиликларни яратиш зарур. Ушбу машғулот топшириқлари (вазифалари, суръати, шароитлари ва ш.к.)даги қийинчиликлар аввалгиларидан биров кўпроқ бўлгани маъқул. Агар машқ қилувчи, ҳар қанча уринмаса-да, вазифани бажара олмайётган бўлса, қийинчиликни камайтириш лозим.

Машқ вақтидаги қийинчиликлар тингловчи ёки (ходим)ларнинг имкониятларини сафарбар қилади, таълим жараёни тезлашади, натижалар ҳам ошиб боради. Вазифалар оддий, осон бажариладиган бўлса, машғулотларга қизиқиш пасаяди, таълим суръатлари секинлашади.

**Таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги** принципи ходимларнинг ўз қобилиятларини такомиллаштириб боришлари, билим олишларини фаоллаштириш, психологик тайёргарлик бўйича машғулотларга қизиқишларини барқарор шакллантиришга қаратилган онгли фаолиятини таъминлашдан иборат. Машқ қилувчи нимани ва қандай тартибда бажариш кераклигини аниқ тушуниб олиши зарур. Бунда ҳаракатни эгаллаш суръатлари ва даражаси ҳамда амалиётда топшириқни бажариш самарадорлиги ошади.

**Тайёргарлик кўришининг осонлиги** принципи психологик тайёргарликни ходимларнинг зарур билим ҳамда талаб этилаётган кўникма ва уқувларни ўз ақлий ва жисмоний кучларини муайян даражада зўриқтириш эвазига онгли

равишда ўзлаштира олишлари учун қулай тарзда ташкил этиш ва ўтказишни талаб этади.

Касбий психологик тренингни самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири ходимларнинг ўз имкониятларини, касблари учун муҳим шахсий хислатларининг ривожланганлик даражасини билишларидир. Бу эса ходимга тайёргарлик дастурини тўғри белгилаш, ўз кучини керакли йўналишда жамлаш имконини беради. Бу борада ходимга ўз психологик имкониятларини яхшироқ билиш имконини берадиган муайян оддий психодиагностик усуллардан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин.

### **3-§ Касбий кўникма ва малакалар амалий ўқитишнинг асосий негизи сифатида**

Психология фанида “ҳаракат” тушунчаси таҳлил қилинганида, у мотор (жисмоний) ҳаракат, сенсор (хиссий) ҳаракат ва марказий қисмга ажратилади. Шунга мувофиқ равишда ажратилган таркиблар ҳаракатни амалга ошириш жараёнида белгиланган топшириқларни ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариш билан шуғулланади. Ҳаракатларни ижро этиш, назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган йўл-йўриқлар унинг усуллари дейилади.

Одатда ҳаракатларнинг анланган ёки анланмаган тарзда амалга оширилиши кузатилади. Ҳаракатни бажаришда онгнинг борган сари камроқ иштирок этиши туфайли ишни амалга ошириш автоматлаша бошлайди, айрим майда чуйда қисмларга нисбатан эътибор (назорат) камаяди. Шунинг учун инсон фаолиятида мақсадга йўналтирилган саъи-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг муайян даражада автоматлашуви *малака* дейилади. Айнан шу боис ҳаракатларни бошқариш билан саъи-ҳаракатларни бошқариш айнан бир нарсас эмас, албатта. Чунки саъи-ҳаракатларнинг юксак даражада автоматлашуви унинг ўз таркибидаги ҳаракатни онгли равишда идора қилиш билан уйғунлашиб кетади. Патологик ҳолатлардан ташқари, барча фаолият турлари онг билан бошқарилиб туради. Ҳаракат таркибларининг автоматлашуви: *биринчидан*, онгли равишда йўналтирилган объектни

алмаштиради; *иккинчидан*, ҳаракатнинг умумий мақсадлари, унинг ижро этилиши шарт-шароитлари, натижаларини назорат қилади; *учинчидан*, уларни баҳолашни *онгинг тасарруфи* доирасига киритади.

*Малаканинг тузилиши.* Ҳаракатнинг қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида айрим сифат ўзгаришлари юз беради ва улар қуйдагилардан ташкил топгандир:

*Биринчидан*, саъй-ҳаракатларнинг ижро этилиши усуллари ўзгаради. Бунда бир қатор содда ҳаракатлар ягона жараёнга (таркибга) кирувчи баъзи содда ҳаракатлар ўртасида тўсиқ ва узилиш рўй бермаган битта мураккаб саъй-ҳаракат ўзаро бир-бирига қўшилиб кетади, ортиқчалари эса бартараф этилади.

*Иккинчидан*, ҳаракатни сенсор (ҳиссий) назорат қилиш усуллари ўзгаради. Кўриш органи орқали саъй-ҳаракатлар амалга ошишини назорат қилиш кинестетик (мушаклар ёрдамида ҳаракат) назорат билан алмашади.

*Учинчидан*, ҳаракатни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб боради. Дикқат ҳаракат усуллари идрок этишдан ҳоли бўлиб, у ҳаракат вазияти ва натижасига қаратилгандир. Топшириқ ечимлари, ақлий фаолият жараёнлари тезкорликда, ҳамкорликда бажарила бошлайди.

Малакани шакллантиришда бажарилаётган ҳаракатларнинг нутқ фаолиятида сўз билан ифодаланиши ва ҳаракатнинг тимсолини хаёлда мужассамлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Ана шу йўсинда инсоннинг малакаси автоматлашган онгли хатти-ҳаракат сифатида шаклланади. Малакани шакллантириш механизми, принципига усул ва воситаларини танлаш хусусиятига алоҳида эътибор бериш унинг муваффақиятини таъминлайди. Бунинг учун қуйдагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ: а) усулларни танлаш; б) ҳаракатда онг назорат функциясини камайтириш; в) мақсадни равшанлаштириш, г) шарт-шароитни тасаввур этиш; д) малакани шакллантириш моделини хаёлда яратиш ва ҳоказо.

Психология фанида малакани шакллантиришнинг асосий босқичлари схемаси ишлаб чиқилган, бунда асосий эътибор малаканинг хусусиятига, мақсадига, ҳаракатни бажариш усулларига қаратилади. Шунингдек,

малакаларнинг ўзаро таъсири муаммосига алоҳида аҳамият берилади, чунки инсон малакалар тизимига амал қилган ҳолда янги малакани ўзлаштиради. Олдин эгалланган малака, кейингисининг таркиб топишига ёрдамлашади, гоҳо унга халақит бериши ҳам мумкин. Ҳаракатнинг автоматлашуви унинг мақсади, объекти, вазияти ва шарт-шароитлари билан белгиланади. Ҳаракатнинг муваффақияти, самарадорлиги кўп жиҳатдан сенсор назорат ҳамда унинг янги шароитга кўчишига боғлиқ.

Малакаларнинг нотўғри (тескари) кўчирилиши интерференция ҳодисасини вужудга келтиради. Фаолият кўникма, малака, усул, ҳаракат, саъи-ҳаракат, операция каби таркибий қисмлар туфайли муайян натижага эришади, моддий ва маънавий билимларни вужудга келтиради.

Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, фаолият шахслараро муносабатлар тизими тариқасида, ҳамкорлик тарзида намоён бўлади. Фаолиятда инсон шахси (унинг хусусиятлари) акс этади. Онг билан фаолият бирлиги принципига асосланиш орқали шахс камол топади, шахслараро муносабат амалга ошади, ижтимоий тажрибалар ўзлаштирилади, шахс ўзаро таъсир ёрдамида ижтимоийлашади. Инсон шахсининг шаклланиши ўйин, таълим, меҳнат, спорт ва бошқа фаолият турларида амалга ошади. Ҳаракат туфайли фаолиятни амалга ошириш жараёни юзага келади, хулқ-атвор, муомала (коммуникация) воситасида эҳтиёж, истак, ижтимоий талаблар қондирилади, турли ахборотнинг ўзлаштирилиши натижасида шахс таркиб топа бошлайди.

**1. Ўйин фаолияти.** Фаолиятнинг оддий шаклларида бири ўйин ҳисобланади, лекин у тобора такомиллашиб, содда ҳаракатлардан кейинчалик сюжетли, роли ўйинларга, ҳатто спортгача мураккаблашиб боради. Атроф табиий муҳитни акс эттиришида иштирок эта бошлайди. Инсоннинг борлиқни инъикос этишидаги дастлабки уриниши ҳаракат орқали намоён бўлади. Ҳаракат боланинг табиатга, уни қуршаб турган кишилиқ дунёсига нисбатан муносабатини, улар тўғрисидаги илк таассуротлар, содда тасаввурлар, билимларни ўзлаштиришни англади. Кейинчалик оддий ҳаракатлар муайян

маъно касб этиб, сюжетли ва ролли ўйинларга айланади. Ўйинлар миллий (этник) ва умумбашарий туркумлардан таркиб топган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида акс эттиради. Ўйинлар такомиллашиб бориб спорт турларига, спорт фаолиятига (жумладан, шахмат, домино, футбол, шашка ва ҳоказо) ўсиб ўтади. Спорт ўйин фаолияти сифатида барча ёшдаги инсонларга хос бўлиб ҳисобланади.

Ўйин фаолиятида ўсмир ижтимоий воқеликни таклид, роль орқали ижро этишга ҳаракат қилади ва шу йўсинда атроф табиий муҳит тўғрисидаги, ижтимоий турмушдаги шахслараро муносабатларни ўзлаштира боради. Ижтимоий турмушдаги у ёки бу ходисани роль орқали ижро қилади. Сўз билан ҳаракатнинг бирикуви натижасида ўйин фаолият тусини олади ва муайян маъно, ахборот бериш, узатиш имкониятига эга бўлади. Дастлабки ўйин ўсмирнинг катталар хатти-ҳаракатини айнан такрорлаш, уларга таклид қилиш билан тавсифланади. Сюжетли ўйинлар борлиқнинг гоҳ англаган, гоҳ англамаган ҳолда у ёки бу томонларини эгаллашга хизмат қилади.

Ўйин даставвал ўсмир учун вақт ўтказиш, машғул бўлиш функциясини бажарса, кейинчалик ижтимоий, тарихий тараққиёт намуналарини ифодалаш даражасига ўсиб ўтади. Роллар, маъноли ҳаракатлар, ибратли имо-ишоралар, тушунчалар ўсмир шахсини ривожлантиришда фаол иштирок этади.

**Таълим.** Таълим ҳам жараён, ҳам фаолият сифатида инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва муайян давр учун етакчи фаолият сифатида намоён бўлиши мумкин. Таълим бошқача айтганда, ўқитувчи билан ўқувчининг субъект-субъект муносабатидаги ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ўқитувчи ахборот узатувчи (коммуникатор) ўқувчи эса уни қабул қилувчи объект сифатида талқин этилади, лекин икки ёқлама ҳаракат туфайли маълумот инсонга англашилади, ўзаро таъсир, ўзаро англашув, тушунув, ўзаро субъектларнинг бир-бирга зарурлиги, ўзаро бар-бирини тақозо этиши ҳамкорликнинг муваффақияти кафолатли ҳисобланади. Таълим ўқув фаолияти, ақлий фаолият, билиш фаолиятига туртки беради, чунки ҳар қайси фаолиятнинг шакли ақлий меҳнат туфайли амалга ошади. Таълимнинг бошқа фаолият

турларидан фарқи натижасининг ўзига хослиги, барча босқичларига онгли ёндашув ва муносабатда бўлишдир. Таълим ўқув фаолияти ёки жараёни сифатида мустақил изланиш, ижодий муносабатни, турли вазият (аудитория ва ундан ташқарида)ни, ҳар хил босқични (бошланғич, ўрта, махсус, олий таълим) ўзида мужассамлаштиради. Мустақил билим олиш ва мутолаа қилиш ҳам ўқув фаолиятининг муайян тури бўлиб, шахсий илмий, ижодий изланиш маҳсули ҳисобланади.

Таълим тарбия билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади, субъектга объектив таъсир ўтказиш туфайли билимлар эгалланади, муайян шахсий фазилатлар таркиб топади. Таълимнинг моҳиятига (матнда ғоя, таассурот, мазмун, сюжет, тимсол орқали) тарбиявий таъсир ўтказиш дастурий асосда, иерархик тарзда сингдирилади. Таълим муайян гуруҳ ва жамоани шакллантиради, шахслараро муносабат маромлари билан таништиради, шахсий фазилатларнинг таркиб топишига, субъектнинг ижтимоийлашувига сезиларли таъсир ўтказади.

Таълимнинг яна бир муҳим функцияси шуки, у турли ёшдаги одамларни касб танлашга йўналтиради, касбий тайёргарликни амалга оширишга, мутахассис сифатида шаклланишга муҳим таъсир ўтказади. Таълим ижтимоий жиҳатдан шахсларни камол, ихтисосликка оид билимлар билан қуроллантириш, уларнинг у ёки бу соҳада мутахассис бўлиб фаолият кўрсатишига хизмат қилади. Таълим мустақил фикрлаш, психологик имкониятларни рўёбга чиқариш, баркамолликка интилиш борасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида таълим етакчи фаолият сифатида муҳим роль ўйнайди.

**Меҳнат фаолияти.** Инсоният ўзининг меҳнати туфайли онгли мавжудодга айланган, жамиятда мўл-кўлчиликни яратган, табиатда эса айрим ўзгартиришларни амалга оширган, борлиқ тўғрисидаги маълумотларни эгаллашга мушарраф бўлган. Меҳнат фаолиятининг таркибида меҳнат, иш ҳаракат ётади. Уларнинг ҳар қайсиси меҳнатнинг муайян улушини амалга ошириши туфайли фаолият маҳсули вужудга келади, у моддий ёки маънавий шаклда бўлиши мумкин.



Аждодларимиз томонидан яратилган касб-кор кўникмаларини авлодларга ўргатиш меҳнат фаолияти ёрдамида амалга оширилган. Касбий малакани шакллантириш, такомиллаштириш, маҳсулот яратиш ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш меҳнат фаолияти орқали рўёбга чиқарилади. Меҳнат фаолиятида амалий кўникмалар барқарорлашади, назарий фикр, ғоя, мулоҳаза вужудга келади. Фаолият билан онг бирлиги мавжуд бўлганлиги сабабли шахс таркиб топади, ҳам ақлан, ҳам ахлоқан ривожланади. Меҳнат фаолияти индивидуал хусусият касб этса-да, лекин унинг моҳияти ижтимоийдир. Инсон шахсий эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қилади, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаради, пировард натижада жамият фаровонлиги учун ўз шахсий улушини қўшади.

Меҳнат фаолияти яшаш, эҳтиёжни қондириш, келажак учун мўлк-кўлчилик вужудга келтириш, яратилган маҳсулотни (меъморчилик, санъат, маданият асарларини) сақлаш, асраш, мерос сифатида қолдириш функцияларини бажаради. Ша боис меҳнат фаолияти ўн минглаб касб-кор профессиограммасига асосланган ҳолда турли шаклда ташкил қилинади ва муайян режа, мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳар хил вазиятларда амалга оширилади.

Меҳнат маиший ва ишлаб чиқариш турларига ажратилган ҳолда инсоннинг лаёқати, қобилияти, салоҳиятига қараб тақсимланади. Шунинг учун меҳнат фаолиятининг содда кўринишлари илк болалик ёшидан кўзга ташланади, бу ўринда дастёрлик, кўмаклашиш ҳолатлари назарда тутилади. Кейинчалик яхлит меҳнат фаолияти ташкил қилинади ва муайян мақсад амалга оширилади, унинг маҳсули (натижаси) моддий кўринишга эга бўлади.

Меҳнат турлари маиший, ишлаб чиқариш соҳалари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлади ва ижтимоий талаб ва эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Меҳнат фаолияти шахсни рағбатлантиради (маош, мақтов) ва касбий шаклланишининг янги қирраларини рўёбга чиқаришга замин ҳозирлайди. Натижада шахсни қобилиятли, салоҳиятли малакали мутахассис, маҳоратли, янгиликка интилувчи касб эгаси босқичларига эришишга сафарбар этади.

Меҳнат фаолияти кишида праксизм (лаззатланиш) ҳиссини шакллантиради, бутун имкониятини ишга туширишга моддий, маънавий асос яратади.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органларида амалий ўқитишнинг психологик муаммолари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Касбий кўникма ва малакалар таълим асоси деганда нимани тушунасиш?
3. Кўникма ва малака тушунчаларига психологик тавсиф беринг.
4. Турли мутахассислик бўйича хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларининг кўникма ва малакаларидаги ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат?
5. Касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш усулларини тушунтиринг
6. Тактик усуллар ва уларни шакллантириш босқичларини тавсифланг.
7. Педагогик технологиялар ҳамда ўқитиш усулларини кенг қамровли (комплекс) қўллашда касбий-психологик тайёргарликнинг ўрни ҳақида сўзлаб беринг.
8. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий психологик тайёргарлиги ва уларнинг компонентлари ҳақида баён қилинг.
9. Махсус фанларни ўқитишда касбий психологик тайёргарликнинг принциплари ва усулларини қўллаш деганда нимани тушунасиш?
10. Ўқув машғулотларини ўтишда ходимларнинг касбий фаолиятида юзага келадиган психологик қийинчиликларни моделлаштиришга тавсиф беринг.
11. Психологик тайёргарлик асосида ички ишлар органлари ходимларининг касбий кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифатларини ривожлантириш мумкинми?

## 8-мавзу. Гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари

### 1-§ Аудитория билан ишлашда фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари

Маълумки, таълим олаётганлар контингентининг ўзгариши билан педагогик таъсир этиш усуллари ва воситаларини ҳам ўзаро ўзгартириш лозим, чунки ҳар бир тингловчига унинг гуруҳдаги ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашилади. Турли тоифадаги инсонлар бир-бирларидан психологик тузилишининг ўзига хослиги, қизиқишлари характер хусусиятлари, қараш ва эътиқодлари билан фарқ қиладилар, бу эса тарбиявий таъсир этишда ушбу шахсларни ўраб турган борлиқ унга бўлган муносабатни ҳисобга олишни тақозо этади. Ўқитувчи бу хусусиятларни тўғри ҳисобга олса, танланган таъсир этиш усул ва воситалари ўзига мос келса, унда мақсадига эришиш шунчалик самарали бўлади.

Шарқ халқлари педагогикасида таълим-тарбия масалалари биринчидан, қадим манбалар орқали, иккинчидан халқ оғзаки ижоди орқали оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган.

Ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва етарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шу боис таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун тингловчиларда *ўқув мотивлари* мавжуд бўлиши шарт.

**Билиш мотивлари** шахснинг (субъектнинг) гносеологик мақсад сари, яъни билиш мақсадини қарор топтиришга, билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади.

**Ташқи мотивлар** жазолаш ва тақдирлаш, талаб қилиш, гуруҳий тазйиқ, эзгу ният, орзу-истак каби қўзғатувчилар таъсирида вужудга келади. Буларнинг барчаси бевосита ўқув мақсадига нисбатан ташқи омиллар, сабаблар бўлиб ҳисобланади. Бу турдаги ташқи мотивлар таъсирида таълим жараёнида билим ва кўникмани эгаллаш (ўзлаштириш)да қийинчиликлар келиб чиқади ва улар

асосий мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Мотивларнинг навбатдаги тоифасига, яъни **ички мотивлар туркумига индивидуал хусусиятга эга бўлган мотивлар** киради. Улар тингловчи шахсининг ўқишдан кўзда тутган индивидуал мақсадини рўёбга чиқарувчи кўзғатувчи ҳисобланади. Чунки билишга бўлган қизиқишнинг вужудга келиши шахснинг маънавий (маданий) даражасини оширишда ундаги интилишларнинг етилишидир. Бу каби мотивлар таъсирида ўқув жараёнида низоли, зиддиятли ҳолатлар (вазиятлар) юзага келмайди. Албатта, бундай тоифага тааллуқли мотивларда ҳам айрим қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Зеро билимларни ўзлаштириш учун ирода кучини ишга солишга тўғри келади. Ирода кучи мақсадни амалга оширишга ҳалакит берувчи ташқи кўзғатувчилар кучи ва имкониятини камайтиришга қаратилган бўлади. Педагогик психология нуқтаи назардан ушбу жараёнга ёндашилганда тўлақонли вазиятнигина оптимал (оқилона) дейилади.

Таълим жараёнида бундай вазиятларни яратиш ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланиб, унинг фаолияти ички англанган мотивлар тингловчилар хулқ-атворини шунчаки бошқариш билан чекланмай, балки улар шахсини шакллантиришга, уларда мақсад кўя олиш, қизиқиш уйғотиш ва идеалларни таркиб топтиришга қаратилган бўлади.

Аниқ нарса ва ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар, инсоннинг фаоллиги муайян манбалар билан боғлиқ бўлса, уйғунлашиб борса, **фаолият мотивлари даражасига** ўсиб ўтади. Психологияда манбалар ўз моҳиятига кўра туркумларга ажратиб қуйидагича талқин қилинади:

*Инсон эҳтиёжлари билан белгиланувчи ички манбалар.* Организмнинг табиий эҳтиёжларини намоён қилувчи туғма ва жамоада шаклланувчи ижтимоий эҳтиёжларни вужудга келтирувчи орттирма хусусиятли бўлиши мумкин.

Туғма эҳтиёжлар орасида ўқишга, фаолликка, хабар, ахборот ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжлар муҳим роль ўйнайди.

Мотивга генетик ёндашилганда шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бола туғилгандан бошлаб бевосита фаоллик кўрсатишга мойил бўлади: у кулади (новербал муомала шакли), кимирлайди (фазода ўрин алмашиш), қўл ва оёқларини ҳаракатлантиради (мослашиш), ўйнайди, сўзлашади (шахслараро муносабатга киришиш), саволлар беради (диалогик мулоқот ва бошқалар). Бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларнинг ўзи уларни кониктиради, воқеликни инсоннинг ахборотга нисбатан эҳтиёжини тажрибада кўрсатиш мумкин: агар текширилувчини маълум вақтга ташқи оламдан ажратиб қўйилса, унинг иродаси ҳиссиёти, интеллектида бузилиш содир бўлади, зерикади, иродавий ҳаракат тизими йўқолади, фикр юритиш жараёни парчалади, иллюзион, галлюционал ҳолатларга учраши мумкин.

Ижтимоий турмуш шароитида фаоллик ва ахборот тақчиллиги одамларни салбий ҳис-туйғу ва кечинмаларга олиб келади, фаолият тузилиши ва унинг динамикасига путур етказилади. Ижтимоий турмушда юзага келувчи эҳтиёжлар орасида **ўқув фаолиятида** муҳим роль ўйнайди ва уни кучайтирувчи ижобий хусусиятга эга бўлган ва ижтимоий гностик эҳтиёжлар алоҳида аҳамият касб этади; шахсни камол топтириш жараёнида ҳукмрон мавқеини эгаллайди. Уларнинг туркумига билимларга бўлган эҳтиёж, жамиятга фойда келтиришга интилиш, умумбашарий ютуқларга эришишга интилиш кабилар киритилади.

*Инсон ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий шароитларида аниқланувчи ташқи манбалар.* Бундай манбаларни талабчанлик, орзу (кутиш) ва имкониятлар ташкил қилади. Жумладан, талабчанлик инсонга фаолият ва хулқ-атворнинг муайян турини ҳамда шакли (кўриниши)ни баҳш этади. Мазкур ҳолатни куйидаги мулоҳазалар ёрдамида изоҳлаш мумкин: ота-она боладан овқатни қошиқда ейишни, стулда тўғри ўтиришни, «рахмат» дейишни талаб қилса, ўқув муассаси тингловчи ёки талабдан белгиланган вақтда дарсга етиб келишни, ўқитувчиларга қулоқ солишни, берилган вазифаларни бажаришни қатъий белгилайди. Жамият эса ўз фуқароларига хулқ, феъл-атвор орқали маълум ахлоқий нормалар ва қоидаларга риоя қилишни, шахслараро муомалага

киришиш шакллари (воситалари)ни эгаллашни ҳамда аниқ вазифаларни бажаришга амал қилишларини ўргатади.

Психология фанининг терминлари моҳиятида орзу ва интилиш жамиятнинг шахсга нисбатан муносабатининг ифодаланиш механизми ётади. Этнопсихологик стереотипларда уйғунлашган хулқ-атвор белгилари ва фаолият шакллари ўзига хосдир. Одатда, одамлар бир ёшли бола тик юриши керак, деб ҳисоблайдилар ва улар бу тухфани боладан кутганлиги туфайли унга алоҳида муносабатда бўладилар. Психологияда кутиш тушунчаси талабдан фарқли ўларок, фаолият юзага келиши учун умумий замин яратади.

Имкониятлар маълум фаолиятнинг кишилар иродаси билан боғлиқ (ирода ҳаракати (кучи), сифати, принципи) объектив шарт-шароитларни ўзида акс эттиради. Агар одамларнинг шахсий кутубхонаси адабиётларга бой бўлса, уларнинг ўқиш имконияти юқори даражага кўтарилади. Кишиларнинг хулқ-атвори психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, кўпинча уларнинг объектив имкониятларидан қилиб чиқади. Агар боланинг кўлига тасодифан биология китоби тушиб қолса, унинг шу предметга нисбатан қизиқиши ортиши кузатилади.

*Шахсий манбалар* – одамларнинг қизиқишлари, йўналганлиги ва дунёқарашларининг жамият билан муносабатини акс эттиришдан иборат. Инсон фаоллигининг манбаи – қадрият орқали ифодаланиб, шахс мавқеи (роли)да ўз аксини топади.

## **2-§ Дарсда мунозара, брейншторминг ва тренинглар ўтказиш технологияси**

Психологларнинг сўнгги йилларда ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида, яъни мунозарада ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Уларнинг фикрича, гуруҳда ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий тасир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятини самаралироқ қилади. Яхши ташкил этилган

мунозара жараёни, ундаги фаолият шакли, индивидуал тафаккурнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, улар ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши аллақачон исбот қилинган.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «**брейншторминг**» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «**мияни забт этиш**», «**аклий ҳужум**» дир.

Бу усулни биринчи марта америкалик олим А.Осборн ўтган асрнинг 30-йиллардаёқ таклиф этган ва унинг ёрдамида йирик лойиҳаларни режалаштириш ҳамда унинг натижаларини олдиндан башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди.

Тўғри ташкил этилган брейнштормингнинг амалий афзалликлари кўп, фақат бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, уларнинг асосланиши шарт эмас;

ҳар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан ҳолидир;

манتيкий фикрлардан кўра фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикрлар муҳим;

фикрлар билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади;

билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу тингловчиники деб ажратилмайди, яъни улар – муаллифсиздир;

фикр ёки яхши ғояларни танлаш алоҳида «танқидчилар» ёки гуруҳнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

### **3-§ Муаммоли ўқитиш ва уни ўтказиш усуллари.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, илғор педагогик технологияларни ўрганиш ва уларни тадбиқ қилиш зарурлиги кўп бора таъкидланган. Педагогик технология нимани англатади ва одатий усуллардан нимаси билан фарқ қилади? XX асрнинг иккинчи ярмида ҳеч бир машҳур педагог амалиётда

қўлланувчи ҳамда издошларига машғулотларни ўзлари ўтган даражагидек юқори савияда ўтиш имкониятини берувчи педагогик туркум ишлаб чиқмаган. Бунга сабаб, ўтмишдаги атоқли педагогларнинг услублари назаримизда маълум даражада устознинг шахсиятини ўзида жамланганлигида бўлса керак. Издошларнинг ишлари қандайдир даражада яхшиланган, лекин асосчи устозларникидек бўлмаган.

Саноатда «юксак технологиялар» деган тушунча мавжуд. Одатда улар мураккаб ва бошланғич сармоя талаб қилади, фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган бўлиб, ходимларнинг махсус тайёргарлигини тақозо этади. Лекин улар рақобатбардошликни, маҳсулотнинг юқори сифати ва натижада катта даромадни таъминлайдилар. Педагогик технологияни таълим ва тарбияда «юксак» услубиятга таққослаш мумкин, лекин унинг тадбиқ этилиши кўп сарф-ҳаракатни талаб қилмайди. Педагогикада ишлаб чиқиш туркумини яратиш қийинчилик туғдиради.

Бунга ўқитиш (таълим-тарбия)га оид вазифаларнинг кўплиги, таълимнинг ташкилий элементлари ва ўқув материалларининг турли-туманлиги, таълим олувчиларнинг индивидуал хислатларига билимларни ўзлаштиришда намоён бўладиган қонуниятнинг мавжудлиги хосдир. Мазкур индивидуал хислатларига боғлиқ қонуниятларга тингловчиларнинг идрок этишдаги ўзига хосликлари ва бошқа омиллар тўсқинлик қилади.

Педагогик технологияларни яхши ўзлаштирган малакали педагоглар технологик ёндашиш аввалгиларидан анча самарали эканлигини биладилар. Демак, мактаб ўқитувчилари, ўрта махсус, мутахассислик ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари жамоаси педагогик технологияларни ўзлаштириш ҳамда уларни кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш сифатини ошириш учун амалда қўллашлари зарур. Бу эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос келади.

Таъкидлаш жоизки, технология деганда яна жараёнларнинг амалга оширилиши йўллари ва воситалари, шунингдек объектнинг сифат ўзгаришига олиб келувчи билимларнинг умумлашмаси тушунилади.



Шундай қилиб, педагогик технология (берилган) қўйилган мақсадни баҳолашга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этувчи усулларни амалга оширишни билдиради.

Технологик ёндашувда аниқ ўқитиш вазифалари билан белгиланган, махсус фрагментлардан ташкил топган ўқув материали ўзининг интер фаол усулларини назарда тутди, ҳар бир фрагмент эса тест ва зарур қўшимчалар билан тўлдирилади. Ўқув иши (эталон) юқори натижаларга эришишга мўлжалланган.

Технологик ёндашув репродуктив тус беради. Ша боис бундай ўқитишда билим, кўникма ва малакаларнинг зарур минимуми ҳам самарали натижа беради.

Ҳозирги кунда айрим олимлар **репродуктив ўқитишга** иккинчи даражали масала сифатида қарайдилар. Лекин аслини олганда кўпчилик кишилар айнан репродуктив меҳнат билан бандлар, акс ҳолда жамият ўзини энг зарур нарсалар билан таъминлай олмасди. Таълимда ҳам тарбияланувчиларнинг репродуктив фаоллияти асосий ўрин эгаллаши зарур, айнан мана шу шартга риоя қилиш билан керакли билимни эгаллаш ва ижодий фикрлаш учун шароит яратиш мумкин.

Яна шуни назарда тутиш керакки, таълим жараёнида маълум мавзунини ўрганишда битта ўқув саволи мақсадли тарзда репродуктив даражада, қолганлари эса ижодий ёки изланиш орқали ўзлаштирилади. Шу тарзда репродуктив даражада технологик ёндашувнинг ўзлаштирилиши педагогик технологияларнинг маҳсулдор ва ижодий изланиш даражасига ўтишнинг зарур шароитларида мустақил асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, педагогик технологияларга эвристик, ижодий ёндашув имконияти мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида шундай вазият кўзга ташланади: бир тарафдан, тингловчи ва талабалар ўқиш самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик технологияни ўзлаштиришлари, (чунки педагогик технологияларнинг белгилари педагогиканинг келгуси

инновацияларида қўлланилади); иккинчи томондан эса педагогик фанларнинг янгиликларини ўзлаштириш (ахборот ва коммуникация технологиялари, ижодий тафаккурнинг ривожланиши ва бошқалар) ва замон билан ҳам нафас ҳаракат қилиш кераклиги.

Шунингдек, олимлар орасида дастурлаштирилган ўқитиш ва муаммоли ўқитиш тушунчасининг мазмуни ва мавқеи бўйича моҳиятига доир аниқ қарашлар йўқ.

Дастурлаштирилган ва муаммоли ўқитиш тингловчиларнинг фақат билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш жараёнларини бошқариш сифатида тушунилмоқда.

Муаммоли ўқитишнинг мавқеини белгиловчи сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин: ўқитиш усуллари, ўқитиш шакли, ўқитишнинг тамойиллари, ўқитишнинг тузилиши муҳим йўналиш.

**Дастурлаштирилган ва муаммоли ўқитишнинг анъанавий тизими** тингловчиларнинг билиш фаолияти ва ўқитиш жараёнини бошқариш самарадорлигини оширади.

Лекин амалиётга мутахассисларни тайёрлашда дастурлаштирилган ва муаммоли таълим ҳозир тўлиқ тарғиб қилинмаганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Улардан бири – ўқитувчиларнинг кўпчилиги дастурлаштирилган ва муаммоли ўқитишга психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги.

Таълимга муайян кўламда ва даражада билим, кўникма ва малака беришга, шунингдек шахснинг ақлий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мураккаб талаб қўйилган.

Дастурли ўқитиш кибернетика фани тараққиёти натижаси сифатида пайдо бўлди. Бу таълим иккин томонлама хусусиятга эга бўлиб, ўқитувчи (таълим беради) ва тингловчи (таълим олади)ларнинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида амалга оширилади.

Таълим жараёнида яққол тасаввур, тасвирий кўрсатма, «жонли мушоҳадага ундовчи» материалларнинг роли ниҳоятда муҳимдир.

Ўзлаштирилаётган ўқув материалларининг маълум қисми ҳиссий органларимиз томонидан акс эттирилади. Талабалар билимларни эгаллаш пайтида яққол предметлар, объектлар ходисалар, ҳолатлар, жисмлар ёки уларнинг рамзий тасвирини кузатиш натижасида яққол тасаввур орқали образлар яратадилар. Психологик нуқтаи назардан кўрсатмалилик табиий-предметли, тасвирий ва жонли нутқ ёки жонли мушоҳада турларига ажратилади.

Республикамизнинг саноати, фан ва техникаси математик-ҳисоб китоб ва кибернетика ютуқларини зудлик билан ҳалқ хўжалигига жорий этишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги кунда дастурли ўқитиш унчалик талаб даражасида бўлмаса-да, тўғри ИИВ Академиясида кино, овоз техникаси, фото, телетасвир каби воситалардан имкон қадар фойдаланилмоқда.

Дарҳақиқат, кибернетиканинг объектив қонуниятларини ўқув жараёнига қўллаш таълим олувчиларни керакли маълумотлар билан таъминлайди.

Кўпгина психологлар таълим жараёнини таҳлил қилар экан, уни етарли даражада бошқариб бўлмайдиган жараён деб таъкидлайдилар. Лекин уни бутунлай бошқариб булмайдиган, стихияли равишда таркиб топадиган жараён деб аташ нотўғри. Бу ҳол аниқ мақсадни кўзлаб таълим бериш ғоясига буткул зиддир.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Ички ишлар органлари ходимларини замонавий ўқитишда янги педагогик технология ҳақида тушунча беринг.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитишни такомиллаштириш муаммолари нималар дейилган?
3. Янги педагогик технологияни татбиқ этишнинг муаммолари ва психологик асосларига тавсиф беринг.
4. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.

5. Гуруҳ шароитида фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш деганда тавсиф беринг.

6. Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренинглар ўтказиш технологияси тушунтиринг.

7. Гуруҳ шароитида таълим беришда баҳс турлари ва уларга психологик тавсиф беринг.

8. Тингловчиларнинг коммуникатив сифатларини шакллантиришда янги педагогик технологиянинг тутган ўрни ҳақида сўзлаб беринг.

9. Янги педагогик технологияни татбиқ этишнинг ички ишлар органлари жамоасида раҳбар фаолиятида қандай ўрин эгаллайди?

10. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўқитишни такомиллаштириш муаммоларига тавсиф беринг.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.,2010.
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.–Т.,1997.
- Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» .–Т.,1997.
- Каримов И. А.** Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.– Т.,1996.
- Каримов И. А.** Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.–Т., 1996.
- Каримов И. А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.–Т., 1996.
- Каримов И. А.** Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996.
- Каримов И. А.** Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.,1997.
- Каримов И. А.** Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т., 1998.
- Каримов И. А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.– Т., 1999.
- Каримов И. А.** . Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т., 2000.
- Каримов И. А.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9.–Т., 2001.
- Каримов И. А.** . Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10.–Т., 2002.
- Каримов И. А.** Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.–Т., 2003.
- Каримов И. А.** Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва катъий иродаимизга боғлиқ. Т.12.–Т., 2004.
- Каримов И. А.** Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.–Т., 2005.
- Каримов И.А.** Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлилари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006.
- Каримов И.А.** Жамятимизни эркинлаштириш ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т. Ўзбекистон, 2007.
- Каримов И.А.** Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., Ўзбекистон, 2007.
- Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч.– Т. Ўзбекистон, 2008.
- Каримов И.А.** Ватанимизни босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т. Ўзбекистон, 2009.
- Каримов И.А.** Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепцияси. – Т. Ўзбекистон, 2010.
- Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш–тараққиётимизнинг муҳим омилидир (Президент Ислом КаримовнингЎзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.–2010.–8 дек.
- Каримов И.А.** Ватан ҳимоячиларига байрам табриги //Постда. 14 янв. 2011.
- Асямов С. В., Пулатов Ю. С.** Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги: Ўқув қўлланма. – Т., 2002.
- Белинская Е. П., Тихомандрицкая О. А.** Социальная психология личности.– М., 2001.

- Ватис Вильюнас.* Психология эмоций: Хрестоматия. – СПб., 2006
- Вердервер Р., Вердервер К.* Общение.– СПб., 2005.
- Выготский Л.* Педагогическая психология.–М., 2005.
- Габай Т. В.* Педагогическая психология. –М., 1995
- Гришина Н. В.* Психология конфликта. – СПб., 2005.
- Давлетишин М. Г., Дўстмухаммедова Ш., Мавлонов М., Тўйчиева С.* Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2004
- Давлетишин М. Г.* Замонавий мактаб ўқитувчиси психологияси. – Т., 1998.
- Дьяченко М. И., Кандыбович Л. А.* Психология высшей школы.– Минск, 1995
- Каримова В.* Психология.–Т., 2002.
- Лазвинов И., Сарычев С., Силаков А.* Педагогическая психология.–СПб., 2005.
- Лучинин А. С.* История психологии.–М., 2005.
- Леонов Н. И.* Конфликты и конфликтное поведение.– СПб., 2005.
- Майерс Д.* Социальная психология 7-изд.– СПб., 2005.
- Мешерекова Б. Г., Зинченко В. П.* Большой психологический словарь.–СПб., 2005.
- Платонов Ю. П.* Социальная психология поведения.– СПб., 2006.
- Романова Е. С.* Психодиагностика.– СПб.,2005
- Рубинштейн С. Л.* Основы общей психологии. – СПб., 2006.
- Семечкин Н. И.* Психология социального влияния. – СПб., 2004
- Ильин Е. П.* Психология индивидуальных различий.– СПб., 2004.
- Зимняя А. А.* Педагогическая психология. – Ростов н/д., 1997.
- Каримова В. М.* Ижтимоий психология асослари. – Т., 1994.
- Кузьмина Н. В.* Профессионализм деятельности преподавателя. – М., 1996
- Хрестоматия по педагогической психологии.* –М.,1995.
- Ғозиев Э. Ғ.* Тафаккур психологияси. –Т.,1990.
- Ғозиев Э. Ғ.* Ёш даврлар психологияси. –Т.,1994.
- Ғозиев Э. Ғ.* Умумий психология, 1,2 китоб. –Т., 2002.
- Қодиров У., Умаров Б.* Хуқуқшунослик фаолияти психологияси. –Т., 2005.
- Щербаков А. И.* Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикum.– Т., 2004.

## МУНДАРИЖА

### **1-мавзу. Педагогик психологиянинг предмети. Унинг ички ишлар**

#### **идораларида педагогик жараённи такомиллаштиришдаги имкониятлари.**

Педагогик психологиянинг предмети ва илмий тадқиқот методлари.....	5-10
Педагогик жараёнга психологик тавсиф.....	10-13
Педагогик психологиянинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишдаги аҳамияти.....	14-20
Педагогик психологиянинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси.....	20-26

### **2-мавзу. Педагогик жараёнда таълим олаётган шахснинг психологияси.**

Таълим олаётган шахсга психологик характеристика.....	27-29
Педагогик психологияда шахсни ўрганиш усули ва йўл йўриқлари.....	30-31
Таълим олаётган шахсга психологик-педагогик таъсир этиш.....	32-35

### **3-мавзу. Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари ва уни педагогик жараёнда тутган ўрни**

Ёш даврлари психологияси фанининг предмети, вазифалари ва илмий тадқиқот методлари.....	36-39
Ёш даврлари психологиясининг вужудга келиши ва ёш даврларини табақалаш муаммолари.....	39-55
Ички ишлар органлари фаолиятида ёш даврлари психологиясининг аҳамияти.....	55-64

### **4-мавзу. Таълим олаётган жамоанинг психологияси ва таълим олаётганларга педагогик таъсир этиш**

Ўқув жамоаси тушунчаси ва унга психологик тавсифи.....	65-68
Таълим олаётганлар билан бўладиган ўзаро педагогик мулоқатнинг психологик асослари.....	69-72
Педагогик жараёнда низоларни олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг йўл-йўриқлари.....	72-77

## **5-мавзу. Ўқитишга психологик тайёргарликни шакллантириш**

Ўқитишга психологик тайёргарлик тушунчаси ва уни шакллантириш шарт-шароитлари..... 77-84

Таълим олаётганлар диққатига психологик тавсиф..... 84-86

Ўқиш фаолиятига йўналтирувчи асосий турткига психологик тавсиф... 86-89

## **6-мавзу. Таълим олаётганлар тафаккури ва хотирасида билимларни**

### **ўзлаштириш психологияси**

Билимни эгаллаш тушунчаси ва унинг психологик тавсифи..... 90-95

Хотиранинг психологик тавсифи ва уни педагогик жараёнда шакллантириш йўл-йўриқлари.....95-104

Таълим олаётганлар тафаккурининг психологик тавсифи ва унинг ўқув жараёнидаги фаоллигини ошириш усуллари.....104-115

## **7-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларини амалий ўқитишга касбий психологик тайёрлаш ва уларни психологияси**

Ички ишлар органларида амалий ўқитишнинг психологик муаммолари..115-120

Ички ишлар органлари мутахассисларини амалий тайёргарлашда касбий-психологик тайёргарликнинг ўрни.....121-131

Касбий кўникма ва малакалар амалий ўқитишнинг асосий негизи сифатида..... 131-137

## **8-мавзу. Гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари**

Аудитория билан ишлашда фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари.....138-141

Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренинглар ўтказиш технологияси.....141-142

Муаммоли ўқитиш ва уни ўтказиш усуллари.....142-148

Адабиётлар рўйхати.....149-151